МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Муталибжон ЙЎЛДОШЕВ (1942 йилда туғилган) — ҳуқуқшунос, иқтисод фанлари доктори, профессор, Халқаро жамоатчилик меҳнат ва бандлик академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси "Иқтисодий тарих ва ҳуқуқ" кафедрасининг мудири. 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. "Ишсизлик, бандлик меҳнат бозори ва уни моделлаштириш" илмий монографияси 1996 йилда АҚШ Евроазия фонди томонидан тадқиқотлар бўйича ўтказилган танловда грантга сазовор бўлган. "Солиқ ҳуқуқи", "Молия ҳуқуқи" китоби нашр этилган.

Йўлдошбой ТУРСУНОВ (1947 йилда туғилган) — ҳуқуқшунос, Тошкент Давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси, ҳуқуқ масалаларига оид бир қатор мақола, рисола ва китоблар муаллифи. Фуқаролик, меҳнат ва солиқ қонунчилиги соҳалари бўйича 10 дан ортиқ мақола ва рисолалари эълон қилинган. "Солиқлар ҳақида нималарни биласиз?", "Кооперативлар, ижара ва якка тартибдаги фаолият", "Меҳнат, қонун, истиқлол", "Молия ҳуқуқи", "Солиқ ҳуқуқи" ва бошқа китоблари нашр этилган.

М. ЙЎЛДОШЕВ, Й. ТУРСУНОВ

БАНК ҲУҚУҚИ

"МОЛИЯ"

11-94

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ
АКАДЕМИЯСИ

М. ЙЎЛДОШЕВ, Й. ТУРСУНОВ

БАНК ҲУҚУҚИ

БИБЛИОТЕКА
ГУ ВШЭП и ЛП
№ У2557

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2000

ББК 67.99 (2У)2

Йўлдошев М., Турсунов Й. БАНК ҲУҚУҚИ. Т:, «Молия» нашриёти, 2000 й. 172 б.

Бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлган банк тизими ва банк ҳуқуқи бозор иқтисодига ўтиш тарихий даври билан боғлиқ вужудга кела бошлаган ҳуқуқ соҳасидир.

Бозор иқтисоди муносабатлари шароитида банк-молия операциялари, кредитлаштириш, турли ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш янгича мазмун касб этиб, бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларни илмий таҳлил қилиб бориш долзарб муаммога айланиб бормоқда. Шундай ижтимоий зарурат туфайли юзага келган ушбу ўқув қўлланма республикамиз банк қонунчилигини умумлаштириш, таснифлаш илмий таҳлил қилиш ва маълум бир тизимга солишга қаратилган илк уринишдир.

Ўқув қўлланманинг асосий мақсади талабаларни замонавий банк қонунчилиги ва ҳуқуқий муносабатлари билан таништиришдан иборат.

Ўқув қўлланма ушбу соҳада дастлабки қадам бўлганлиги сабабли айрим камчиликлардан ҳоли эмас, шу боис китобхонлар билдирган фикр-мулоҳазалар муаллифлар томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

Масъул муҳаррир: ***М. Ф. ОЧИЛОВ***, иқтисод фанлари доктори, профессор.

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
«Молия» нашриёти, 2000 й.

КИРИШ

Иқтисодни маъмурий-буйруқбозлик асосида идора қилиш тизимлари ва усуллари янгича шароитларда, яъни асосий ҳаракатлантирувчи кучи фойда кўриш ҳамда самарадорлик бўлган бозор иқтисоди муносабатлари даврида қулай бошлади ва уларнинг ўрнига янги иқтисодий муносабатларга мос келувчи бозор инфратузилмалари юзага кела бошлади. Банк, молия, банк-молия операциялари, кредитлаштириш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш каби аввал зерикарли машғулот саналган фаолиятлар янгича мазмун касб этиб, жонланиб кетди ҳамда бундай амалиётлар фақат молиячилардагина эмас, балки ҳуқуқшуносларда ҳам қизиқиш уйғотади, ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммосига айланди. Корхоналардаги юридик хизматлар бу масалалар билан бевосита шуғулланa бошлади, хўжалик судларида, халқаро ҳакамлик маҳкамаларида банк фаолияти билан бирга мураккаб хўжалик низолари ҳам кўрила бошлади. Бозор механизмларининг тўлароқ ишлай бошлаши, «манфаатлар тўқнашуви» жараёнининг кучайиши билан бундай низолар миқдори ҳамда кўлами ошиб бориши табиий ҳолдир.

Банк муносабатлари соҳасидаги кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар молия ва банк иши билан етарли таниш бўлмаган шахслар учун бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда, хато ва камчиликларга сабаб бўлмоқда. Натижада корхоналар манфаатига зиён етиши, иқтисодий муносабатларнинг издан чиқиши каби ҳоллар кузатилмоқда. Ҳозирда турли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар банклар билан узвий алоқада бўлиб, ҳисоб рақамлари очиш, ҳисоб операцияларини амалга ошириш бўйича қийинчиликка дуч келмоқдалар. Бундай вазиятда ишбилармонликнинг аҳволи кўп жиҳатдан қонунчиликка риоя этиш даражасига боғлиқ бўлади. Кейинги вақтда матбуотда банк муассасаларининг айби билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилмай қолиши, нотўғри ахборотлар берилиши, айрим ҳолларда суиистеъмолчиликка йўл қўйилаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлмоқда. Буларнинг

ҳаммаси иқтисодиёт билан алоқадор бўлган барча шахслар банк қонунчилиги асослари ва банк ҳуқуқини чуқур ва атрофлича ўзлаштиришлари кераклигини талаб қилмоқда. Банк ҳуқуқи банк қонунчилиги асослари яратилишини долзарб вазифалардан бири қилиб қўймоқда.

Шундай ижтимоий зарурият туфайли юзага келган ушбу ўқув қўлланма республикамиз банк қонунчилигини умумлаштириш, таснифлаш, илмий таҳлил қилиш ҳамда тизимга солишга қаратилган илк уринишдир. Ўқув қўлланманинг асосий мақсади талабаларни замонавий банк қонунчилиги ва ҳуқуқий муносабатлари асослари билан таништиришдан иборат.

Мазкур ишда банк ҳуқуқи тушунчаси, предмети вазифалари, манбалари, субъектлари каби умумий назарий тушунчалар билан биргаликда банк фаолиятига оид банк ҳисоб-китоблари, кредит, пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати каби муайян йўналишлари таҳлил қилинган. Ушбу мавзуларга оид ҳуқуқий тушунчалар, банк муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий тамойиллар ва механизмлар билан яқиндан танишиш банк ҳуқуқи соҳасига хос бўлган илмий тафаккурнинг шаклланишига, банк қонунларини тўғри тушуниш ва тўғри қўллаш кўникмаларининг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Ўқув қўлланма ушбу соҳадаги дастлабки қадам бўлганлиги сабабли айрим камчиликлардан холи эмаслиги, табиий. Шу боис китобхонлар билдирган ҳар бир танқидий фикр-мулоҳаза, таклиф муаллифлар томонидан чуқур миннатдорчилик билан қабул қилинади.

УМУМИЙ ҚИСМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ҲУҚУҚИ — ЯНГИ ШАКЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН ҲУҚУҚ СОҲАСИ

I БОБ. БАНК ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ

1-§. Банк ҳуқуқининг предмети

Банк ҳуқуқи бозор иқтисодига ўтиш тарихий даври билан боғлиқ вужудга кела бошлаган янги ҳуқуқ соҳасидир. Товар-пул муносабатларининг кескин авж олиши, тадбиркорлик фаолиятининг мисли кўрилмаган миқёсда кенг қулоч ёйиши ҳисоб-китоб ҳамда пул муомаласи соҳасида ҳам янгича жараёнлар ҳамда йўналишларни вужудга келтирди. Аввал фақат давлат монополияси ҳисобланган ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти билан якка шахсларнинг тадбиркорлик асосида шуғуллана бошлаганлари ҳисоб-китоблар, банк хизмати, банк операцияларига бўлган эҳтиёж кескин ошиб кетишига олиб келди ҳамда банклар билан уларнинг кўп миллионли мижозлари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг муҳим гуруҳига айлантирди, уларни ҳуқуқий тартибга солишни яхшилаш ва такомиллаштириш зарурлигини кун тартибига қўйди.

Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгандан кейин ва тараққиётнинг бозор иқтисодига асосланган ўзбек модели танлаб олингандан сўнг собиқ иттифоқ даврида фаолият кўрсатган банк-кредит тизимлари, уларнинг иш услублари, моддий-техникавий имконияти замонавий талабларга ҳамда республикамиз олдига қўйилган иқтисодий ва сиёсий вазифаларга мутлақо мос келмай қолди. Иқтисодий янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларни янги механизмлар ёрдамидагина амалга ошириш мумкинлиги ҳаммага равшан эди. Ўзбекистонда миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш йўлларини белгиловчи дастлабки қонунлар собиқ иттифоқ ҳали расман барҳам топ-

маган давр (1991 йил 15 феврал)да қабул қилинган бўлса ҳам «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қабул қилинган[1] қонун ҳозирги замон банк тизимлари учун ҳуқуқий база ва пойдевор яратди, Ўзбекистон Республикаси молия тизимлари вужудга келишига кўмаклашди. Ушбу қонун асосида собиқ Давлат банкининг Ўзбекистон бўйича минтақавий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига айлантирилди. Унда миллий банкка хос функциялар юзага кела бошлади. «Иқтисодиётдаги қайта қуришлар ва тараққиёт динамикаси банк тизимларидан ҳам банк иши бўйича жаҳон амалиётини, Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларнинг миллий менталитетини ҳисобга олувчи, унга мос келувчи ўзгаришлар рўёбга чиқарилишини тақозо этар эди»[2]. Шунга мос равишда, мазкур қонунга кейинчалик мустақилликнинг дастлабки йилларида тўпланган тажрибаларга ва халқаро банк амалиёти ютуқларига асосланган жиддий ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиб борилди.

Республикамизда банк фаолияти соҳасида миллий тажрибанинг тўплана бориши, халқаро тажрибалар ва илғор ютуқларнинг синчковлик билан ўрганилиб ва умумлаштириб борилиши натижасида иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичларига келиб, мамлакатимизда банк, кредит, суғурта, қимматли қоғозлар бозори ва уларни бошқариш соҳасида замонавий қонунлар тизими юзага кела бошлади. Кейинги йилларда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шу тарзда банклар ва банк фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплана бориб, аста-секин қонунчилик тармоғи сифатида шаклана борди ҳамда бугунги кунда банк фаолияти, ҳисоб-китобларни ташкил этиш, банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган турли хизматлар кўлами, ҳажми ҳамда турларининг кескин кўпайиб кетиши натижасида бозор инфратузилмасининг ҳал қилувчи бўғинларидан бирига айланди. Шу сабабли банк муассасалари билан иш юритувчи ҳар бир шахснинг мамлакатимиз

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 84-модда.

[2] У. Хулойбердиев, А. Эрлонаев. «Комментарий к Законам Республики Узбекистан», «О Центральном банке Республике Узбекистан» и «О банках и банковской деятельности». 1998, 3-б.

банк қонунчилиги асосларидан хабардор бўлиши, уларга амал қилиши ҳаётий зарурат га айланиб қолди.

Ушбу омиллар мамлакатимизда банклар ва банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари билан шуғулланувчи банк ҳуқуқи деб аталувчи янги ҳуқуқ соҳасини юзага келтирди. Банк ҳуқуқи фан сифатида ўз предмети, услублари ва бошқа ўзига хос хусусиятларга эга.

Банклар фаолияти жуда кўп соҳаларни қамраб олади: банк фаолиятига банк иштирокидаги ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

Банк фаолияти деганда банклар ёки бошқа кредит муассасалари пул, қимматли қоғозлар, валюта бойликлари кўринишларидаги молиявий ресурслар воситасида амалга ошириладиган у ёки бу ҳаракатлар тушунилади. Банк фаолияти объекти саналувчи молиявий инструментларни батафсилроқ кўриб чиқайлик.

Пул моҳиятан ҳуқуқий тушунча сифатида, энг аввало, иқтисодий категория эканлигини эсда тутиш керак. Илмий адабиётларда пул тўғрисидаги назарияда унинг қуйидаги уч асосий функцияси ҳақида сўз юритилади ва пул:

– қиймат ўлчови;
– муомала воситаси;
– жамғариш воситаси сифатида таърифланади.

Чет эл мутахассислари пулнинг товарлар ва хизматлар учун тўлов воситаси сифатидаги қийматни ўлчовчи воситаси, айрим ҳолларда эса ушбу умумий олинган функциялар қаторига тўловлар ва ҳисоб-китоб бирликларини жамғариш функциясини ҳам қўшишади[1].

Пул муомала воситаси (тўлов воситаси), жамғариш воситаси ва товар қийматини ўлчаш вазифасини бажарганида банк фаолияти ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади. Бунда пул нақд, нақд бўлмаган ёки насия шаклларда мавжуд бўлиши мумкин.

Нақд пулнинг муомалага яроқлилиги техник ва ҳуқуқий меъёрларига кўра аниқланади. Ушбу маънодаги умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (94-модда) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунда (V бўлим, 32-39-моддалар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона эмиссия маркази сифатида Ўзбекистон Респуб-

---

[1] Ўлмасов А. У. Иқтисодиёт асослари. Т.: «Меҳнат». 1997 й. 143–145-бетлар. Макконел К. Р. Брю С. Л. «Экономика»: Москва 1992 г. 7. I с.264 и др.

ликаси Марказий банки белгиланади ҳамда ягона тўлов воситаси сўм эканлиги ва у номинал қиймати бўйича қабул қилиниши тартиби жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасида эмиссия фаолияти пул бирликларини муомалага чиқариш, муомаладан қайтариб олиш билан фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуғулланиши мумкин.

Нақд пул муомаласи эмиссия билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни ташкил этиш, назорат қилиш, шунингдек, қуйидаги функциялар Марказий банкка юклатилади:

– қоғоз ва танга пулларга истиқболдаги эҳтиёжни белгилаш, эмиссиясини ташкил қилиш, сақлаш, тежаш ва зарур захираларни яратиш;

– кредит ташкилотлари учун нақд пулни сақлаш ва инкассация қилиш қоидаларини белгилаш;

– пул белгиларининг тўловга яроқлилик даражасини аниқлаш, зарарланган қоғоз ва танга пулларни алмаштириш, яроқсиз пул бирликлари йўқ қилинишини таъминлаш;

– кредит муассасалари учун касса операцияларини юритиш қоидаларини ишлаб чиқиш.

Нақд пулдан ташқари нақдсиз пуллар ҳам молиявий инструмент саналади. Пулнинг асосий қисми нақд пулсиз ҳисобдаги пулларда ифодаланади.

2. Қимматли қоғозлар банк фаолияти объекти сифатида хизмат қилиши учун пул шаклида ифодаланган бўлиши, корпоратив ёки ҳисоб-китоб қилинадиган ва минимал муомала доирасига эга бўлиши лозим.

3. Валюта бойликлари банк фаолияти объекти бўлиши учун валюта қонунчилиги томонидан қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак.

Пул муомаласи иқтисодий ташкилотнинг қон томири ҳисобланади. Банк фаолияти фойда олиш мақсадида мунтазам равишда амалга ошириладиган битимлар ва банк операцияларидан ташкил топади.

Демак, банк фаолияти деганда пул муомаласини ташкил этиш, валютани тартибга солиш, кредит фаолияти бўйича банк ва кредит муассасалари томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади.

Банк ҳуқуқи предмети банк фаолияти, банк ва кредит муассасалари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлардан ташкил топади.

Республикамизда банк муносабатларини такомиллаштириш ва бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштирилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда[1].

2-§. Банк ҳуқуқи услублари ва тизимлари

Банк ҳуқуқи услублари банкка оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қўлланиладиган воситалар ва усуллар бўйича банкка оид муносабат иштирокчиларининг ҳулқ-атворига ва улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир этиш орқали бу ҳулқ-атворни банк қонунчилиги талабларига мувофиқлаштиради.

Банк ҳуқуқи услублари икки томонлама хусусиятга эга.

Биринчидан, банк муносабатлари кўпчилик ҳолларда тижорат ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари эканлиги сабабли бу муносабат иштирокчиларининг ўзаро тенг ҳуқуқлилиги асосида соҳадаги шартнома билан тартибга солинади. Бунда фуқаролик ҳуқуқий меъёрларига, томонларнинг тенглиги, муносабат ўрнатишнинг ихтиёрийлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг эркинлиги каби тамойилларга таянади. Услублар ҳам шунга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, тижорат банклари ўз мижозлари фаолиятининг банк қонунларига мувофиқ келишини, маблағлардан фойдаланиш, валюта қонунчилигига риоя этилишни назорат қилиб туради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига давлат бошқарув тизими сифатида мамлакатда барқарор пул муомаласи ва монетар сиёсатни амалга ошириш вазифаси юклатилган бўлиб, у назорат қилиш функциясини бажаради. Ушбу жараёнда юзага келувчи банк-ҳуқуқий муносабатлар ўз моҳияти жиҳатдан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, бу муносабатларнинг тартибга солинишида маъмурий-ҳуқуқий воситалардан, яъни бир томонни иккинчи томонга ҳуқуқий жиҳатдан бўйсундиришга асосланувчи усуллардан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк муомаласи соҳасида меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши йўли билан тартибга солиш ушбу усулнинг маҳсулидир.

---

[1] НТВ, 2000 й., №13.

Банк ҳуқуқи тизимлари банк муносабатларига оид тушунчалар, институтлар, муносабатнинг муайян гуруҳлари, уларнинг ўзига хос томонлари, ўзаро боғланган ҳолда ягона тизимни ташкил қилиши тушунилади.

Банк қонунчилиги ва банк ҳуқуқи тизими бир-биридан фарқ қилади.

Банк қонунчилиги тизимига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар, мамлакатда пул муомаласи ва ҳисоб-китоб ишларини тартибга солувчи қонунлар, уларнинг тузилиши киради.

Банк ҳуқуқи тизими эса банк қонунчилигини самарали тарзда ўрганишга қаратилган таълим мақсадлари, фанга оид асосий тушунчалар ва қоидаларни гез ва осон ўзлаштиришга йўналтирилган тизим бўлиб, уни икки қисмга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Банк ҳуқуқининг умумий қисми фан тушунчаси, предмети, вазифалари, тамойиллари, манбалари, банкка оид ҳуқуқий муносабатлар каби маслаларни ўз ичига олади ва банк ҳуқуқи фани, ҳуқуқ тармоғи тўғрисида умумий тушунчаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Банк ҳуқуқининг махсус қисмида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг ҳуқуқий ҳолати, функциялари ва вазифалари, унинг Ўзбекистон Республикаси банк тизимида тутган ўрни, тижорат банклари тушунчаси ҳамда ҳуқуқий ҳолати, банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, банк операциялари, банк ва мижозлараро фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти каби масалалар кўриб чиқилади.

II БОБ. БАНК ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Банк ҳуқуқи шаклланиб келаётган ҳуқуқ соҳаси сифатида кенг эътироф этилган умумҳуқуқий қоидаларга асосланувчи манбаларга таянади. Маълумки, ҳуқуқнинг манбаи деганда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган, давлат хоҳиши ва эркини ифодаловчи, ҳокимлик имгиёзи берилган ҳамда шу сабабли ҳамма томонидан бажарилиши шарт бўлган қонун меъёрлари тушунилади.

Банк ҳуқуқининг манбалари деганда эса юқорида қайд этиб ўтилган хусусиятларга эга бўлган давлат меъёрий ҳужжатлари тушунилмоғи керак. Шу нуқтаи назардан банк ҳуқуқи манбаларини икки гуруҳга: қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатларга бўлиш мумкин.

Қонун олий қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қабул қилинади, унда банкка оид ижтимоий муносабатларнинг асосий мазмуни, уларни тартибга солишнинг асосий усуллари, вазифалари, мақсадлари кўрсатилади.

Қонун асосида қабул қилинувчи меъёрий ҳужжатлар давлат бошқаруви ижро ташкилотининг меъёрий ҳужжати бўлиб, унинг асосий вазифаси қонунларда белгиланган вазифалар, илгари сурилган талабларнинг ижро этилишини таъминлаш орқали банкка оид муайян вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Банк ҳуқуқи манбани ташкил этувчи қонунлар ҳақида сўз юритилганда, энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясига эътибор берилмоғи керак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа ҳуқуқ соҳалари каби банк ҳуқуқининг ҳам бош манбаи, асосий юридик базаси бўлиб хизмат қилади. Ушбу олий юридик кучга эга бўлган асосий қонун мамлакатимизда пул-кредит, молия, ҳисоб-китоб муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим тамойилларини белгилаб беради.

Банк ҳуқуқининг манбаи саналувчи қонунлар мажмуига «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги (1995 йил

21 декабрь); «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (1996 йил 25 апрель); «Хориждан маблағ жалб этиш тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси кабилар киради. Булар орасида «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар етакчи ўрин тутади, чунки ушбу икки қонунда Ўзбекистон Республикаси банк тизими, унинг асосий вазифалари, банклар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилган.

Мазкур қонунлар асосида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орасида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари муҳим ўрин тутади. Президент Фармонлари кундалик турмушимизда юз бераётган жараёнларга тезкорлик билан аралашув воситаси, жараёнларни тез бошқариш усули бўлиб хизмат қилади. Жумладан, 1997 йил 19 майда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги; 1998 йил 20 мартдаги «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чоралари ҳақида»ги Фармонлар банк фаолиятини тезкорлик билан тартибга солишга қаратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам банк ҳуқуқи манбалари орасида катта ўрин тутади. Вазирлар Маҳкамаси олий ижро органи сифатида банк муносабатлари, пул муомаласини тартибга солиш, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштиришга доир муҳим қарорлар қабул қилади. Ана шундай қарорлар қаторига Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 11 декабрда қабул қилинган 548-сонли «Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини ва касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 22 апрелда қабул қилинган, 170-сонли «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг корхоналарни институционал ривожлантиришга ажратилган қарзни рўёбга чиқаришга тайёргарлик чоралари ҳақидаги қарори» ва бошқалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида банк фаолиятини такомиллаштириш — ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркин-

лаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга[1].

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа давлат ташкилотлари чиқарадиган меъёрий ҳужжатлар банк ҳуқуқи манбалари орасида салмоқли ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки республика миқёсидаги бошқарув-ижроия давлат ташкилоти сифатида банк фаолиятини тартибга солувчи кўплаб турли-туман меъёрий ҳужжатлар чиқаради. Булар жумласига турли йўриқномалар, вақтинчалик тартиблар, хатлар, кўрсатмаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина юридик кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қонунига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари ҳам банк фаолиятига у ёки бу даражада тааллуқли бўлган қарорлар қабул қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида турли халқаро шартномаларда фаол иштирок этмоқда. Шу боис молия ва банк муносабатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қатнашган халқаро шартномалар ҳам банк ҳуқуқининг муҳим манбалари ҳисобланади. Миллий қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикаси тан олган ва қатнашаётган халқаро шартнома қоидалари ўртасида қарама-қаршилик юзага келса, сўзсиз устунлик халқаро шартнома қоидаларига берилади.

Банк муносабатларида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми қарорлари ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар қонунлар мазмунини тўғри қўллаш, тўғри тушуниб олиш, қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раёсатининг 1996 йил 11 июлдаги «Банклар иштирокида хўжалик низоларини кўриш амалиёти ва банк муассасалари томонидан хўжалик судлари ҳал қилувчи ажрим қарзлари ва қарорларининг ижро этилишини умумлаштириш материаллари тўғрисида»ги қарори банк муносабатида амалий аҳамиятга эга. Бироқ Олий хўжалик суди қарорлари банк ҳуқуқининг манбаи бўлолмайди, чунки улар меъёрий эмас, тавсиявий хусусиятга эга.

---

[1] Қаралсин: «Халқ сўзи», 22 март 2000 й.

Банк ҳуқуқи янги шаклланиб келаётган ҳуқуқ соҳаси бўлгани сабабли унинг тамойиллари ҳам ҳали шаклланиш босқичида ва уларни аниқ белгилаш анча мушкул. Банк ҳуқуқи тартибга соладиган ижтимоий муносабатларда молия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари учун хос бўлган мезонларни ҳамда қадриятларни кузатиш мумкин. Шу сабабли ушбу тамойиллар кўп қиррали ва бир қатор ҳуқуқ соҳаларига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Банк ҳуқуқи соҳасида амал қиладиган тамойилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

I. Тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат Солиқ, божхона қўмитасии ўртасидаги муносабат тамойиллари;

II. Тижорат банклари билан бошқа кредит муассасалари ўртасидаги муносабат тамойиллари;

III. Тижорат банклари унинг мижозлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган муносабат тамойиллари.

Барча турдаги банк фаолиятига таллуқли бўлган умумий тамойиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Банк фаолиятида қонунларга қатъий амал қилиш тамойили;

2. Банк операцияларининг мақсадга мувофиқ бўлиши лозимлиги;

3. Банк ахборотларининг дахлсизлиги ва қонун билан муҳофазаланиши;

4. Банк фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг муайян шакли эканлиги.

Тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Давлат Солиқ ва божхона қўмитаи билан ўзаро муносабатлари моҳиятига кўра молиявий-маъмурий муносабат бўлганлиги туфайли молия ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуққа хос бўлган тамойиллар амал қилади.

Тижорат банкларининг бошқа кредит муассасалари, мижозлари билан бўладиган муносабатлари ўзаро тенгликка, ихтиёрийликка, манфаатдорликка асосланган фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар бўлганлиги сабабли бундай пайтда товар-пул муомаласига асосланган, бозор иқтисодига мос бўлган фуқаролик ҳуқуқий тамойиллари қўлланилади ва бу пайтдаги алоқалар томонлар ўртасида тузилган шартномаларга таянилган ҳолда олиб борилади.

III БОБ. БАНККА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР, УЛАРНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

1-§. Банкка оид ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари

Банк фаолиятини амалга оширишнинг асосий шаклларидан бири банк ҳуқуқий муносабатларидир. Банк муносабатлари ижтимоий муносабатларнинг муайян бир гуруҳи бўлиб, пул-кредит, ҳисоб-китоб ва банк хизматидан фойдаланиши билан боғлиқ равишда банк муассасалари билан давлат бошқарув органлари, банк муассасалари билан бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги қонунлар ёки шартномаларга кўра юзага келадиган, ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатлар ҳисобланади.

Банкка оид ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос мазмунга ва ўзининг махсус объектлари, субъектларига эга бўлади.

Банкка оид ҳуқуқий муносабатларнинг қуйидаги хусусиятларини қайд этиш мумкин:

а) махсус субъектлар, яъни банк ва кредит муассасаларининг мавжудлиги;

б) махсус объектлар, яъни молиявий қуролларнинг мавжудлиги;

в) банк муассасалари иштирокидаги муносабатларда бевосита банк муносабатлари орқали пул-кредитга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши ва шу сабабли ҳуқуқий муносабат шакллари, уларни амалга ошириш қоидаларини рўёбга чиқаришда томонлар эркининг чекланганлиги, бу муносабатларда билвосита ёки бевосита давлатнинг иштирок этиши;

г) банкка оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда оммавий ҳуқуқий меъёрлар (маъмурий, давлат, молия, солиқ, божхона ҳуқуқи меъёрлари) билан бир қаторда хусусий ҳуқуқий меъёрлар, яъни фуқаролик ҳуқуқидан ҳам фойдаланиш кераклиги.

Банкка оид ҳуқуқий муносабатларни субъекти таркибига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

– банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар;

– тижорат банкларидаро муносабатлар;

– тижорат банклари билан Марказий банк ўртасидаги муносабатлар;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳукумат давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар;

– Ўзаро иттифоқлар, ассоциациялар, клиринг палаталари ташкил этиш юзасидан банкларарo муносабатлар;

Булардан ташқари, банкка оид муносабатлар амалга ошириладиган банк операциялари хусусиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

– пассив банк операциялари (банк қарздор сифатида иштирок этувчи омонат, банк ҳисоби, қимматли қоғозлар чиқариш) билан боғлиқ муносабатлар;

– актив банк фаолияти операцияларига оид муносабатлар (бунда банк кредитор сифатида ҳаракат қилади, яъни кредит бериш шартномаси, қарздан воз кечиш ва бошқалар);

– банк воситачилик операциялари: ҳисоб-китобга оид муносабатлар;

– ёрдамчи банк операциялари: ахборот-маслаҳат хизматига оид муносабатлар.

Мазмунига кўра банкка оид ҳуқуқий муносабатлари қуйидаги турларга бўлинади:

– пул билан боғлиқ мулкий муносабатлар;

– банк сирини сақлаш режимини таъминлаш, банк обрўсини оширишга қаратилган муносабатлар;

– ташкилий, яъни банк ички таркибий тузилишини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар.

Банк ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши турли ҳолатлар ва хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Уларнинг юзага келиши:

1) қонун меъёрлари (масалан, пул-кредит соҳасидаги миллий-давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган);

2) Маъмурий ҳужжатлар (масалан, банк фаолияти билан шуғулланиши учун лицензия берилиши ёки уни олиб қўйилиши тўғрисидаги қарор);

3) шартнома ёки бошқа битимлар;

4) зарар етказиш (делик мажбуриятлари) асосида бўлиши мумкин.

2-§. Банк ҳуқуқий муносабатларининг тузилиши ва субъектлари

Банк муносабатларида турли жисмоний ва юридик шахслар иштирок этадилар:

1. Банк мижозлари: фуқаролар, юридик шахслар, уларнинг вакиллари, жисмоний шахс сифатида;

2. Банклар ва бошқа кредит муассасалари, юридик шахс сифатида;

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки — давлат ижроия органи, ҳисоб-китоб маркази сифатида;

4. Иккиламчи банк ташкилотлари — банк ассоциациялари, иттифоқлари, гуруҳлари, концернлар ва бошқалар;

5. Банк фаолиятини тартибга солиш функциясини бажарувчи давлат ҳокимияти органлари.

Мазкур субъектлар ўртасида банкка оид турли-туман ҳуқуқий муносабатлар юзага келади ва бунда улар бир-бирларига нисбатан муайян вазиятни эгаллайдилар. Бу муносабатлар марказида банк билан унинг мижозлари ўртасидаги алоқалар туради.

Банкка оид ҳуқуқий муносабатларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин:

1-чизма



БИБЛИОТЕКА
Г.К.Т.И.П и ЛП
№ 42557

Банкка оид ҳуқуқий муносабатлар таркибини таҳлил қилиш пайтида унинг объектлари ва субъектлари таркибидан ташқари бу муносабат субъектларига берилган субъектив ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларга ҳам эътибор берилиши лозим.

Субъектив ҳуқуқлар деганда «қонун билан кафолатланган, йўл қўйилган, эркин, рухсат этилган хатти-ҳаракатлар чегараси»[1] тушунилмоғи керак.

Банкка оид ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқларнинг вужудга келиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, айрим пайтларда бу субъектив ҳуқуқлар давлатнинг оммавий-ҳуқуқий меъёрларидан вужудга келиши, айни пайтда субъектив мажбуриятларни ҳам ўзида ифодалаши мумкин бўлса, бошқа ҳолларда эса улар эркинлик асосида, шартномалар тузиш йўли билан юзага келади ва уларнинг мазмуни, ижро этилиши ҳам томонлар келишуви билан белгиланади.

Банк мижозларининг субъектив ҳуқуқлари омонатлар қўйиш, уларни тасарруф этиш кабиларда, субъектив мажбуриятлар эса банк қоидаларига қатъий риоя этишда ифодаланади.

Банкнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг мижозлари субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмига мос келади. Бундан ташқари, банк давлат томонидан белгиланадиган (оммавий-ҳуқуқий) субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлади. Масалан, банк ваколатли ташкилотлар талаби билан ахборотлар бериши, ҳисоб рақамини блокировка қилиши, банк операцияларининг муайян тартибда олиб бориш каби ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади.

---

[1] Қаранг: А. Б. Венгеров. «Теория государства и права», ч.2. М., «Юрист», 1997 г., с.20.

МАХСУС ҚИСМ

I-БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ — БАНК ТИЗИМИНИНГ БИР БЎҒИМИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНИ СИФАТИДА

1-§. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (МБ)нинг асосий мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин молия-кредит, ҳисоб-китоб ишларини ислоҳ қилиш, корхона ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ҳамда бошқа турдаги банк-молия хизматлари кўрсатилишини тубдан қайта қуриш мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни сақлаб қолишнинг асосий шартларидан бирига айланди.

Республикамизда банк-молия соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида асосий ташкилотчилик ва раҳбарлик вазифаси Ўзбекистон Республикаси МБи зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси МБининг ҳуқуқий ҳолати «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳақида»ги қонуни билан белгилаб қўйилган. Ушбу қонунга кўра МБнинг бош мақсади миллий валюта — сўмнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. МБнинг асосий вазифаларига эса қуйидагилар киритилган:

– монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

– банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш;

– Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин валюта резервларини, шу жумладан, шартнома бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

– Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш кабилар.

Миллий валюта барқарорлиги чет эл валюта бозорида миллий валюта баҳосининг барқарорлиги алмаштирилиш даражасининг юқорилиги бўлиб, бунга эришиш кўпинча катта қийинчиликлар билан бўлаётганлиги, бунда МБга боғлиқ бўлган омиллар билан бир қаторда унга боғлиқ бўлмаган, унинг назоратидан ташқарида бўлган жараёнларнинг муҳимлиги эсдан чиқарилмаслиги керак. Ўтиш даври вужудга келтираётган салбий иқтисодий жараёнлар, ташқи таъсирлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мувофиқлаштирилган монетар ва кредит сиёсатини амалга оширар экан, муомаладаги нақд пул массаси, инфляция жараёни, миллий валюта алмашув курси устидан назоратни амалга оширади, банк тизимларига бўлган ишончни таъминлайди, ўзининг кредит ва валюта сиёсати орқали пул массасини ўзгартириш йўли билан товарлар, ишлар, хизматлар нархига, ишлаб чиқариш ҳажмига, экспорт ва импорт даражасига ҳамда бошқа иқтисодий ва сиёсий кўрсаткичларга ўз таъсирини ўтказади. Пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш тўлиқ МБ ваколатига киради.

Мамлакатда ҳисоб-китоблар ва тўлов ишларини ташкил қилиш МБ зиммасига юклатилган асосий вазифалардандир. Ҳисоб-китоблар нақд пул билан ва нақд пулсиз амалга оширилади, унинг тартиби эса Ўзбекистон Республикаси МБи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бўлиб, бу вазифани амалга ошириш зарурий меъёрларни мажбурий заҳиралар ҳажмини, турларини белгилаб бериш ва уларга амал қилинишини кузатиб бориш йўли билан рўёбга чиқарилади.

МБ давлат бюджетига хизмат қилади, барча даромадлар унда жамланади ва айни вақтда барча харажатлар ҳам у орқали амалга оширилади.

2-§. Ўзбекистон Республикаси МБининг банк тизими бошқарув органи сифатидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси МБи мамлакатда миллий валюта – сўмнинг барқарорлигини таъминловчи давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси банк тизимини бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисоб беради. МБ раиси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсиясига кўра Олий Мажлис томонидан тайинланади ва ўз вазифасидан озод қилинади. Шунингдек, Олий Мажлис Марказий банкининг молиявий фаолияти тўғрисидаги аудитор хулосасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Марказий банк ҳар йили матбуот орқали пул-кредит соҳасидаги аҳвол ва монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб боради.

«Ўзбекистон Республикаси МБи ҳақида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра, «Марказий банк юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлоқ мулкидир». Халқаро амалиётга кўра Марказий банклар мустақил юридик субъект сифатида ташкил этилса-да, ўз молиявий фаолиятларини мустақил равишда амалга оширадилар.

«Юридик шахс» тушунчаси фуқаролик ҳуқуқига оид бўлиб, хусусий ҳуқуқий нуқтаи назардан қараганда тижорат юридик шахси билан нотижорат юридик шахси ўртасидаги фарқни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. «Ўзбекистон Республикаси МБи ҳақида»ги қонуннинг 4-моддасида «МБ тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас» деб кўрсатилган. Демак, бундан МБ нотижорат юридик шахслари тоифасига киради, деган хулоса чиқади. Аммо Ўзбекистон Республикаси ФКининг 40-моддасида «тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса ташкил этилиши мумкинлиги» кўрсатилган. Лекин давлат бошқарув ташкилоти, яъни оммавий-ҳуқуқий шакллардаги субъектларни нотижорат юридик шахслар бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Ушбу муаммо ўйлашга арзийдиган масаладир, чунки хусусий-ҳуқуқий қоидалар оммавий ҳуқуқий таркибий қисмлардан ташкил топувчи Марказий банк ҳуқуқий ҳолатини изоҳлашга қодир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки махсус ўзига хос ташкилий тузилма бўлиб, уни соф маънодаги ижроия-маъмурий жамият таркибига ҳам, молиявий-хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот жумласига ҳам киритиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси МБи мақсадли тузилмадир ва у жамият учун ўта зарур бўлган муайян функцияларни бажаришлик учун ташкил этилади ва шу сабабли унинг иш самарадор-

лиги ушбу функцияларни қай даражада муваффақиятли бажарилиши билан белгиланади.

МБ:

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан биргаликда миллий валюта — сўмни ҳимоялаш ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган ягона давлат пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– монопол тарзда нақд пул эмиссиясини амалга ошириш ва унинг муомаласини ташкил этиш;

– кредит ташкилотлари учун юқори даражадаги кредитор мақомига эга бўлиш ва қайта молиялаш тизимларини ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китоб қилиш қоидаларини белгилаш;

д) банк операцияларини амалга ошириш, банк тизими учун бухгалтерия ҳисоблари ва ҳисоб-китоблари қоидаларини белгилаш;

– кредит ташкилотлари (тижорат банклари)ни давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялар (рухсатномалар) бериш ва уларни қайтариб олиш;

– банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

– валютани тартибга солиш ва чет эл валютасида ҳисоб-китоб юритиш қоидаларини белгилаш;

– бевосита ўзи ёки тижорат банклари орқали валюта банк назоратини амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси истиқболларини ишлаб чиқиш, тўлов балансини тузишда иштирок этиш;

– ушбу функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳажмда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти аҳволи истиқболини белгилаш юзасидан таҳлил ўтказиш каби функцияларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси МБининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи муҳим элементлар қаторига, шунингдек, унинг ваколатлари, мулкий аҳволи ва ташкилий тузилиши ҳам киради.

МБнинг Ўзбекистон Республикаси банк тизими марказида турувчи нисбатан автоном, «яшаш қобилиятини» сақлаб туришга имкон берувчи ўз қоидаларини ишлаб чиқа оладиган ва жорий эта оладиган муассаса эканлиги унинг ваколатларини белгиловчи омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам давлат ташкилоти, ҳам молия-кредит муассасаси сифатида тижорат банкларининг хусусий манфаатлари билан давлат, жамият ва жамо

манфаатлари ўртасида икки манфаат қарама-қаршилигини юмшатилишини таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади. Банк тизимининг маркази сифатида уни оқилона сақлаш ва ҳимоя қилиш чораларини кўриши лозим. Аммо амалда МБ томонидан юритилаётган банк-молия сиёсати ҳар доим ҳам ушбу талабга мос келавермайди ва тижорат банкларини ноқулай аҳволга солиб қўйиш ҳоллари юз бериб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимининг марказий бошқарувчи субъекти сифатида банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш, бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тузиш ҳамда тақдим этиш бўйича кредит муассасалари бажариши мажбурий бўлган қоидаларни ишлаб чиқади ва жорий этади. Ўз ваколатларини амалга ошириш мақсадида МБ кредит муассасалари, тижорат банклари ва улар фаолиятига оид белгиланган доирадаги ахборотлар улар бўйича тушунтиришлар талаб қилиб олиш мумкин. Молия ва банк соҳасидаги статистик маълумотларни давлат ижроия ташкилотларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқи ҳам МБка берилган. Марказий банк кредит муассасалари ва бошқа манбалардан олган ахборотларни қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ошкор этишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси банк тизими фаолияти ҳақидаги статистик ва аналитик таҳлилий ахборотларни матбуотда эълон қилиб туриши лозим.

Марказий Банкка берилган ваколатлардан бири меъёрий ҳужжатлар чиқариш йўли билан банк тизимини, пул муомаласини, банк фаолияти билан боғлиқ бўлган молия-кредит фаолиятини бошқаришдир. «Ўзбекистон Республикаси МБи тўғрисида»ги қонун Марказий банкка меъёрий ҳужжатлар чиқариш ваколатини берган бўлса-да, ушбу ҳужжатларнинг қандай ҳуқуқий шаклда бўлишлигини, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш қоидаларини ўрнатмаган. Марказий банк ҳужжатлари тижорат банкларининг манфаатларига ҳар доим ҳам тўғри келавермайди. Уларнинг кўпинча қабул қилинмаётганлиги сабабларидан бири ҳам шунда. Марказий банк томонидан тижорат банкларига сон-саноқсиз телеграмма, телефонограмма ва модемограммалар жўнатилиши, уларда ҳар хил, баъзан бир-бирига зид келувчи, ҳар доим ҳам қонун доирасига тўла мувофиқ келавермайдиган

талабларнинг қўйилиши бу соҳада тартиб ўрнатилиши зарурлигини кўрсатади.

Қонунга кўра Марказий банк томонидан чиқариладиган, фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқ-мажбуриятларига дахлдор меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилиши ва сўнгра давлат рўйхатига олиниши лозим. Бироқ қонунчиликда жисмоний ва юридик шахслар манфаатига, ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор меъёрий ҳужжатлар атамаси турли давлат идоралари томонидан ўз манфаатларига мослаб турлича талқин этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқариладиган меъёрий ҳужжатларни фақат «Банк ахборотномаси» ҳафтаномасидагина эълон қилиниши талабга жавоб бермайди, чунки барча учун мажбурий кучга эга бўлган ушбу ҳужжатлар умумхалқ оммаси учун мўлжалланган, ҳамма таниша оладиган расмий давлат матбуоти воситасида мунтазам ва изчил тарзда эълон қилиб борилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатлари йўналишларидан яна бири — банк хизмати кўрсатувчи субъектларнинг ўзига хослигида кўзга ташланади. Тижорат банклари ва давлатнинг ўзи ҳам Марказий банкнинг мижозлари ҳисобланиши мумкин. Марказий банк давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг муассаса ва ташкилотлари, давлат бюджетидан ташқари фондлари, ҳарбий қисмлар, миллий хавфсизлик, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хизмат кўрсатиши юзасидан бевосита банк операцияларини амалга ошириши мумкин («Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддаси).

Марказий банк ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида чет эл кредит муассасалари ва Ўзбекистон ҳукумати билан қуйидаги операцияларни амалга ошириши мумкин.

– бир йилгача муддатга қимматли қоғозлар ва бошқа активлар эвазига кредитлар бериш;

– қимматли қоғозлар (векселлар, чеклар)ни сотиш ва сотиб олиш;

– очиқ бозорда қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш;

– чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар (тўлов ҳужжатлари, хазина мажбуриятлари ва бошқалар);

– қимматбаҳо металлар, валюта бойликларининг бошқа турларини сотиб олиш, сақлаши ва сотиш;

– ҳисоб-китоб, касса, депозит операцияларини амалга ошириш, қимматли қоғозлар ва бошқа бойликларни сақлаш ва бошқариш учун қабул қилиш;

– кафил бўлиш ва кафолат бериши ҳамда бошқа банк операцияларини амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операцияларни амалга оширишдаги ваколати, қуйидаги ҳолларда чекланган:

– банк фаолиятини амалга оширишга ваколати бўлмаган юридик шахслар ва жисмоний шахслар билан банк операцияларини амалга оширишга;

– қонунда бевосита кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари кредит ва бошқа ташкилотлар акциясини сотиб олишга;

– савдо ва бошқа ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишга;

– кредит бериш муддатини чўзишга ҳақли эмас.

Марказий банкнинг айрим ваколатлари мутлақ хусусиятга эга бўлиб, бундай ваколатлар бошқа кредит муассасаларига берилиши мумкин эмас. Масалан, давлат бюджети даромадлари билан харажатлари ўртасидаги фарқни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кредит бериши, давлат қимматли қоғозларининг бирламчи жойлаштирилишида уларни сотиб олиш кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон давлати мулки сифатида ўзи оладиган фойданинг муайян қисмини давлат бюджетига ўтказади. Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида қуйидагилар кўрсатилган:

«Марказий банкнинг фойдаси ҳар бир молия йили учун:

- ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари шакллантирилганидан сўнг;

- умумий қабул қилинган бухгалтерлик амалиётига мувофиқ амалда барча даромадлар ва чиқимлар ҳисобланганидан, шунингдек, активлар ва пассивлар баҳоланганидан сўнг аниқланади.

Марказий банкнинг фойдаси банк бошқаруви белгилаган тартибда йиллик ҳисоботни тасдиқлаш билан бир пайтда тақсимланади.

Бошқарувнинг қарорига мувофиқ аниқ мақсадли турли резервлар ва фондлар шакллантирилиши мумкин.

Фондлар ва мажбурий резервлар белгиланган тартибда тўлдирилганидан кейин фойданинг қолган қисми республика бюджети даромадига йўналтирилади. Йиллик ҳисобот кўриб чиқилмагунича, фойданинг республика бюджетига ўтказилишига йўл қўйилмайди».

Марказий банк оладиган фойдани тақсимлаш тартибини белгиловчи ушбу қоида билан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасидаги Марказий банк тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, деган қоида ўртасидаги зиддиятни изоҳловчи қарашлар ҳозирча мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколати йўналишларидан яна бири — унинг пул-кредит муомаласи соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи ташкилот эканлиги билан боғликдир. Марказий банк оператив фаолиятларга аралашмагани ҳолда мамлакатда амалга оширилаётган банк фаолиятининг қонунийлиги, Марказий банк чиқарган меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назорат олиб боради. Бу назоратнинг мақсади республикада банк тизими барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Марказий банкнинг назорат ва бошқарув соҳасидаги ваколати бевосита унинг ўзи томонидан ёки унинг томонидан махсус ташкил этиладиган муассаса орқали амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклар фаолиятини назорат қилиши ва тартибга солиш бўйича ваколатлари доираси «Ўзбекистон Республикаси МБи тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасида бирма-бир санаб кўрсатилган. Унда айтилишича, Марказий банк ўзининг назорат ваколатини амалга ошириши учун банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банк:

– банкларнинг ҳисобот ва бошқа ҳужжатларини олиш ҳамда текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан, операциялари тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

– олинган ахборотлар юзасидан изоҳ талаб қилиш;

– банклар, уларнинг филиаллари ва банк билан узвий боғлиқ юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳамда тартиббузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

– банкларнинг ички аудити бўйича қўйиладиган талабларни белгилаш;

– банк активларини уларнинг сифатига қараб таснифлаш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга мос резервлар яратилишини талаб қилиш;

– ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва тартибини белгилаш;

– банкларга улар фаолиятида аниқланган тартиб бузишларни бартараф қилиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

– банк акциядорлари банк акциясининг йигирма фоиздан ортиғини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ва мавқеи тўғрисида ахборот сўраш;

– банклар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларига нисбатан малака талабларини қўйиш ҳуқуқига эга.

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва МБ белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Банклар ва уларнинг филиаллари томонидан қонунлар, МБ меъёрий ҳужжатлари ва кўрсатмалари бузилган, шунингдек талаб этилган ахборотлар тақдим этилмаган, тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилган ҳолларда Марказий банк йўл қўйилган қонун бузилишини бартараф этилишини талаб қилибгина қолмай айбдорларга молиявий ва бошқа жазо чоралари ҳам қўллайди.

Қоида бузарликни бартараф этиш тўғрисидаги талаб бажарилмаганда, шунингдек, бундай тартиб бузишлар ва банк томонидан амалга оширилаётган операциялар кредиторлар манфаатига, банк тизими барқарорлигига нисбатан реал хавф туғдирганида Марказий банк:

– банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоизи ҳисобида жарима ундириш;

– банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан, активлар тузилмасини ўзгартириш ва акциядорларга дивиденд

тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини алмаштириш, банкни қайта ташкил этиш, филиалларни тугатишни талаб қилиш;

– банк иқтисодий меъёрларини олти ойгача ўзгартириш;

– айрим банк операцияларининг амалга оширилишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек, филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйиш;

– банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларнинг васиятлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақалари қоникарсиз аҳволда бўлган ҳолларда Марказий банк мазкур банк филиали ушбу ҳаракат натижасида олган даромадини низосиз тартибда ундириб олади, шунингдек, шундай миқдорда жарима солади.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунининг мазкур 52-моддасига кўра:

«Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, шу жумладан:

– капиталнинг монандлик коэффициентини;

– бир қарз олувчига ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тавакқалчиликнинг энг кўп миқдорини;

– йирик кредит риски тавакқалчилиги ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

– ликвидлик коэффициентларини;

– активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни;

– қарзларга доир фоизларни ҳисоблаш ва уларни банк даромади ҳисобларига киритишга доир талабларни;

– очиқ валюта лимитларини белгилайди.

Марказий банк иқтисодий нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қилади».

Тижорат банклари учун иқтисодий нормативлар белгилаш уларни Марказий банк томонидан бошқариш шаклларидан бири бўлиб, бундан мақсад улар томонидан ўзини оқламайдиган, мумкин бўлган риск доирасидан четга чиқадиган тавакқалчиликка йўл қўймаслик ва шу йўл билан банк омонатчилари ва кредиторлари

манфаатларини хавф-хатарга қўйилиши ва банк тизимлари барқарорлиги бузилишининг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида банк фаолияти соҳасидаги асосий таваккалчилик хавфи кредит рискларидан иборатдир. Бу таваккалчилик хавфи йирик кредитлар берилишини чеклаш, йирик кредитларни назорат қилишни кучайтириш йўли билан бартараф этиб борилади. Йирик кредитлар банк капитали 15 фоизидан ортадиган миқдордаги кредитлардир.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 53-моддасида айтилишича: «Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузса, Марказий банк ҳуқуқбузарликка йўл қўйган банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатларидан яна бир гуруҳи унинг бошқарув органи эканлиги билан боғлиқ. Назорат қилиш соҳасидаги ваколатлардан фарқ қилиб, бошқарув фаолиятини тақиқловчи жазо чоралари қўллаш орқали эмас, балки муайян шарт-шароитлар яратиш, ижобий кўринишдаги йўл-йўриқлар бериш йўли билан амалга оширилади. Ушбу маънода Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бир неча бошқарув функциялари доирасини белгилашни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар:

– Марказий банк операциялари бўйича фоиз ставкаларини белгилаш;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга қўйиладиган мажбурий резервлар меъёрларини белгилаш;

– очиқ бозордаги операциялар;

– банкларни қайта молиявий таъминлаш;

– валютани тартибга солиш;

– пул массаси кўпайиши мўлжалларини белгилаб бериш;

– тўғридан-тўғри миқдорий чеклашлар жорий этиш.

Марказий банк ягона пул-кредит давлат сиёсати мўлжалларига асосланиб ўзи томонидан бериладиган кредитнинг энг кўп ҳажмини бошқаради. У турли операциялар бўйича бир ёки бир неча фоиз ставкалар белгилаши ёки бу фоизларни олдиндан белгилаб қўймаслиги мумкин. Марказий банк ўз фоиз сиёсатидан молия бозоридаги фоизлар ставкасини белгилаш

тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини алмаштириш, банкни қайта ташкил этиш, филиалларни тугатишни талаб қилиш;

– банк иқтисодий меъёрларини олти ойгача ўзгартириш;

– айрим банк операцияларининг амалга оширилишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек, филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйиш;

– банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларнинг васиийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақалари қоникарсиз аҳволда бўлган ҳолларда Марказий банк мазкур банк филиали ушбу ҳаракат натижасида олган даромадини низосиз тартибда ундириб олади, шунингдек, шундай миқдорда жарима солади.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунининг мазкур 52-моддасига кўра:

«Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, шу жумладан:

– капиталнинг монандлик коэффициентини;

– бир қарз олувчига ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тавакқалчиликнинг энг кўп миқдорини;

– йирик кредит риски тавакқалчилиги ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

– ликвидлик коэффициентларини;

– активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни;

– қарзларга доир фоизларни ҳисоблаш ва уларни банк даромади ҳисобларига киритишга доир талабларни;

– очиқ валюта лимитларини белгилайди.

Марказий банк иқтисодий нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қилади».

Тижорат банклари учун иқтисодий нормативлар белгилаш уларни Марказий банк томонидан бошқариш шаклларидан бири бўлиб, бундан мақсад улар томонидан ўзини оқламайдиган, мумкин бўлган риск доирасидан четга чиқадиган тавакқалчиликка йўл қўймаслик ва шу йўл билан банк омонатчилари ва кредиторлари

манфаатларини хавф-хатарга қўйилиши ва банк тизимлари барқарорлиги бузилишининг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида банк фаолияти соҳасидаги асосий таваккалчилик хавфи кредит рискларидан иборатдир. Бу таваккалчилик хавфи йирик кредитлар берилишини чеклаш, йирик кредитларни назорат қилишни кучайтириш йўли билан бартараф этиб борилади. Йирик кредитлар банк капитали 15 фоизидан ортадиган миқдордаги кредитлардир.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 53-моддасида айтилишича: «Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузса, Марказий банк ҳуқуқбузарликка йўл қўйган банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатларидан яна бир гуруҳи унинг бошқарув органи эканлиги билан боғлиқ. Назорат қилиш соҳасидаги ваколатлардан фарқ қилиб, бошқарув фаолиятини тақиқловчи жазо чоралари қўллаш орқали эмас, балки муайян шарт-шароитлар яратиш, ижобий кўринишдаги йўл-йўриқлар бериш йўли билан амалга оширилади. Ушбу маънода Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бир неча бошқарув функциялари доирасини белгилашни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар:

– Марказий банк операциялари бўйича фоиз ставкаларини белгилаш;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга қўйиладиган мажбурий резервлар меъёрларини белгилаш;

– очиқ бозордаги операциялар;

– банкларни қайта молиявий таъминлаш;

– валютани тартибга солиш;

– пул массаси кўпайиши мўлжалларини белгилаб бериш;

– тўғридан-тўғри миқдорий чеклашлар жорий этиш.

Марказий банк ягона пул-кредит давлат сиёсати мўлжалларига асосланиб ўзи томонидан бериладиган кредитнинг энг кўп ҳажмини бошқаради. У турли операциялар бўйича бир ёки бир неча фоиз ставкалар белгилаши ёки бу фоизларни олдиндан белгилаб қўймаслиги мумкин. Марказий банк ўз фоиз сиёсатидан молия бозоридаги фоизлар ставкасини белгилаш

Марказий банк ҳар йили ҳукуматга иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олувчи маърузаларни тақдим этади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, шунингдек, Молия вазирлигининг рухсати бўлган тақдирда бошқа давлат органларининг пул маблағларини депозитга қабул қилиши мумкин.

Марказий банк фискаль агент сифатида:

– Молия вазирлиги ва бошқа давлат органлари чиқарган қарз мажбуриятларини жойлаштириш, жойлаштиришни рўйхатга олиш;

– ушбу қимматли қоғозлар қийматини, улар юзасидан фоизларни тўлаш;

– ушбу қимматли қоғозлар бўйича ҳисобварақа юритиш ва улар бўйича бошқа операцияларни бажариш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кредит беради. Бундай кредитлар Олий Мажлис тасдиқлаган миқдорда, эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичида қиммати тўланадиган қарз мажбуриятлари кўринишидаги давлат қимматли қоғозларини гаровга қўйиш шарти билан берилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукуматга кредит бериш улар ўртасида тузиладиган алоҳида кредит шартномаси билан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказий ва маҳаллий бюджетлардаги камомадни қоплаш мақсадида ҳукуматга қарз бериши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир. Унинг кундалик оператив фаолияти мустақил тарзда амалга оширилиб, мустақил юридик шахс сифатида ҳаракат қилади. Аммо қонунчиликда Марказий банкнинг мустақиллиги билан унинг давлат органи сифатида Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ҳисобдорлиги ўртасида оптимал нисбат белгилаб қўйилгандир.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мулкий мақоми

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс сифатида ўзининг тўла хўжалик юритишига бериб қўйилган алоҳида мол-мулкларига таянгани ҳолда фаолият юритади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасида кўрсатилганидек: «Марказий банкнинг

мол-мулки унинг пул ва бошқа моддий бойликларидан иборат бўлиб, уларни қиймати Марказий банк балансида акс этади.

Марказий банкнинг бинолари ҳамда иншоотлари, шунингдек, улар жойлашган ер майдонлари бегоналаштирилиши мумкин эмас. Бунда Марказий банк тўлалигича давлат мулки эканлиги эсда сақланмоғи лозим.

Марказий банкнинг мулкий жиҳатдан мустақиллиги унинг кундалик оператив-хўжалик фаолияти соҳасидаги мустақиллигини таъмин этади ва бундан унинг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш масаласида қонунга мос келувчи истаган қарорларни мустақил равишда, ҳеч ким билан келишмаган ҳолда қабул қилиши мумкинлиги келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз хўжалик юритишида бўлган барча мулкларни юридик шахс сифатида мустақил эгаллаши, фойдаланиши, улар билан қонун орқали тақиқланмаган ва ўз устав мақсадига мос келадиган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузиш мумкин.

Марказий банк давлатнинг муғлақ мулкидир ва шу сабабли унинг асосий воситалари, бинолари, иншоотлари бегоналаштирилиши, яъни Марказий банк томонидан сотилиши, айрибошлашиши ва бошқа тасарруф қилишга қаратилган ҳаракатлар қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки устав капитали миқдори 2 млн.сўм миқдорида белгиланган бўлиб, уни Олий Мажлис қарорига кўра кўпайтириш мумкин. Устав капитали бошқаларга берилиши, гаровга топширилиши мумкин эмас.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ташкилий тузилиши ва бошқарув органлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўйлама бошқарув тузилишига эга бўлган марказлашган ягона тизимни ташкил этади. Бунга Марказий маҳкама, ҳудудий муассасалар, ҳисоб-китоб марказлари, ҳисоблаш маркази, ўқув юртлари ва бошқалар киради.

Марказий банкнинг ҳудудий муассасалари юридик шахс ҳуқуқидан фойдалана олмайди, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудуди муассасаларининг вазифалари ва ваколатла-

ри МБ бошқаруви томонидан тасдиқланадиган ҳудудий муасса-
салар тўғрисидаги Низомга асосан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олий орган МБ бошқаруви саналади. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради.

Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига МБ Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, унинг асосий бўлимларининг бошлиқлари киради. Бошқарув аъзоларини МБ Раиси тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис кенгаши тасдиқлайди.

Бошқарув мажлисига МБ раиси, у йўқ пайтларда эса унинг ўрнини босадиган бошқа шахслар раислик қилади. Бошқарув мажлисида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги ваколатларга эга:

– монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини, шу жумладан Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари кўлами Марказий банкнинг ҳисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари меъёрини белгилайди;

– Марказий банкнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки масаласини ҳал қилади;

– банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва намуналарини, шунингдек, пул белгиларини муомаладан чиқариш шартларини белгилайди;

– Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди;

– банклар учун иқтисодий меъёрларни тасдиқлайди ва уларга риоя этилишини кузатиб боради;

– банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

– Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилайди;

– Марказий банк муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этади, қайта тузади ва тугатади;

– Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлайди;

– Марказий банкнинг йиллик ва молия ҳисоботларини кўриб чиқади;

– Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлайди;

– Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди;

– Марказий банк ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек, уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олиши тартибини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

– Марказий банк ваколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

Марказий банк раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси, 18-банди).

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига кўра:

Марказий банк раиси:

– Марказий банк ва унинг бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади, банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлади;

– Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қилади, ушбу қонунга биноан Бошқарув ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

– Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

– Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;

– Олий Мажлис, ҳукумат, вазирликлар, идоралар, банклар ва муассасаларда, халқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради;

– айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг ҳамда ҳудудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади.

Марказий банк раисининг ваколат муддати — беш йил.

Марказий банк раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири бажаради.

Марказий банк раиси қуйидаги ҳолларда ўз эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин:

– ваколат муддати тамом бўлганида;

– сабабларини кўрсатган ҳолда истеъфога чиқишни сўраб ёзган шахсий аризасига кўра;

– жиноят содир қилишда қонунда белгиланган тартибда айбдор деб топилганида;

– ўз хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганини асословчи давлат тиббий комиссияси хулосаси асосида;

– эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилган, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунни қўпол равишда бузган, банк манфаатларига жиддий зарар етказган ҳолларда;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

Марказий банк раисининг ўринбосарлари унинг тақдимига кўра Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланадилар ёки озод қилинадилар.

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг шаклланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси мустақил, суверен давлат сифатида ўз банк-кредит тизимларига эга бўлгунга қадар собиқ иттифоқ даврида фаолият юргизган банк-кредит тизимлари, уларнинг вужудга келиш ҳамда ривожланиш динамикасини кўриб чиқиши зарур. Чунки мустақилликка қадар мавжуд бўлган молия-банк-кредит механизмларини, уларнинг маъмурий буйруқбозликка асосланган тоталитар тузумда тутган ўрни ҳамда «иттифоқдош республикалар» деб аталмиш чекка мустамлакалар иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини англаб етмасдан туриб бозор механизми асосига қурилган банк-молия тизими фаолияти моҳиятини тўғри тушуниб олиш бирмунча қийин бўлади. Бунда собиқ иттифоқ банк тизими асосида Россияси банк тизими ётганлиги биринчи навбатда Россия давлати манфаатларига бўйсундирилганлигини эсдан чиқармаслик керак бўлади.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Россия банк тизими шундоқ ҳам инқирозга учраган эди. Октябрь революцияси ғалабасидан кейин бу жараён тезлашди ва уни бугунлай тугатишга қарор қилинди. Бутун Россия Марказий ижроия комитетининг 1917 йил 14(27) декабрдаги декрети билан банк иши давлат монополияси деб эълон қилинди, хусусий тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари миллийлаштирилиб, Давлат банки (кейинчалик Халқ банки)га қўшиб юборилди ҳамда Молия ишлари халқ комиссарлиги қарамоғига берилди. БРМИКнинг 1918 йил 2 декабрдаги декретига кўра хорижий банкларнинг мамлакатдаги фаолияти тақиқланди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати оқибатида иқтисодиёт бюджет орқали молиялантириладиган бўлди, натижада банк ишига эҳтиёж қолмади. Ўша пайтда банкларни бугунлай йўқотиш, уларни большевиклар дастурига кўра «коммунистик жамиятнинг бухгалтериясига айлантириш»

вазифаси қўйилган эди». Шу боис 1920 йил январь ойида Халқ банки тугатилиб, унинг функциялари молия халқ комиссарлигига юклатилди.

Аммо кўп ўтмай «ҳарбий коммунизм» сиёсати ўзининг бемаъни экандигини ошкор қилиб қўйди ва коммунистик «ура» сиёсати орқали жамиятни идора қилиб бўлмаслиги аён бўлди. Натижада «янги иқтисодий сиёсат» (НЭП) даври бошланди, бозор механизмлари шу жумладан, банк-кредит тизимлари ҳам қисман қайта тикланди, Давлат банкини вужудга келтириш ҳақида декрет қабул қилинди, 1921 йил давомида матлубот кооперациялари банки, саноат банки қайта тикланди.

Кейинчалик, то 80-йилларни ўрталарига қадар ушбу банк тизимининг моҳиятини ўзгартирмайдиган бир қатор таркибий ўзгаришлар: кредит ислоҳоти ҳамда бошқалар амалга оширилиб келинди (1922-1924 йиллардаги, 1947 йилги пул ислоҳотлари, 1930-1932 йиллардаги кредит ислоҳоти, жамғарма банкининг Давлат банки қарамоғига ўтказилиши ва ҳ.к.).

1980-йиллар ўрталарида собиқ иттифоқ ҳудудида туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Шу қаторда молия-кредит тизимларида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди.

Ҳар қандай жамият аввало мулкчилик шаклига кўра характерланади. Шу нуқтаи назардан собиқ ижтимоий тузум давлат мулкчилиги, кооператив мулкчиликнинг расмиятчилик учун тан олинишни, хусусий мулкни эса батамом инкор этилиши билан тавсифланар эди. Бундай ҳол ҳуқуқнинг аҳамиятини пасайишига ва мулкчиликнинг амалда битта қўлда — давлат қўлида тўпланишига олиб келар эди. Натижада давлат хўжалик юритувчи биргина ҳақиқий субъект бўлиб, корхона ва ташкилотлар аҳамияти кескин пасайтирилган эди.

Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчиликни давлат қўлида жамланиши иқтисодиётни бошқаришнинг ўта марказлашган, маъмурий-буйруқбозлик тизимларига вертикал тарзда қатъий бўйсундирилган тузилма вужудга келтирди. Бундай марказлашув оқибатида бошқариш қийин бўлган, самараси паст ва тараққиётга тўсқинлик қилувчи бесўнақай аппарат юзага келганди. 1987 йилда бошланган туб ислоҳотлар сиёсатининг бош мақсади ана шу ноқулай бошқарув тизимини ихчамлаштириш, иқтисодий ҳаётга бир оз бўлса-да демократик эркинликлар руҳини беришдан иборат эди. 1987 йил 70 июнда «Давлат корхоналари тўғрисида»ги қонун, 1987 йил 17 июлда бирданига

ўнта партия-ҳукумат қарорлари пакетининг қабул қилиниши (улар орасида молиявий механизмларни такомиллаштиришга қаратилганлари ҳам бор эди), ана шу мақсадга қаратилган эди.

1987 йилда 17 июлдаги 821-сонли «Мамлакатдаги банклар тизимини такомиллаштириш ҳамда уларнинг иқтисодиёт самарадорлигини оширишдаги таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори билан банк-кредит соҳасидаги мавжуд нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилиниб, банк тизимига жиддий таркибий функционал ўзгаришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам юқоридаги жараёнлар таъсирида 1991 йил 15 февраль куни тарихда биринчи марта банк иши ва банк фаолиятини тартибга солишга қаратилган янги қонун — «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси банк тизими соҳасида ўша пайтда шаклланган вазиятни ўзида акс эттириб, Ўзбекистон Республикаси банк тизими таркибига қуйидагиларни киритган эди:

1) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар;

2) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки;

3) республика акцияли-тижорат саноат-қурилиш банки;

4) республика акцияли-тижорат агросаноат банки;

5) Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш давлат-тижорат банки;

6) Пай, акция асосида, шунингдек, чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг ваколатхоналари;

7) кооператив ва хусусий банклар[1].

Банклар фаолиятида нафақат хусусий шахслар, балки чет эл капитали иштирок этиши мумкинлиги тўғрисидаги, банкларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш соҳасида давлат ҳокимият ва бошқарув органларидан мустақил эканликлари тўғрисидаги қонунни (26-модда) катта аҳамиятга эга бўлди. Қонун илк бор банкларнинг банк сирини сақлаш ҳуқуқини тан олди (Қонунни 33-моддаси). Шунингдек, ушбу қонун билан банкларнинг турли иттифоқлар, ассоциациялар ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш ҳуқуқлари ҳам белгилаб қўйилди.

---

[1] Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси янги қонунлари» тўплами. Тошкент, 1993 йил, «Адолат», 5-сон, 36-бет.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан кейинги йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар, бозор иқтисодига хос муносабатларнинг шаклланa бориши, молия-банк-кредит соҳасида эришилган салмоқли ютуқлар натижасида банк фаолиятини тартибга солишга оид қонунчилик базасини янгилаш зарурати юзага келди ва натижада 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги янги қонун қабул қилиниб, Марказий банк фаолияти мустақил қонун асосида тартибга солина бошланди[1].

2-§. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг тузилиши ва унинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган қонунда Ўзбекистон Республикаси банклар тизими ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, амалда бу тизим 1991 йил 15 февралдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда ифодаланган тизимга асосан мос келади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилигига кўра банк тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки;

– Ўзбекистон Республикаси халқ банки;

– Ўзбекистон Республикасидаги турли тижорат банклари;

– Ўзбекистон — чет эл қўшма банклари;

– чет эл банклари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари;

– банк ассоциациялари ва иттифоқлари;

– бошқа кредит муассасалари. Ушбу барча банк ва кредит муассасалари махсус ташкил этиладиган ва ваколат берилган аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириб турилади («Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 43-моддаси).

Янги банк қонунчилиги банк-кредит тизимининг таркибинигина эмас, балки унинг тузилиши ва бошқарилиш тамойиллари

---

[1] Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси янги қонунлари» тўплам. Тошкент, 1996 й., «Адолат», 12-сон, 3-бет.

ҳам тубдан ўзгартирилди, банк тизими икки поғонали ҳамда ўз-ўзини бошқаришга асосланган тизимга айланди.

Банк соҳасида давлат монополиясига барҳам берилиши ва банкларнинг давлат тасарруфидан чиқариб, акциядор жамиятларга айлантирилиши ҳамда тижорат банкларининг пайдо бўлиши натижасида банк тизимидаги марказлашув бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига кўра: Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар. Ҳеч бир давлатнинг ҳокимият ва бошқарув органи банкларнинг оператив фаолиятига аралашишга ҳақли эмаслар.

Амалдаги банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳукмрон, монопол мавқега эга, банк фаолиятини ташкил қилади, бир меъёрда ишлаб туришини таъминловчи зарур чораларни кўради ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади.

Бозор иқтисодининг чуқурлаша бориши, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида, шу жумладан, банк-кредит муносабатларида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлиши банк-кредит тизимларини доимий равишда такомиллаштириб боришни, бу тизимни ҳаётий ўзгаришларга мос равишда модернизациялашни тақозо этади.

VI БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§. Тижорат банклари ва уларнинг белгилари

«Банк ҳуқуқи» фанини ўзлаштиришда банк тушунчасининг моҳиятини аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу:

– банк деб аталмиш ҳуқуқ субъекти ёки тузилманинг ўзи нима, унинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари нималардан иборат, хўжалик муомаласида иштирок этиш даражаси қандайлиги;

– қачон банк ташкил этиш зарурати қачон юзага келганлигини аниқлаш билан боғликдир.

Банк тушунчасининг расмий таърифи Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида берилган бўлиб, унда ёзилишича: «Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

– юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

– тўловларни амалга ошириш.»

Демак, банк тизимининг қуйидаги ўзига хос элементлари мавжуд:

– фойда олиш мақсадида махсус ташкил этилган тижорат юридик шахсидир;

– банк хўжалик жамиятлари, яъни акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, қўшимча жавобгарли жамият, шўъба жамияти ва бошқа қонун йўл қўйган ташкилий-ҳуқуқий мақсадларда ташкил этилиши мумкин;

– банк кредит операцияларини амалга оширишлик учун ташкил этилган махсус ташкилот саналади;

– банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки берадиган лицензияга асосан фаолият юритади;

– махсус операцияларни амалга ошириш йўли билан фойда олиш ваколатига эга бўлади.

Банкнинг кредит муассасаси сифатидаги хусусияти банк амалга ошира оладиган операциялар доираси билан белгиланади. Банк кредит ташкилоти сифатида универсал бўлиб, ҳар қандай банк ҳамда кредит операцияларини амалга ошира олади. Бошқа кредит ташкилотлари эса (ҳисоб-китоб, клиринг марказлари ва бошқалар) банк ваколатига кирмайдиган бошқа кредит операцияларини амалга оширади.

Банк кредит ташкилоти сифатида ўз фирма номига эга бўла олади. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига кўра банк операцияларини амалга ошириш бўйича лицензияга эга бўлган ташкилотлар «банк» атамаси ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларини фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин.

Банкнинг фирма номи тўлиқ ҳолда ўзбек, рус ёки чет тилларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинади. Марказий банк банкларни давлат рўйхатига олиш китобида қайд этилган номларнинг такрорланишига, «Ўзбекистон Республикаси» атамасидан асоссиз фойдаланилишига йўл қўймаслиги керак. Банкнинг фирма номи уни индивидуаллаштиришнинг ҳуқуқий воситасидир.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензия асосидагина йўлга қўйиши мумкин. Лицензия – давлат бошқарув органининг муайян банкнинг банк операцияларининг қайси турлари билан шуғулланиши мумкинлиги қайд этилган далолатномасидир.

Янги ташкил этилаётган банкларга қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия берилиши мумкин:

– пул омонатларини қабул қилиш ва жойлаштириш;

– кредитлар жалб этиш ва бериш;

– мижозлар ва вакил банкларнинг топшириғига мувофиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

– мижозлар ва вакил банкларга касса хизмати кўрсатиш;

– мижозлар ва вакил банкларнинг ҳисоб варақларини юритиш;

– инвестиция қилинадиган маблағларнинг эгалари ёки тасарруф этувчилари топшириғига мувофиқ капитал маблағларни пул билан таъминлаш;

– тўлов ҳужжатлари ва бошқа қимматли қоғозлар чиқариш;

– давлат тўлов ҳужжатлари ва бошқа қимматли қоғозларни сотиш, сотиб олиш ва сақлаб қўйиш ҳамда улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш;

– учинчи шахслар номидан пул шаклида амалга оширилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятлар;

– товар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни талаб қилиш ҳуқуқини сотиб олиш, бундай талабларни бажариш учун тавакалчиликни ўз зиммасига олиш ҳамда ушбу талабларни инкассация қилиш (факторинг);

– молия лизинги;

– мижозлар топшириғига мувофиқ ишончли траст операциялар (маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш, қимматли қоғозларни бошқариш ва бошқалар)ни амалга ошириш;

– банк фаолияти билан боғлиқ маслаҳатлар бериш бўйича хизматлар кўрсатиш[1].

Лицензиялар кўзда тутилган ваколатлар хусусиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

– банк операцияларини миллий валюта – сўмда амалга оширилиши учун бериладиган лицензия;

– операцияларни сўмларда ва чет эл валютасида амалга ошириш учун бериладиган лицензия;

– қимматли металлар шаклидаги омонатларни жойлаштириш ва жалб этиш учун бериладиган лицензия;

– генерал (бош) лицензия).

Булардан ташқари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритишлари учун олинган умумий лицензиялар доирасида муайян тайёргарликдан ўтишлари талаб этилади[2].

Тижорат банкларининг молия бозоридаги мавқеи уларнинг мамлакат ичкарисида ва ташқи муносабатларда тўлақонли иштирок эта олиш имконияти ва бу имкониятни рўёбга чиқара олиши билан белгиланади.

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил 25 январдаги 22-сонли хати (Марказий банк Бошқарувининг 1997 й. 25 январдаги 5 баённомаси билан тасдиқланган «Банкларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тўғрисида»ги низом.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 26 апрелдаги 211-сонли «Қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар бўйича тижорат банкларига тавсифлари».

2-§. Тижорат банкининг ваколатлари

Тижорат банкларининг иқтисодий ва юридик мақоми уларнинг ваколатлари доирасига кўра аниқланади. Уларнинг ваколати доирасини ушбу ваколатлар қуйидаги уч унсурни ўз ичига олади:

– банк муайян банк операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши;

– банк шуғулланиши мумкин бўлган фаолиятлар доирасини белгилаш;

– муайян ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар олиш тартиби.

кабиларни ўз ичига олади.

Тижорат банкларининг ваколати доирасига банкларнинг ҳуқуқий ва муомала лаёқатлари, улар асосида амалга ошириладиган банк операцияларининг турлари киритилади. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Тижоратчи юридик шахс сифатидаги ваколатлар, яъни банкнинг турли мол-мулкларга: бинолар, ускуналар, ер майдони, интеллектуал мулклар ва ҳоказоларга эга бўлиш, турли битимлар тузиш, ходимларни ишга ёллаш каби ҳаракатларни амалга ошириш орқали ўзининг асосий фаолиятини таъминлаши;

2. Махсус ваколатлар. Бу банкка кредит муассасаси сифатида бошқа турли банк-молия операцияларида қатнашиш имконини беради. Махсус ваколатлар икки усул билан белгиланади:

– банк амалга ошириш мумкин бўлган операцияларни қонунда ва банк Низомида кўрсатиб ўтиш орқали;

– муайян банкка банк фаолияти билан шуғулланиш бўйича лицензия бериш орқали.

Банкнинг махсус ваколатлари у ташкил топган пайтдаги ҳолатга кўра белгиланади. Аммо бу ваколатлар банк фаолияти давомида унинг ўз ташаббуси билан ёки қонунбузарлиги учун мажбурий тарзда ўзгартирилиши мумкин.

Банк ваколатлари унинг ташаббуси билан ўзгартирилганида янги фаолият турлари учун лицензия олиш, ўз ҳудудий фаолият доирасини кенгайтириш янги филиаллар, ваколатхоналар очиш каби йўллар билан амалга оширилади.

3-§. Тижорат банкларининг мулки, устав капитали ва уларнинг шаклланиши

Ҳар қандай юридик шахс сингари тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий асосини унинг мол-мулклари, турли ашёлар, номоддий бойликлар мулкий талаблар ташкил қилади. У ёки бу банкнинг мулкий аҳволи тўғрисида муайян фикрга келиш учун унинг активлари ва пассивлари, фойдаси ва зарари акс эттирилган асосий ҳужжат — балансни кўриб чиқиш кифоя. Банк баланси унинг сиёсатини тушуниб олиш, у фаолият юритаётган соҳалар ва бошқа бир қатор ҳолатларни тушуниб олишга хизмат қилади.

Банк мулкининг ҳуқуқий ҳолатини кўриб чиқиш жараёнда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкига муайян ёндашувдан келиб чиқиш лозим бўлади. Шу ўринда банк ихтиёридаги мол-мулкларнинг титулини, яъни мазкур банкнинг ўз мулки ёки банк ихтиёрига берилган ўзга шахслар мулки эканлигини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига мувофиқ, юридик шахс ихтиёрида унинг ўз мулки, хўжалик юритишдаги мулки, оператив бошқаришдаги мулки бўлиши мумкин.

Тижорат банклари хўжалик жамиятлари шаклида вужудга келгани сабабли улар мулкларга мулкдор сифатида эгалик қиладилар. Бундан ташқари улар ихтиёрида бошқа шахсларнинг жалб этилган мулклари ва бошқа маблағлари, ижарага олинган мулклар ҳам бўлади.

Банк эгалигидаги мулклар жисмоний кўринишига кўра асосий ва айланма маблағларга бўлинади. Кредит муассасалари жойлашган бинолар алоҳида талабларга жавоб берадиган тарзда махсус жиҳозланган, ёнғинга қарши сигнал бериш тизимлари билан ускуналанган, касса операциялари учун зарур компьютер, ташкилий-техника қурилмалари ва ҳоказолар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Буларнинг барчаси банкка нисбатан қўйиладиган техник талаблар бўлиб, ушбу талабларга жавоб бермайдиган бинолларда банк фаолияти юритилиши мумкин эмас.

Банкнинг устав капитали банк мулкининг алоҳида тури бўлиб, унинг энг кам миқдори банк кредиторлари манфаатларини кафолатлаш мақсадида қонунчилик йўли билан олдиндан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодек

синининг 43-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Акциялорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 79-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг (9-моддаси).

Бунга кўра амалдаги қонунчилик устав капитали тижорат банкларининг:

– пул, ашё, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулклар, мулкий ҳуқуқлар ва бошқа баҳолаш мулки бўлган буюмлардан иборат бўлади;

– таъсисчилар қўшадиган ҳиссалардан ташкил топса-да, банк мулки бўлиб қолиши;

– бухгалтерия ҳисоботларида қайд этиб борилиши;

– белгиланган энг кам миқдордан ортиқча Устав капитали ҳажми унинг таъсисчилари келишуви билан белгиланиб, таъсис ҳужжатларида қайд этилиши керак бўлади.

Дастлабки қўшилган ҳиссалар ва акциялар қўшилган пайтдаги номинал қийматида акс эгдирилади.

Агар тижорат банки акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилаётган бўлса, у ҳолда банк устав капитали ва акцияларга нисбатан қўшимча талаблар қўйилади. Ушбу талаблар мазмунига, миқдорига ва процедурага тааллуқли бўлиши мумкин.

Мазмунига кўра устав капитали пул кўринишида муайян турдаги маблағлардан ташкил топади, аммо ҳар қандай пул ёки мулк устав капиталига қўшила олмайди. Чунончи, қонунда махсус кўрсатилган ҳоллардан ташқари давлат бюджети маблағлари, жалб этилган пул маблағлари, гаровга, кредитга, ижарага олинган маблағлардан банк устав капиталини вужудга келтиришда фойдаланиш мумкин эмас.

Устав капиталининг миқдор кўрсаткичига қўйиладиган энг асосий талаб унинг энг кам — минимал миқдорининг қонун орқали белгилаб қўйилишидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1997 йил 22 августдаги 27/10-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари»нинг 17-бандида кўрсатилганидек, 1998 йил 1 январдан бошлаб банклар учун устав капиталининг энг кам миқдори Тошкент шаҳридаги тижорат банклари учун 1200000 ЭКЮ (1998 йил 21 июлдаги курс бўйича: 120000 x 10938 = 130838000 сўм), вилоят марказлари ва бошқа қишлоқ жойлари учун — 600000 ЭКЮ (ёки унинг сўмдаги эквиваленти 65419000 сўм) миқдорида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрел даги Фармонига кўра хусусий банклар устав фонди 250000 ЭКЮ эквивалентидаги сўмдан кам бўлмаслиги лозим. Устав капита лида чет эллик шериклар ҳиссаси 1/3 қисмдан кам бўлмага ҳолларда унинг миқдори 5 млн. АҚШ долларидан, шунингдек норезидент томонидан таъсис этилаётган шўъба банк устав ка питалининг энг кам миқдори ҳам 5 млн. АҚШ долларидан ка бўлиши мумкин эмас.

Тижорат банкларига қўйиладиган процедура талаблари кўра банк устав капитали таъсисчилар томонидан банк рўйхат олинишигача тўлаб қўйилиши лозим. тааллуқлидир. «Банклар в банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси кўрсатилганидек, устав капитали учун тўланадиган маблағла Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ёки бошқа банк ларда очиладиган жамғариш ҳисоб варағига ўтказилади. Ушб маблағлардан депозит мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Монополияга қарши курашиш мақсадида акциядорлик жа мияти тарзида ташкил этилаётган банкнинг беш фоиздан орти акцияларини ўзаро боғлиқ бўлган бир неча жисмоний ёки юри дик шахслар томонидан сотиб олинаётгани ҳақида Маркази банк хабардор қилиниши, агар ушбу шу шахслар банк акциял рининг йигирма фоиздан ортиқ қисмини сотиб олмоқ бўлганларида эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банк нинг розилигини олиши шарт (Ўзбекистон Республикаси «Мар казий банки тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддаси, «Акциядорл жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуннинг 93-моддаси).

Тижорат банки устав капиталини шакллантиришда қатнашган шахслар учун баъзи чеклашлар ҳам мавжуд. Масалан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси 2-қисмига кўра ҳар бир акциядорнинг банк устав капиталида иштирокчилик ҳиссаси устав капиталининг 35 фоизидан ош маслиги лозим. Бу чеклаш тижорат банклари фаолиятига давл томонидан қўшилган ҳиссага ҳамда чет эл банкларига татби этилмайди.

Банк муассасалари банк акциядорлари таркибидан у рўйха олинган кундан бошлаб бир йил давомида чиқиб кетиш ҳуқуқи эга эмаслар.

4-§. Тижорат банкларининг таркибий тузилиши, филиаллари ва ваколатхоналари

Тижорат банклари ҳар қандай юридик шахслар сингари уюшган ташкилот бўлиб, ўзининг ички тузилишига, узвий алоқадор таркибий қисмларига эга бўлади.

Тижорат банкларининг ташкилий қисмларини уларнинг даражаси ва бажарадиган функцияларига кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин:

– банкнинг бошқарув органлари;
– ҳудудий ва мулкий алоҳида бўлинмалари;
– банкнинг ички хизмат ва бўлимлари;
– банк филиаллари;
– банк ваколатхоналари.

Тижорат банкларининг бошқарув органлари уларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида кўрсатилганидек, «Акционерларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва банк бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади. Ушбу органларнинг ваколатлари тегишли қонунлар билан, тижорат банки Устави билан белгилаб қўйилади.

Акционерлик тижорат банкларида акциядорларнинг умумий мажлиси унинг олий органи ҳисобланиб, банк фаолиятига тааллуқли бўлган ҳар қандай масалаларни ҳал этади. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 65-моддасида умумий мажлиснинг муглақ ваколатларига киритилган ваколатлар доираси белгилаб берилган.

Мазкур тижорат банкларининг кундалик умумий раҳбарликни амалга оширувчи органи — кузатув кенгаши бўлиб, унинг ташкил этилиши, ваколатлари ва иш олиб бориш тартиби «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 81-, 85-моддаларида кўрсатилган.

Акциядорлик банки банк бошқаруви, унинг раиси каби кундалик ижроия органларга ҳам эга бўлиб, уларнинг ваколатлари қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган.

Акциядорлик жамиятидан бошқа ташкилий хўжалик шаклларида (жумладан, хусусий хўжаликларда) таъсис этилган тижорат банклари ҳам қонунга ва ўз уставларига мувофиқ иш кўрувчи бошқарув органларига эгадир.

Банк қонунчилиги банк раҳбари ва бош бухгалтерига нисбатан махсус талабларни қўяди. Бундан мақсад ушбу икки ҳал қилувчи лавозимларни эгалловчи мансабдор шахсларнинг малакаси, касбий маҳоратини таъминлашдир, чунки уларнинг етарли тажрибага ва касбий билимларга эга бўлмасликлари оқибатида омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига путур етиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

– банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига номзодлар олий иқтисодий билимга ва банк соҳасида амалий иш тажрибасига эга бўлиши;

– банк таркибий бўлимлари раҳбари лавозимида муайян давр ишлаган бўлишлари;

– ушбу шахслар қасддан содир этган жиноятлари учун судланган бўлмасликлари;

– сўнгги йил давомида савдо, молия соҳасида маъмурий ножўя ҳаракат содир этмаган бўлишлари;

– сўнгги икки йил давомида меҳнат интизомини бузганлик учун иш берувчи ташаббуси билан (Ўзбекистон Республикаси МКнинг 100-моддаси, 3–4-бандлари) ишдан бўшатилган бўлмаслиги лозим. Ушбу лавозимларга даъвогарларга бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Тижорат банклари таркибий қисмларининг кенг тарқалган турларидан бири унинг филиаллари ва ваколатхоналаридир. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 57-моддасига кўра «Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир». Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига кўра эса «Банк филиали уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир».

Ваколатхона эса юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодаловчи ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмаси бўлиб, у банк операцияларини амалга оширишга ҳақли бўлмайди.

Кредит ташкилотининг, жумладан, тижорат банкларининг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайдилар ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банк муассасаси томонидан тасдиқланадиган филиал ёки ваколатхона ҳақидаги низомга му-

вофиқ амалга оширадилар. Филиал ва ваколатхона раҳбари уларга мутасадди банк раҳбари томонидан берилган ваколатхона асосида иш юритадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк филиаллари ва ваколатхоналарини, шу жумладан, чет эл банкларининг филиал ва ваколатхоналарини очиш тартиби, шартлари тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади[1]. 1999 йил 1 январга келиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 33 та банк бўлган бўлса, уларнинг 791 филиали мавжуд. Ушбу банкларнинг 23 таси акциядорлик жамиятлари, 3 таси қўшма банклар, 6 таси хусусий банклар, 1 таси давлат банки (халқ банки)дир[2].

Банк филиал ва ваколатхонасини очиш ҳақидаги қарор банк бошқарув органи томонидан қабул қилинади. Тижорат банклари эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида махсус рўйхатдан ўтказилиши лозим. Тижорат банки ўз филиалини очиш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– банк молиявий фаолияти қониқарли аҳволда бўлиши;

– банк амалдаги қонунларга, Марказий банк меъёрий ҳужжатларига, ўз устав талабларига қатъий риоя қилиши;

– иқтисодий нормативларга амал қилиниши;

– филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига тавсия этилаётган номзодлар банк қонунчилиги талабларига жавоб бериши;

– филиал зарур электрон-ҳисоблаш қурилмаларига (компьютерлар, моделлар, компьютер дастурлари, телефон алоқа каналлари ва бошқаларга эга бўлиши;

– филиал очмоқчи бўлаётган банкнинг устав капитали ушбу тижорат банки учун белгиланган энг кам суммадан кам бўлмаслиги ва унга қўшимча равишда ҳар бир филиал учун устав капитали энг кам миқдорининг 25 фоизи миқдорида бўлиши;

– банк қонунчилиги талабларига жавоб берадиган бинолар ва ускуналарга эга бўлиши керак.

Банк филиалини Марказий банкда рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Марказий банкининг 1992 йил 25 январдаги 22-сонли хати билан тасдиқланган «Филиал ҳақидаги Низом»; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1996 йил 20 июлдаги 20-баённомаси билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банклар ваколатхоналарини очиш, рўйхатдан ўтказиш, аккредитациялаш тартиби тўғрисидаги низом».

[2] Муллажонов Ф. М. «Независимоу Узбекистану – устойчивую банковскую систему». «Банковские ведомости», 1999 г №35.

1) филиални рўйхатга олиш ҳақидаги илтимоснома ҳамда филиал ташкил этишни иқтисодий асословчи ва истиқболини кўрсатувчи ҳужжатлар;

2) филиални ташкил этиш тўғрисида тижорат банки ваколатли органининг қарори ҳамда филиал Низомини тақиқлаш ҳақидаги қарор;

3) филиал раҳбари ва банк бухгалтерининг касбий жиҳатдан ўз лавозимига мувофиқ келишини кўрсатувчи маълумотлар;

4) филиал бинолари, жиҳозлари, техник таъминланганлиги (ЭҲМ воситалари дастурлар, алоқа воситалари), касса ҳисоб-китоб узелининг ишлашга тайёрлиги ҳақидаги маълумотлар;

5) филиални рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тўлов тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Филиални Марказий банкда рўйхатдан ўтганлиги ва банк фаолияти билан шуғулланиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжат ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

– тижорат банки ваколатли органининг филиал ташкил этиш ҳақидаги ва унинг низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори;

– филиал ташкил этиш ҳақидаги илтимоснома;

– филиал ҳақидаги Низом, унинг устига рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилади;

– Марказий банк комиссиясининг банк филиалини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори;

– филиалнинг қайд картаси.

Банк филиалини қайд этиш тартиби банкнинг юридик мақомига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банклар ва уларнинг ваколатхоналари филиалларини очиш назарда тутилмаган. Тижорат банки филиали ва ваколатхоналари банк ваколатли органининг қарорига кўра ёки йўл қўйилган нуқсонлар учун жазо чораси сифатида ваколатли органнинг қарори билан жазо чораси тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёпилиши мумкин.

Тижорат банклари ўз ҳудудларидан ташқарида жойлашган операция кассалари, валюта айирбошлаш пунктлари ва бошқа таркибий тузилмаларини ташкил этишлари мумкин. Уларни ташкил этиш тартиби амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади[1].

---

[1] Қаранг: «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш қоидалари»; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 24 январда тасдиқланган; «Алмаштириш пунктлари ҳақидаги Низом», Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 4 апрелда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга оширии тартиби», Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 28 мартда тасдиқланган ва ҳ.к.

Тижорат банклари қонунда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ўз филиаллари, шўъба корхоналари ҳамда ваколатхоналарини хорижий мамлакатлар ҳудудида ташкил этишлари мумкин.

Тижорат банкларининг ички таркибий қисмлари (бўлимлари) фаолияти банк раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган улар ҳақидаги низомлар, йўриқномалар билан тартибга солинади. Бундай таркибий қисмлар банк операцияларининг айрим турларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши (масалан, кредит комитети, қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлими, валюта бўлими ва бошқалар) ёки умумий хусусиятга эга ишларни бажаришга қаратилган бўлиши (масалан, хавфсизлик хизмати, юридик хизмат, бухгалтерия ва бошқалар) керак. Ушбу органларнинг ўзаро муносабатлари ички локал меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

5-§. Тижорат банкларини очиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш

Тижорат банкларининг юридик шахс сифатида ташкил топиши омонатчилар, кредиторлар, умуман, давлат ва жамият манфаатларига жиддий дахлдор бўлганлиги туфайли қонунчиликда уларни очиш юзасидан анча мураккаб ҳолда нисбатан узоқ чўзиладиган тартиблар назарда тутилгандир.

Банкнинг ташкил топиши узоқ давом этадиган жараён бўлиб, шу вақт ичида бўлғуси таъсисчилар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилади, банк устав капитали учун зарур бўлган маблағлар тайёрланади, раҳбар шахслар, зарур ҳужжатлар тайёрланади ва тегишли текширувдан ўтказилади ва ҳоказолар.

Банк ташкил этиш жараёни бир неча босқичларга бўлиниши мумкин.

1. **Тайёргарлик босқичи**. Бу даврда банк муассислари ўртасида банк ташкил этишга келишилади, ташаббус гуруҳи тузилади, ҳар бир муассиснинг устав капиталига қўшадиган улуш миқдори белгилаб олинади, банкнинг таъсис ҳужжатлари мажмуи тайёрланади, банкнинг номи аниқланади, таъсисчилар ўртасидаги келишувлар дастлабки шартнома тарзида расмийлаштирилади, унинг асосида таъсис шартномаси тузилади (ФКнинг 43-модласи, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик жа-

миятлари ва ширкатлари ҳақида»ги қонунининг 3-моддаси). Акциядорлик тижорат банкларининг муассислари банк давлат рўйхатига олингунига қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тайёрлаб тақдим этилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралдаги 630-сонли рақам билан давлат рўйхатига олинган «Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби»га кўра тижорат банклари ташкил этилади[1].

2. **Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш босқичи.** Бу босқич уч даврни ўз ичига олади:

Банк очиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат қилиш. Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинмоғи керак:

– янги ташкил этилаётган банкни таъсис этиш бўйича ҳужжат;

– муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг мухрлари билан ҳамда нотариал тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси (уч нусхада, бири асл нусха). Таъсис этувчилар жисмоний шахс бўлганларида уларнинг имзолари нотариал тасдиқланади;

– муассис акциядорлар йиғилиши томонидан тасдиқланган ва муассислар томонидан уч нусхада имзоланган банк устави;

– банк ташкил этиш ҳақидаги қарор, устав капиталининг миқдори ва уставни тасдиқлаш, банк кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарувини сайлаш ҳақидаги қарорларни ўз ичига олган таъсис йиғилишининг баённомаси банк кенгаши раиси томонидан тасдиқланган (уч нусхада).

Қайд этиб ўтилган ҳужжатларнинг лойиҳалари Марказий банкнинг банкларни лицензиялаш департаменти маъқуллаганидан кейингина имзоланади ва тасдиқланади.

Булардан ташқари, Марказий банкка муассислар тўғрисидаги маълумотлар, банк кенгаши аъзолари рўйхати (кенгаш раиси, унинг биринчи ўринбосар) кўрсатилган ҳолда) ушбу шахсларнинг Марказий банк талабларига мувофиқ келишларини тасдиқловчи маълумотлар янги ташкил этилаётган банкнинг ташкилий тузилиши, ички аудит тўғрисидаги Низоми, кредит сиёсати тўғрисидаги Низоми, бизнес режаси, ариза топширувчининг муассислар номидан ариза топшириш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат, ташкил этилаётган жойдаги Марказий банк бош Бошқармасининг

---

[1] Қаранг: «Банковские ведомости», 1999 й., №17.

банк ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси, муайян ҳудудида банк ташкил этиш мўлжалланаётганлиги ҳақида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига берилган билдиришнинг нусхаси ҳам топширилиши лозим.

Тижорат банки филиалини ташкил этиш пайтида ҳам ушбу ҳужжатлар (таъсис ҳужжатларидан ташқари) тақдим этилиши керак бўлади.

Хорижий капитал иштирокидаги тижорат банки ташкил этилаётганида юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга қўшимча равишда яна қуйидагилар тақдим этилиши талаб этилади:

– тегишли хорижий муассиснинг банк ташкил этишда иштирок қилиши ҳақидаги қарори;

– норезидент банкнинг Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган (легаллаштирилган) устави;

– банк жойлашган мамлакат банк назорат органи томонидан муассис банк фаолиятини юритиш учун лицензияга эгалиги ва, хусусан, қайтариб бериш шарти билан ўз мамлакатида пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эгалигини тасдиқловчи хат;

– банк назорати органининг муассис банкнинг ўзи жойлашган ва рўйхатдан ўтказилган жойда назорат остида эканлиги ҳақидаги ёзма тасдиқнома;

– муассис банкнинг охирги уч молия йили учун тузилган, аудиторлик фирмаси тасдиқлаган йиллик ҳисоботлари, шу жумладан, фойда ва зарар ҳақидаги консолидацияланган баланси ва ҳисоботи;

– банк назорати органининг муассис банкнинг ташкил этилаётган банкнинг устав капиталида иштирок этиши учун берган ёзма рухсатномаси ёки бундай рухсатнома муассис банк мансуб бўлган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинмаслигининг ёзма тасдиғи.

Фаолият юритиб турган банклар устав капиталидаги ҳисса хорижий шахслар томонидан сотиб олинаётганида ҳам ушбу ҳужжат хорижий шахс томонидан Марказий банкка тақдим этилиши лозим бўлади.

Булардан ташқари, хорижий муассислар Ўзбекистон Республикасида янги ташкил этилаётган ёки фаолият юритаётган банкларнинг устав капиталида иштирок этган тақдирда:

– хорижий норезидентнинг тўловга қобилиятлилиги тўғрисида унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган тасдиқнома;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этилишида иштирок этиш учун мазкур мамлакат назорат органининг розилиги;

– муассис мансуб мамлакатнинг савдо реестридан кўчирма ёки юридик мақомини тасдиқловчи бошқа муқобил ҳужжат.

Хорижий капитал иштирокидаги банкларда банк кенгашининг камида битта аъзоси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк ташкил этиш учун зарур бўлган барча зарур ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли бўлади. Тақдим этилган ҳужжатлар Марказий банк томонидан икки ойлик муддат ичида кўриб чиқилиши керак.

Марказий банк банк фаолияти билан шуғулланиш учун дастлабки рухсатнома бериш масаласини ҳал этиш жараёнида ташкил этилаётган банк муассисларининг молиявий имкониятлари ва нуфузига, банк раҳбарлигига таклиф этилаётган шахсларнинг касбий маҳоратига, бизнес ва молиявий режа кўрсаткичларига, ташкил этилаётган банкнинг бинолар ва ускуналар билан таъминланганлик даражасига ҳам эътибор қаратади.

Банкнинг очилгунга қадар локал тармоқ билан таъминланган бўлиши, «БОК» дастурий таъминотининг тармоқ вариантининг Марказий банк томонидан лицензияланиши, банк ҳисобкитоблар маркази (расчетный узель) билан барқарор ишлайдиган алоҳида алоқа канали билан таъминланиши, камида бешта компьютерга, модемларга, дастурий таъминот ва техникани ишлатиш бўйича таълим олган мутахассисларга эга бўлиши шарт.

Муассислар банк ташкил этиш учун дастлабки рухсатномани олганларидан кейин лицензия олиш ҳамда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ташкилий-техникавий талабларни бажарадилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган дастлабки рухсатнома бир йил давомида юридик кучга эга бўлиб, муассислар ушбу вақт ичида барча ташкилий тайёргарлик ишларини амалга оширишлари ва банкни давлат рўйхатидан ўтказишни якунлашлари лозим бўлади.

Тижорат банки акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилаётганда муассислардан бири ёки ўзаро боғлиқ бўлган шахслар томонидан банк акцияларининг 5 фоиздан ортиғини сотиб олаётгани ҳақидаги хабар, агар банк акцияларининг 20 фоиздан ортиғи сотиб олинаётганида эса бунга розилик беришни сўровчи илтимоснома тақдим этилаётган ҳужжатлар қўшиб топшириламоғи лозим бўлади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда банк операцияларини амалга оширишга лицензия олиш учун муассислар олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

– лицензия бериш ва банкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ваколатлари муассислар томонидан ёзма равишда тасдиқланган вакил шахс томонидан имзоланган аризани тақдим этилиши;

– давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун белгиланган барча талабларни бажариш;

– барча ташкилий-техникавй тадбирларни амалга оширишлари, бинолар ва ускуналарни тайёрлашлари, банк операцияларини автоматик амалга ошириш мақсадида дастурий-техникавий воситаларни тайёрлашлари, касса узелини Марказий банк талабларига мувофиқ тайёр ҳолга келтиришлари;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда устав капиталини тўлашлари ва устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари;

– банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида, филиаллар рўйхатга олинаётганида эса ушбу маблағнинг ярми миқдорида ҳақ тўланиши, устав капиталининг 30 фоиздан ортиғи хорижий шахсларга тегишли бўлган банклар ва шўъба банкларини рўйхатдан ўтказишда 5000 АҚШ долларига тенг суммада ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шўъба банки очишни ёки банк капиталида иштирок этишни хоҳловчи чет эл банки учун устав капиталининг охирги энг кам миқдори 30 млн. АҚШ доллари муқобили миқдорида белгиланган бўлиб, фақат мустаҳкам молиявий мавқега эга бўлган нуфузли норезидент банкларгина шўъба банкларини очишлари мумкин. Бунда қисқа муддатли мажбуриятлари IBCA Moody's standard and Poor таснифи бўйича камида AV рейтингига эга бўлган норезидент банкларгагина афзаллик берилади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари ўз устав капиталларини норезидент ҳисобидан кўпайтгиришлари ёки акциядорлар томонидан акцияларнинг норезидентларга сотилиши учун белгиланган тартибда Марказий банкнинг олдиндан розилигини олишлари шарт. Ушбу талабга риоя этилмай тузилган

битимлар ҳақиқий эмас деб топилади ва банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия бекор қилинади.

Банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш масаласи Марказий банк талаб қилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида ҳал этилиши керак. Ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш учун сарфланган вақт бунга кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 11 ноябрдаги 22-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби»нинг 16.5-бандига кўра қуйидаги ҳолатлар лицензия бериш ва банкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг рад этилишига асос бўла олади:

– Марказий банк талабларининг бажарилмаслиги;

– таъсис ҳужжатларининг мавжуд қонун талабларига мувофиқ эмаслиги;

– бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсиз эканлиги;

– муассис жисмоний шахс бўлганида ўз маблағларининг манбаси ҳақида маълумот бермаганлиги;

– бизнес режа ва молиявий режа пухта тузилмаганлиги;

– банкни рўйхатдан ўтказилиш пайтида энг кам устав капиталининг шакллантирилмаганлиги;

– банк раҳбар ходимлари ва бош бухгалтернинг ўз касбий нолойиқлиги;

– ташкилий-техникавий тадбирларнинг бажарилмаганлиги;

– Марказий банк томонидан банк ташкил қилиш учун берилган дастлабки рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги.

Банк ташкил этилгунига, яъни у давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар унинг номидан амалга оширилган банк операциялари ҳақиқий ҳисобланмайди.

Банк рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кунлик муддат ичида солиққа тортишни ташкил этиш учун молия-солиқ органига зарур ҳужжатларни тақдим қилиш зарур.

Банк уставига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш учун банк акциядорлар йиғилиши ёки муассисларнинг қарорига мувофиқ белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат қилинади ва қуйидаги ҳужжатлар:

– уставга ўзгаришлар киритиш ҳақида банк кенгаши раиси имзолаган илтимоснома;

– банк акциядорларининг уставга ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақидаги мажлиси баёни (3 нусхада);

– банк кенгаши раиси имзолаган уставга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар рўйхати (3 нусхада) тақдим этилади.

Мазкур ўзгаришлар ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 49-моддасига кўра, банк муассасасини, яъни юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Банкни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий мажлиси қарорига кўра (бошқа тегишли муассислар қарорига кўра) амалга оширилиши мумкин. Бу қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан амалга оширилади.

– банк кенгаши раиси имзолаган илтимоснома;

– акциядорлар умумий йигилишининг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

– банкни қайта ташкил этишнинг тахминий шартлари, шакллари, тартиб ва муддатларини акс эттирадиган ҳужжатлар:

– қайта ташкил этишнинг натижалари ҳақидаги молиявий тахминлар, шу жумладан, банкнинг у қайта ташкил этилганидан кейинги ҳисоб-китоб баланси ва банкни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар.

Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан икки ой давомида кўриб чиқилади.

Банкнинг қайта ташкил этилаётганлиги ҳақида матбуотда хабар берилади ёки унинг барча мижозлари, вакиллари ва депозиторларига икки ҳафта муддат ичида маълум қилинади. Банкнинг юридик манзили ўзгарганида ҳам бу ҳақда дарҳол Марказий банкка ва банк мижозларига хабар берилиши лозим. Муассиси биргина давлат бўлган банклар ҳукумат қарорлари асосида қайта ташкил этилиши мумкин. Қонунда назарда тутилган асосларга кўра банкни қайта ташкил этиш ҳақидаги илтимос рад этилиши мумкин. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида банклар фаолиятини тўхтатиш ҳамда тугатиш асослари кўрсатилган. Унга кўра:

– Марказий банк томонидан лицензиянинг бекор қилиниши;

– банкнинг банкрот деб эълон қилиниши;

– банк акциядорлари ёки бошқа ваколатли орган томонидан уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолларда банк фаолияти тўхтатилади. Бу Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 53-моддасидаги юридик шахсларни тугатиш юзасидан белгиланган асосларга ҳам мувофиқ келади.

Марказий банк томонидан банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни бекор қилиш анча мураккаб ҳуқуқий тадбир бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг тўхтатилиши ва тугатилишида муҳим асосдир.

Лицензиянинг бекор қилиниши:

– тижорат банки томонидан йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатига нисбатан қўлланиладиган қаттиқ ҳуқуқий санкция (жазо);

– қонун бузилиш ҳолатига давлатнинг ўз бошқарув муассасаси Марказий банк орқали билдирадиган муносабати (реакцияси);

– банкнинг банкротлиги учун формал асос ҳисобланади.

Лицензия бекор қилинганидан кейин ҳам банк мавжуд бўлиб туради, аммо банк операцияларини амалга ошира олмайди.

Лицензияни бекор қилиш Марказий банк бошқаруви томонидан қўлланадиган оғир жазо чораси ҳисобланган сабабли, бошқа жазо чоралари натижа бермаган қуйидаги ҳолларгагина қўлланилади:

– банк тўлов қобилиятини йўқотиб, пассивлари активларидан ортиб кетганида;

– лицензия берилишга асос бўлган маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганида;

– банк ўз кредиторлари ва омонатчилари олдидаги мажбуриятларини ўташга қобилиятсиз бўлиб қолганида;

– ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганида;

– банк операцияларини қонунчиликка ва лицензия шартларига ҳилоф тарзда амалга оширилганида;

– лицензия берилганидан кейин бир йилдан ортиқ вақт давомида банк операцияларини амалга оширишга киришмаслик оқибатида;

– Ўзбекистонда шўъба банк очган хорижий банк лицензиясининг чақириб ўз мамлакати томонидан бекор қилинганида.

Лицензиянинг бекор қилинганлиги ҳақида матбуотда эълон берилади, жумладан, 1996 йилда тижорат банкларидан лицензияни бекор қилиниши ҳақида МБ ахбороти чоп этилган.

Лицензияни бекор қилиниши Марказий банкка тижорат банкининг судга мурожаат қилмасдан мажбурий суратда тугатилиши учун асос бўлади. Буни Марказий банк томонидан тайинланган тугатиш комиссияси амалга оширади.

Марказий банкка тижорат банкларини бир томонлама тугатиш юзасидан бундай ваколатларнинг берилиши бозор иқтисоди даврига хос бўлган тадбиркорлик ва эркин хўжалик юритиш демократиясига мос келиши қийин, бундай ваколатдан Марказий банк ҳар доим ҳам омонатчилар ва банк кредиторлари манфаатини ҳимоя қилиш йўлидагина фойдаланишига, шунингдек, Марказий банк ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилмаслигига, маъмурий-буйруқбозлик мақсадларида фойдаланмаслигига ҳам ҳеч бир кафолат йўқ. Шу сабабли лицензия бекор қилинганида тижорат банкларини тугатишнинг суд тартибини ўрнатиш ҳеч бўлмаса тижорат банкларига ўзларини Марказий банк ўзбошимчалигидан ҳимоя қила олишлари учун адолатпарвар қонунийликни таъминлашга қаратилган чора бўлар эди.

Тижорат банкининг ихтиёрий тарзда тугатилиши Марказий банкнинг рухсати билан акциядорлар умумий йиғилиши (банкнинг бошқа ваколатли органи) қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Тижорат банкини ихтиёрий асосда тугатиш учун розилик беришни сўраб Марказий банкка берилган илтимосномага уни тугатиш муддатлари, тугатишга оид тадбирлар рўйхати, ўз мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни тамомлаш муддати ва бошқа ҳужжатлар илова қилинмоғи керак.

Марказий банк розилиги олинганидан сўнг тижорат банки тугатиш комиссияси тузади, унинг таркибига бир ёки бир неча кишидан иборат Марказий банк вакиллари киритилади. Банкнинг ихтиёрий суратда тугатилаётгани ҳақида матбуотда эълон берилади. Банкрот деб эълон қилинган банкларнинг тугатилиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунида ва бошқа айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 11 февралда 626-тартиб рақами билан «Банкларни тугатиш тартиби ҳақида»ги Низом давлат рўйхатига олинган ва банклар ушбу низомга кўра тугатилади[1].

---

[1] Банковские ведомости. 1999, №16.

– банкнинг банкрот деб эълон қилиниши;

– банк акциядорлари ёки бошқа ваколатли орган томонидан уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолларда банк фаолияти тўхтатилади. Бу Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 53-моддасидаги юридик шахсларни тугатиш юзасидан белгиланган асосларга ҳам мувофиқ келади.

Марказий банк томонидан банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни бекор қилиш анча мураккаб ҳуқуқий тадбир бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг тўхтатилиши ва тугатилишида муҳим асосдир.

Лицензиянинг бекор қилиниши:

– тижорат банки томонидан йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатига нисбатан қўлланиладиган қаттиқ ҳуқуқий санкция (жазо);

– қонун бузилиш ҳолатига давлатнинг ўз бошқарув муассасаси Марказий банк орқали билдирадиган муносабати (реакцияси);

– банкнинг банкротлиги учун формал асос ҳисобланади.

Лицензия бекор қилинганидан кейин ҳам банк мавжуд бўлиб туради, аммо банк операцияларини амалга ошира олмайди.

Лицензияни бекор қилиш Марказий банк бошқаруви томонидан қўлланадиган оғир жазо чораси ҳисобланган сабабли, бошқа жазо чоралари натижа бермаган қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

– банк тўлов қобилиятини йўқотиб, пассивлари активларидан ортиб кетганида;

– лицензия берилишга асос бўлган маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганида;

– банк ўз кредиторлари ва омонатчилари олдидаги мажбуриятларини ўташга қобилиятсиз бўлиб қолганида;

– ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганида;

– банк операцияларини қонунчиликка ва лицензия шартларига ҳилоф тарзда амалга оширилганида;

– лицензия берилганидан кейин бир йилдан ортиқ вақт давомида банк операцияларини амалга оширишга киришмаслик оқибатида;

– Ўзбекистонда шўъба банк очган хорижий банк лицензиясининг чақириб ўз мамлакати томонидан бекор қилинганида.

Лицензиянинг бекор қилинганлиги ҳақида матбуотда эълон берилади, жумладан, 1996 йилда тижорат банкларидан лицензияни бекор қилиниши ҳақида МБ ахбороти чоп этилган.

Лицензияни бекор қилиниши Марказий банкка тижорат банкининг судга мурожаат қилмасдан мажбурий суратда тугатилиши учун асос бўлади. Буни Марказий банк томонидан тайинланган тугатиш комиссияси амалга оширади.

Марказий банкка тижорат банкларини бир томонлама тугатиш юзасидан бундай ваколатларнинг берилиши бозор иқтисоди даврига хос бўлган тадбиркорлик ва эркин хўжалик юритиш демократиясига мос келиши қийин, бундай ваколатдан Марказий банк ҳар доим ҳам омонатчилар ва банк кредиторлари манфаатини ҳимоя қилиш йўлидагина фойдаланишига, шунингдек, Марказий банк ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилмаслигига, маъмурий-буйруқбозлик мақсадларида фойдаланмаслигига ҳам ҳеч бир кафолат йўқ. Шу сабабли лицензия бекор қилинганида тижорат банкларини тугатишнинг суд тартибини ўрнатиш ҳеч бўлмаса тижорат банкларига ўзларини Марказий банк ўзбошимчалигидан ҳимоя қила олишлари учун адолатпарвар қонунийликни таъминлашга қаратилган чора бўлар эди.

Тижорат банкининг ихтиёрий тарзда тугатилиши Марказий банкнинг рухсати билан акциядорлар умумий йиғилиши (банкнинг бошқа ваколатли органи) қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Тижорат банкини ихтиёрий асосда тугатиш учун розилик беришни сўраб Марказий банкка берилган илтимосномага уни тугатиш муддатлари, тугатишга оид тадбирлар рўйхати, ўз мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни тамомлаш муддати ва бошқа ҳужжатлар илова қилинмоғи керак.

Марказий банк розилиги олинганидан сўнг тижорат банки тугатиш комиссияси тузади, унинг таркибига бир ёки бир неча кишидан иборат Марказий банк вакиллари киритилади. Банкнинг ихтиёрий суратда тугатилаётгани ҳақида матбуотда эълон берилади. Банкрот деб эълон қилинган банкларнинг тугатилиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунида ва бошқа айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 11 февралда 626-тартиб рақами билан «Банкларни тугатиш тартиби ҳақида»ги Низом давлат рўйхатига олинган ва банклар ушбу низомга кўра тугатилади[1].

---

[1] Банковские ведомости. 1999, №16.

II БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

VII БОБ. БАНК ТИЗИМИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ҳисоб-китоблар тушунчаси, шакллари ва уларнинг банклар фаолиятидаги ўрни

Иқтисодий оборот суръатларини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқаролик мулкий муносабатнинг бошқа иштирокчилари ўртасида топширилган ашё, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун тегишли тўловларни ўз вақтида амалга оширилишига эришиш мамлакат иқтисодий тараққиётига, жамият молиявий соғломлигига ҳамда пул муомаласи аҳволига ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири эканлиги шак-шубҳасиздир. Ўтказилаётган молиявий-иқтисодий таҳлиллар мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида кузатилаётган бир қатор салбий ҳодисалар: иқтисодий ислоҳотларнинг айрим йўналишлар бўйича қийинчилик билан кечаётганлиги, турғунлик, пул муомаласини тартибга солишдаги қийинчиликларнинг сабабларидан бири — ҳисоб-китоб ишларининг қониқарсиз аҳволдалиги, корхоналар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажмининг жуда катта эканлиги, мамлакатда айланма маблағлар ҳаракати сустлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳукумати даражасида ушбу масаланинг мамлакатимиз ҳаёти учун ўта муҳимлигига, халқ хўжалигида ҳисоб-китоб интизомини мустаҳкамламасдан, маблағлар айланишини таъминламасдан

туриб ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаб бўлмаслигига жиддий эътибор қаратилди[1].

Кўрилган кескин иқтисодий ва маъмурий чоралар натижасида Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳажми сезиларли қисқара бошлади, ушбу салбий жараённинг пул муомаласига, иқтисодий ўсиш даражасига, одамларнинг турмуш даражасига таъсири камая бошлади. Шунга қарамай айрим минтақалар ва тармоқларда ҳисоб-китоб интизомининг суслиги, етказиб берилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаслиги, қарзларнинг ўз вақтида ундириб олинмаслиги ҳоллари кўп учрамоқда. Бунинг бошқа бир қатор объектив сабаблари ҳам борлигини тан олган ҳолда, корхоналарнинг мансабдор шахслари хўжалик қонунчилигидан, айниқса ҳисоб-китоб соҳасидаги қонунчиликдан етарли хабардор эмасликлари, ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарашлари ушбу масалада кескин ўзгаришлар ясалишига тўсиқ бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Банкларнинг қонунчиликка қатъий риоя этган ҳолда аниқ бир маромда олиб бораётган ишлари юқоридаги муаммони ҳал этишнинг асосий йўналишларидан биридир. Банк ҳисоби ва ҳисоб-китоб қилишга оид бўлган муносабатлар турли ҳуқуқ соҳаларига мансуб бўлиб, юридик аҳамияти жиҳатдан турлича меъёрий ҳужжатлар билан ҳуқуқий тартибга солинади. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимларини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида»ги, 1997 йил 19 майдаги «Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизмати кўрсатишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1997 йил 9 июлдаги «Айланма маблағларининг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги ва бошқа фармонларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 7 майдаги «Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссиясини тузиш тўғрисидаги 1997 йил 29 октябрдаги 1997 йил IV чорагида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чоралари тўғрисидаги ва бошқа қарорлари.

– банк ҳисоби ва ҳисоб-китоблар мазмунини, чегараларини, ушбу муносабат пайтида давлат органлари, банклар ва уларнинг мижозларида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини аниқлаш;

– банк ҳисоби, ҳисоб-китоблари турлари, ҳуқуқий режимини олдиндан белгилаб олиш йўли билан уларга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш;

– қонун йўли билан белгиланган мажбурий қоидаларни белгилаш ва уларнинг ҳаракат доирасини чеклаш, банк ва унинг мижози эркинлиги ҳажмини, улар томонидан ўзаро қайси қоидалар белгиланиши ва ўзгартирилиши мумкин, қайси талабларнинг бажарилиши улар ҳажмига боғлиқ эмаслигини аниқлаш;

– банк ва унинг мижозлари манфаатларини ифодалаш ва ҳуқуқий воситаларини топиш;

– банк ва унинг мижозлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг уларидан фойдаланиш масалаларини тартибга солиш кабилар.

Банк ҳисоби ва ҳисоб-китоблари банк томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти таклифларидан бири сифатида маблағларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Бунда банк ва унинг мижози ўртасидаги муносабат иқтисодий ҳамда юридик жиҳатдан ўзаро тенг бўлмаган томонлар ўртасида ҳамкорлик бўлгани сабабли қонун кучли томон (тижорат банки) эркини чеклашга, ўз ҳуқуқларининг суиистеъмол қилинишига қарши тўсиқлар қўйишга қаратилган чораларни кўрмоғи лозим.

Банк ҳисоби ва ҳисоб-китоблари ўз ичига:

1) банк ҳисоб-китобларига оид норматив актлар йиғиндисини (уларда банк ҳисобининг табиати, мазмуни, мақсади, иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари акс этади);

2) банк ҳисоби шартномасини (томонлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи умумий ва махсус фуқаролик ҳуқуқий битим қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда);

3) банк ҳисоби шартномаси иштирокчилари ўртасида, банк билан давлат, мижоз билан давлат ўртасида амалда вужудга келувчи ҳуқуқий муносабатларни ифодалаши лозим.

Банк ҳисоби ва ҳисоб-китобларига оид бўлган норматив актлар турли-туман бўлиб, улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 45-боби (790-816-моддалари) етакчи ўрин тутади. Ушбу бобда банк ҳисоби шартномаси тушунчаси,

мазмуни, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари батафсил ёритилган. Жумладан, ФКнинг 790-моддасида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Мазкур шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар қонундан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобварақалари очилган банклар ва бошқа кредит ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Банк ҳисоби ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фуқаролик кодекси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, давлат солиқ қўмитети ҳамда Марказий банк томонидан чиқариладиган идоравий меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, ҳисоб-китоблар билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оммавий ҳуқуқий муносабатлар, банклар ҳамда уларнинг мижозлари билан давлат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ушбу идоравий ҳужжатлар воситасида тартибга солинади[1].

Банк ҳисоби ва ҳисоб-китоблари қонунчилигига оид бир қатор жиддий муаммолар мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда банк мижозлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини поймол этилишига олиб келмоқда. Бу ўтиш даврига хос бўлган

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 27 июндаги 60-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш қоидалари»; 1997 йил 28 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган ҳисобварақлари ҳақидаги» 1-сонли йўриқномаси, 1997 йил 22 августда тасдиқланган «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари», 1998 йил 28 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан олиб бориладиган касса ишлари ҳақидаги Низом», 1995 йил 29 декабрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги йўриқнома ва бошқалар.

нобаркарорлик (айниқса қонунчиликда), ҳуқуқий меъёрларда оммавий-ҳуқуқий қоидаларга афзаллик берилаётганлиги билан изоҳланиши мумкин. Шу муносабат билан банк мижозларига энг кам даражада муҳофазаланиш кафолатларини назарда тутувчи ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш ва белгилаб қўйиш вақти аллақачон етиб келди деб ҳисоблаймиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, банк ҳисоби институти банклар ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг вужудга келиши ҳамда амалга оширилишида асосий ўрин тугади.

Амалдаги қоидаларга мувофиқ, банк ҳисоби муносабати банк билан мижоз ўртасида ўзаро махсус фуқаролик ҳуқуқий шартномаси – банк ҳисобварағи шартномаси тузиш орқали ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 771-моддасига кўра, банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит муассасаси (бундан буён матнда – банк) иккинчи тараф – мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобваракдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади.

Ушбу бобнинг банкларга тааллуқли қоидалари бошқа кредит ташкилотлари ўзларига берилган рухсатнома (лицензия)га мувофиқ банк ҳисобварағи шартномасини тузиш ва бажариш чоғида уларга нисбатан ҳам қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 44-бобида банк ҳисобварағи шартномасининг шакли, мазмуни, тузилиш тартиби ва бошқа масалалар тўлиқ баён этилган. Ушбу қоидаларга кўра мижоз (юридик ёки жисмоний шахс) истаган банкда ҳисобварағи очиш ҳақли, аммо аввалги қоидалардан фарқли ўлароқ, ФКнинг 775-моддаси янги таҳририда мижозларнинг ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатадиган банкларни мустақил равишда танлаш ҳуқуқлари сақланган ҳолда бир неча банк билан ҳисобварағи шартномалари тузиш, яъни бир неча банкда ҳисоб рақамлари, шу жумладан, валютага оид алоҳида ҳисобварағи очишлари тартиби бекор қилинди[1]. Бундай чеклаш жорий этилишидан кўзланган мақсад — ҳисоб-китоб ишларида тартиб

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 755-моддаси, 2-қисмига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонуни.

ўрнатиш, корхонанинг бир банкдаги ҳисобварағида пул маблағи бўлгани ҳолда (шу жумладан, чет эл валютасидаги маблағи) унинг ўз кредиторлари билан, бюджет билан ҳисоб-китоб қилишдан бўйин товлашга уриниш ҳолларига барҳам беришдан иборатдир. Бир неча банкларда алоҳида-алоҳида ҳисобварағлари очиш тўғрисидаги бундай чеклашлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган корхоналарга нисбатан жорий этилмаслиги, яъни бундай корхоналар ўз хоҳишларига кўра ўзлари истаган бир ёки бир неча банкларда сўм ёхуд хорижий валютада талаб қилиб олинадиган депозит варақларига эга бўлишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган[1].

Юридик шахслар томонидан банклар билан ҳисоб-китоб варағи шартномаси тузиш, улар учун ҳисобварағлари очиш билан боғлиқ бўлган тартиб тафсилотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 28 март куни тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварағи тўғрисида»ги йўриқномада баён этилган. Ушбу йўриқномага кўра юридик шахс банк ҳисобварағи очиш учун қуйидаги ҳужжатларни ўзи ҳисоб-китоб шартномаси тузишни хоҳлаган тижорат банки муассасасига тақдим этиши талаб этилади:

– талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағи очишни сўраб берилган ариза;

– мурожаат қилувчи юридик шахснинг нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари (ушбу ҳужжатларнинг турлари ва миқдори хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шаклига ҳамда бошқа хусусиятларга боғлиқ);

– корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ваколатли орган қароринининг нотариал тасдиқланган ёки давлат рўйхатига олган органнинг бевосита ўзи томонидан тасдиқланган нусхаси;

– солиқ тўловчи ҳисобланадиган корхонага солиқ тўловчининг қайд (идентификация) тартиб рақами берилганлиги ҳақида солиқ ташкилоти томонидан юборилган ёзма хабарнома;

– корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзолари, корхонанинг думалоқ ва учбурчак тамғаларининг нотариал тасдиқланган (юқори турувчи ташкилот тасдиқлаган) нусхалари;

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 июлдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга банк хизматини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 1-моддаси.

– корхонанинг муайян фаолият тури билан шуғулланишга қонуний ҳақли эканлиги ҳақида ваколатли давлат органи томонидан берилган лицензиянинг нотариал гувоҳлантирилган нусхаси;

– операцияларни чет эл валютасида амалга ошириш учун корхонанинг ташқи иқтисодий муносабат алоқалари иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Ушбу ҳужжатлар тақдим этилгач, банк билан мижоз ўртасида белгиланган намунавий нусхада банк ҳисоб-китоб шартномаси ва Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 775-моддаси асосида банк томонидан мижоз ёки у кўрсатган шахс номига тарафлар келишган шартларда ҳисобварақ очиш йўли билан тузилади.

Юридик шахслар ва фуқаролар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатадиган банкларни мустақил танлайдилар.

Банк муайян турдаги ҳисобварақлар очиш учун эълон қилинган, қонунда ва қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган, банк қоидаларида назарда тутилган тегишли талабларга мос келадиган шартлар асосида ҳисобварақ очишни таклиф қилиб мурожаат этган мижоз билан банк ҳисобварағи шартномаси тузиши шарт. Банк тегишли операцияларни амалга ошириш банкнинг таъсис ҳужжатларида ва унга берилган лицензияда қонуний назарда тутилган ҳисобварақни очишни рад этишга ҳақли эмас, бироқ банк хизмати кўрсатишга қабул қилиш имконияти йўқлиги сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Банк банк ҳисобварағи шартномасини тузишдан асоссиз равишда бош тортган тақдирда мижоз унинг олдига ушбу Кодекс 37-моддасининг 6- ва 7-қисмларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Банк ҳисобварағи бўйича амалга ошириладиган банк операциялари ва уларни амалга ошириш муддатлари қонунда (ФКнинг 777-778-моддаси) белгилаб қўйилади. Ҳисобварағи шартномаси ҳақ-ҳисобига тузиладиган шартномалардан ҳисобланиб, банк ўз мижозига хизмат кўрсатгани учун, мижоз эса ўз ҳисобварағида турган маблағлардан банк фойдаланганлиги учун белгиланган тартиб ва миқдорларда ҳақ оладилар.

Банк ҳисобварағидаги пул маблағлари умумий қоидага кўра фақат мижознинг банкка берган ёзма топшириғи асосида бошқа шахсларга тўланиши мумкин. Мижознинг ёзма топшириғисиз

ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш тўлаш фақат суд қарори, қонунда кўзда тутилган махсус ҳоллар ҳамда банк билан мижоз ўртасидаги ҳисоб-китоб шартномасида бевосита кўрсатиб қўйилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бу Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 784-моддасида белгилаб қўйилган, аммо «ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қуйидаги навбатда ўчирилади:

биринчи навбатда мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижрочи) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижрочи ҳужжатлар бўйича, муаллифлик шартномаларига биноан мукофотларни тўлаш бўйича, шунингдек, ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича, бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар бўйича, хўжалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижрочи ҳужжатлар бўйича пул ўчирилади;

иккинчи навбатда бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

учинчи навбатда бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календарь навбат тартибида пул ўчирилади.

Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга пул маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳисобдан чиқариш календарь навбат тартибидан ташқари навбатда амалга оширилади».

Банк муассасаси банк ҳисобварағи шартномасидан келиб чиқувчи ўз мажбуриятларини, хусусан, банк операцияларини ўз вақтида амалга оширмаганлик, пул маблағларини асоссиз тарзда ҳисоб варағидан ўчирилганлик учун ўз мижози олдида шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ҳамда миқдорларда мулкий жавобгар бўлади.

Умумий қоидага кўра, мижознинг ўз ҳисобварағидаги пул маблағларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилмайди. Бироқ суд ёки бошқа ваколатли органлар қарори билан мижоз ҳисобварағи хатлангани ёки банк операцияларини амалга ошириш тўхтатиб қўйилиши

мумкинлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган[1]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 788-моддасига мувофиқ:

«Банк ҳисобварағи шартномаси мижознинг аризасига мувофиқ исталган вақтда бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси қуйидаги ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса;

агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса».

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризасидан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга қайтариб берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобварақка ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

2-§. Ҳисоб-китобларни амалга оширилиш шакллари

Ҳисоб-китоблар тадбиркор ҳисобланмайдиган жисмоний шахслар, шунингдек жисмоний шахслар билан юридик шахслар ўртасида суммаси чекланмаган ҳолда нақд пул билан ёки нақд пулсиз амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар ва тадбиркор ҳисобланувчи жисмоний шахслар ўртасида ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда ёки қонунда бошқача ҳол кўзда тутилмаган бўлса нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоида бўйича уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобварақлари очилган банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари орқали

а) талаб қилиб олинадиган депозит;

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 77-моддасида суд даъвони таъминлаш мақсадида жавобгар мулки ва пул маблағларини хатлаб қўйиши мумкинлиги; Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати ҳақида»ги қонуннинг 5-моддаси, 8-банлига кўра Давлат солиқ органлари қонун ва кўзда тутилган ҳолларда юридик шахс ва тадбиркор жисмоний шахс банк ҳисобварағидан банк операциялари амалга оширилишини тўхтатиб қўйиши мумкин ва ҳоказолар.

б) муддатли депозит;

в) омонат депозит ва бошқа депозит ҳисобрақамлари шаклида очилиши мумкин[1].

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганида ҳисоб-китобнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланиш мумкин бўлади:

– тўлов топшириқномалари;
– аккредитивлар билан ҳисоб-китоб қилиш;
– чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш;
– инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
– қонунда назарда тутилган бошқа шаклларда.

Ҳисобварағи шартномаси тузилган пайтда ҳисоб-китобни амалга ошириш шакллари эркин белгиланиши қайд этилади ва ўзаро мол етказиб берувчи иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи томонлар нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг истаган шаклларини танлаб олишлари мумкин бўлади.

Халқ хўжалигида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг нисбатан кенг тарқалган шакли тўлов топшириқлари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблардир.

Ўзбекистон ФКнинг 792-моддасида тўлов топшириқлари билан ҳисоб-китоб қилишга доир қуйидаги умумий қоидалар кўрсатилган:

«Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганида банк мижознинг топшириғига мувофиқ унинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдор пул суммасини мижоз кўрсатган шахснинг ушбу ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисобварағи шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади.

Тўлов топшириқномасида маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бундай ҳуқуқ қонунда ёки мижознинг банк билан тузган шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 4 сентябрдаги 60-қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб

---

[1] Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб рақамлари тўғрисида»ги 1997 йил 28 мартдаги 1-сонли Марказий банк йўриқномасининг 1.3-банди.

қоидалари»нинг 15-23-бандларида ҳам тўлов топшириқномалари асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиблари белгилаб қўйилган. Унда кўрсатилишича, топшириқ белгиланган шаклдаги бланкда, барча зарур реквизитлари тўғри тўлдирилган ҳолда тақдим этилади. У орқали:

– товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш;

– нотовар операциялар юзасидан пул ўтказиш;

– банк қарзлари (ссуда)ни тўлаш;

– ҳукумат қарорлари ва банк қоидаларида кўзда тутилган ҳолларда аванс тўловларини амалга ошириш мумкин.

Топшириқнома тўлдирилганидан бошлаб ўн кун давомида ҳақиқий саналади. Ҳисоб-китоб муносабатларида иштирок этувчиларнинг ўзаро келишуви билан тўлов топшириқномасига кўра муддатли, муддатидан олдин, муддати кечиктирилган тўловлар амалга оширилиши мумкин. Етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизмат ҳақини тўлашлик учун тўлов топшириқномаси тақдим этилган куни фақат тўловчи ҳисобварағида маблағ бўлган ҳолдагина қабул қилинади. Тўловни амалга оширувчи ва олувчи битта банк мижози бўлса, тўлов топшириқномаси уч нусхада, улар турли банкда бўлганларида топшириқнома тўрт нусхада тўлдирилади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳам тўлов топшириқномаси кўринишларидан саналади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 796-моддасига кўра, аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганида мижознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс (бундан кейинги матнда – маблағларни олувчи) ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган ҳолларда банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи билан олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Аккредитивлар чақириб олинадиган (ўзгартириш ёки бекор қилиш) маблағ олувчини олдиндан хабардор қилинмагани ҳолда амалга ошириладиган ҳамда чақириб олинмайдиган (маблағ олувчининг розилигисиз бекор қилиш мумкин бўлмаган) аккредитивларга бўлинади. Аккредитив шартлари бузилганида банк мижози олдида ва банк олдида жавобгар бўлади. Аккредитив қонунда кўзда тутилган ҳолларда ижрочи банкда ёпилиши ҳамда бу ҳақда эмитент банкка хабар берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш қоидаларида аккредитив асосида амалга ошириладиган тўловларнинг турлари, тақдим этиш, тўловларни амалга ошириш тартиблари ва бошқа масалалар ёритилган.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш. Чек банкнинг махсус бланкига ёзилган, чек соҳибига ҳисобварағи эгаси маблағларидан чекда кўрсатилган миқдордаги пул маблағларини тўлаш ҳақида банк номига берилган ёзма топшириқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 807-моддасида чекка «чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек» деб таъриф берилган.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганида фақат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банкгина чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин. Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунча уни чақириб олишга йўл қўйилмайди. Чекнинг берилиши бажариш учун чек берилган пул мажбуриятини бекор қилмайди.

Тўлов муомаласида чеклардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ФК ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шунингдек, реквизитлари, пул тўлаш тартиби, чек бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ва бериладиган кафолатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Қонунда чекни тўловга тақдим этиш (инкассо қилиш) тартиби, тўловчининг мажбуриятлари ҳамда тўловга тақдим этилган чек бўйича тўловни амалга оширмаслик оқибатлари ҳам белгилаб қўйилган.

«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш қоидаларининг» 97-82-бандларида чек шакли, унинг берилиши, юритилиши, тақдим этилиш ва улар бўйича тўловларни

амалга ошириш тартиблари ҳамда чек орқали ҳисоб-китоб муомаласига оид бошқа масалалар батафсил баён этилган. Мазкур қоидаларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа бир қатор шакллари ҳам назарда тутилган бўлиб, уларга:

– алоқа корхонаси орқали пул кўчириш;

– вакил қилинган шахс номига пул кўчириш;

– доимий тўловларни амалга ошириш тарзида ҳисоб-китоб қилиш;

– тўлов талабнома-топшириғи орқали ҳисоб-китоб қилиш кабилар киради. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида банк қонунчилигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилган идоравий меъёрий ҳужжатларда уларнинг ҳар бири бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

3-§. Мижознинг банк ҳисобварағидан пул маблағларини низосиз тартибда ўчириш (тўлаш)

Банк мижози ҳисобварағидан пул маблағларини унинг рухсатисиз, низосиз тартибда ўчириш банк ҳуқуқи назариясида турлича қарашларга сабаб бўлаётган бирмунча мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Бу банк ҳуқуқий муносабати иштирокчиларининг ҳам хусусий, ҳам оммавий манфаатларига дахл қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум қилиниши мумкин» деб эълон қилинган. Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида янада аниқлаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 166-моддасида ҳам мулк дахлсиз эканлиги ва мулк ҳуқуқини чеклашга қонунда бевосита назарда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳолларда йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Бундай қоидаларнинг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ҳам белгилаб қўйилганлиги ушбу ҳуқуқ бизнинг жамиятимизда ҳақиқатдан ҳам муқаддас ҳамда дахлсиз эканлигини таъкидлайди.

Ана шундай ҳуқуқий муҳитда пул маблағларини ҳисобварағидан низосиз тартибда ўчириш мулкнинг муайян тури саналмиш пул маблағи эгасининг муқаддас ҳуқуқларига дахл қилаётгандек, ушбу ҳуқуқларнинг поймол этилишига йўл очаётгандек

кўринади. Аксинча ҳисобварағдан пулларни низосиз ўчириш ва уларни тегишли ҳақ ундирувчилар ҳисобварағига қўшиб ёзиб қўйиш айнан дахлсиз мулк ҳуқуқини муҳофаза этишга қаратилган. Бундан ташқари ҳисобварағдан пул маблағларини низосиз тартибда ўчиришнинг асл мақсадида ҳам аслида мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни, ҳақ ундирувчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган, чунки ана шундай мажбурий тарздаги ҳаракат содир этилишидан аввал ҳисобварағ эгаси саналмиш маблағлар мажбуран тортиб олинаётган шахс томонидан қонун талаблари қўпол тарзда бузилган, бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари поймол этилган ҳамда бу далил тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари чиқарган қарор билан тасдиқланган бўлади. Шу сабабли пул маблағларини ҳисобварағдан сўзсиз тартибда ўчиришга эҳтиёткорлик билан ёндошиш лозим бўлади.

Пул маблағларини низосиз тартибда ҳисобваракдан ўчиришни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ФК (783-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун (31-модда), бошқа қонунлар ҳамда бир қатор қонун ҳужжатлари[1] билан ҳал этилади.

«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидаларининг» 220-бандида айтилишича:

– низосиз тартибда ўчириш тартиби белгиланган ҳолларда ҳақ ундирувчининг талаби билан;

– бошқа ҳолларда эса ижро ҳужжатлари ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар бўлганида маблағ эгаси розилигисиз пул маблағлари ҳисобварағидан ўчирилиши мумкин.

Маблағлар ҳисобваракдан:

– солиқ органлари фармони билан солиқлар ва бошқа носолиқ тўловлар бюджетга ўз вақтида тўланмаганида;

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1997 йил 19 майдаги «Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги «Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1997 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидалари» 1998 йил 12 февралдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварағидан пул маблағларини ўчириш тартиби тўғрисида»ги 55-в сонли йўриқнома ва бошқалар.

– ижтимоий суғурта жамғармаси органлари (пенсия жамғармаси) фармони билан қарзларни ундириш учун низоси тартибда ўчирилиши мумкин.

Маблағларни низосиз тартибда ўчирилишга асос бўладиган ижро ҳужжатлари жумласига қуйидагилар киради:

– хўжалик судлари томонидан берилган буйруқлар;

– судлар томонидан берилган ижро варақалари;

– нотариуслар томонидан бажарилган ижро ёзувлари.

Шунингдек, низосиз тартибда тўловлар амалга оширилиши лозим бўлган тўлов талабномалари, автомобиль йўллари таъмири учун олинадиган тизим бўйича қарзларни ундириш ҳақида ҳакамлар фармойишлари, қарздор томонидан тан олинган суммаларни ундириш ҳақидаги кўрсатмалар, ҳукумат қарорларида назарда тутилган бошқа турдаги тўловлар ҳам ижро ҳужжатларига тенглаштирилади ва улар асосида низосиз тартибда ҳисобварақаларидан пул маблағларини ўчиришга йўл қўйилади.

Ҳисобварағларидан пул маблағларини ўчириш тегишли солиқ ёки бошқа органларнинг тўлов топшириқномалари, суд ижрочиларининг бевосита мурожаатлари асосида, тегишли ҳужатларнинг асл нусхаси ёки дубликати бўлганида (нусха асос бўлмайди) амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра мижоз ҳисобварағидан пул маблағларини ўчирилишига асос бўладиган ҳужжатлар ваколатли давлат органлари ёки ҳақ ундирувчилар томонидан белгиланган муддатда банкка тақдим этилиши лозим. Ижро ҳужжатларини банкка тақдим этиш бўйича қуйидаги муддатлар белгилаб қўйилган:

– судлар томонидан берилган ижро ҳужжатлари бўйича – бир йил ичида;

– нотариал идоралар ижро ёзувлари бўйича (қонунда бошқача назарда тутилмаган бўлса) – бир йил;

– хўжалик суди буйруқлари бўйича – уч ой;

– меҳнат низолари комиссияси гувоҳномалари бўйича уч ой.

Ушбу муддатлар ўтганидан кейин тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳисобварақдан пул маблағларини низосиз тартибда кўчиришга йўл қўйилмайди. Ҳужжатнинг банкка ёки суд ижрочисига тақдим этилиши муддатнинг узилишига ва уни тақдим этилган кундан янгидан ҳисобланишига сабаб бўлади.

Давлат бюджетига, суғуртасига, ижтимоий таъминот органларига маблағ ундириш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларга

нисбатан муддатлар татбиқ этилмайди ва улар асосида муддатидан қатъий назар ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш амалга оширилаверади.

Тақдим этилган ҳақ ундириш ҳақидаги ҳужжатлар асосида ҳақ ундириш қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда тўхтатиб турилади ёки бекор қилинади.

Мижоз ҳисобварағидан пул маблағларини ўчириш пайтида бир неча ҳақ ундирувчи ёки бир неча ижро ҳужжатлари мавжуд бўлганида маблағларни ундириш навбати қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 12 февралда тасдиқланган В-55 сонли «Хўжалик субъектлари банк ҳисобварақларидан ўчириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»да белгилаб қўйилган. Мабодо ана шундай вазиятда маблағлар етарли бўлмаса, у ҳолда биринчи навбатда мутаносиб равишда давлат бюджетига, пенсия фонди ва бошқа бюджетдан ташқари фондларга ҳамда меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи талабларни қондиришга оид мажбуриятларни қондириш учун ундирилади, кейин эса қолган талаблар қондирилади.

Қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган юридик шахслар ҳисобварағидан пул маблағлари ўчириш тугатиш комиссияси иштирокида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII БОБ. БАНК КРЕДИТИ ВА ОМОНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Банк омонати ва банк кредити тушунчаси, вазифалари ҳамда ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида омонатларни жалб этиш, кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш банклар томонидан амалга ошириладиган банк операцияларининг асосий турларидан ҳисобланади. Ҳар иккала операция ҳам мамлакатдаги пул маблағлари билан боғлиқ иқтисодий жараёнларни бошқариш, пул ресурсларидан айрим фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат ва жамият манфаатларида оқилона, энг кўп фойда беришни мўлжаллаган ҳолда фойдаланиш мақсадларига хизмат қилади. Вақтинча бўш турган пул маблағларини йирик инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқарилишига йўналтириш йўли билан мамлакат иқтисодий тараққиётига кўмаклашишга хизмат қилади. Ушбу банк операциялари пул маблағларини жамлашга ва мақсадга мувофиқ тақсимлашга қаратилган ягона иқтисодий жараённинг босқичлари сифатида баҳоланиши мумкин.

Амалдаги умумфуқаролик ва банк қонунчилиги ушбу иқтисодий жараён иштирокчилари бўлган омонат қўювчи шахслар, банк-кредит муассасалари ҳамда банк кредити истеъмолчилари бўлмиш жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини кўриқлаш, бу ҳуқуқлар бузилган тақдирда эса уларни қайта тиклашга қаратилган аниқ воситаларни кўзда тутади, кафолатларни белгилаб қўяди. Бундай ҳуқуқий воситаларнинг энг асосийларидан бири, бу банк омонати ва банк кредити шартномалари бўлиб, улар ҳимоялаш воситалари бўлишидан ташқари омонат ва кредитга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, бу муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликларини белгилаш воситаси

бўлиб, улар ўртасида ана шу йўналишдаги муносабатлар юзага келганлигини тасдиқловчи расмий гувоҳнома — ҳужжат вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 759-моддасига мувофиқ «Банк омонати шартномаси бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни қабул қилиб олган иккинчи тараф банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади».

Банк омонати шартномаси омонатларни жалб этиш билан боғлиқ банк операцияларини амалга ошириш ваколатини олган банклар ва бошқа кредит муассасалари билан омонатчи жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилиши мумкин. Қонунда белгиланганидек, омонатчининг пул маблағи банкка келиб тушган ёки топширилган кундан бошлаб банк омонати шартномаси тузилган ҳисобланади.

Банк ёки бошқа кредит муассасасининг аҳолидан ва юридик шахслардан омонат қабул қилишга ҳақли эканлиги ушбу муассасага Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган тартибда берилган махсус рухсатнома (лицензия)да кўрсатиб қўйилган бўлиши лозим.

Ана шундай махсус рухсат (лицензия) олмагани ҳолда фуқаролардан омонат қабул қилган банк ёки бошқа шахс омонатни дарҳол қайтариб бериши, шунингдек, ўзининг ана шундай ғайриқонуний ҳаракати туфайли етказилган зарар ўрнини тўла қоплаб бериши лозим. Бундай зарар жумласига ўз маблағини ишониб топширган фуқаро ололмай қолган даромад ва фойда суммалари, унга етказилган маънавий зарарлар киритилиши мумкин.

Тегишли рухсат (лицензия)сиз юридик шахслар маблағи омонатга қабул қилинганда бундай шартномаларнинг белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилиши ва айбдорга Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўзда тутилган жавобгарлик қоидалари қўлланилиши мумкин. Ушбу моддага кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фоиз миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурия-

ти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизларининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундирилганида эса кредиторнинг хоҳишига кўра қарз берилган кундаги ёки суд қарори чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб-ставкасига қараб ундириб берилиши мумкин.

Банк омонати шартномаси одатда ёзма шаклда ҳар иккала томон имзолайдиган махсус ҳужжат тарзида тузилиши ва расмийлаштирилиши лозим. Бироқ қонунга мувофиқ белгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида кўзда тутилган ҳолларда шартномага хос хусусиятларни ўзида акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар тузилганлиги ва омонат қўювчига берилганлиги ҳам банк омонати шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи факт ҳисобланиши ва шартнома тузилганидаги ҳуқуқий оқибатларни юзага келтириш мумкин. Ана шундай ҳужжатлар қаторига омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки бошқа ҳужжатлар киритилиши мумкин. Шундай қимматли қоғоз саналувчи бланкларга қўйиладиган асосий техник талаблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган «Техник талаблар»да кўзда тутилган[1].

Амалдаги фуқаролик ва банк қонунчилиги жисмоний шахсларнинг ҳам, юридик шахсларнинг ҳам пул маблағларини омонатга жалб этиш мумкинлигини белгилайди ҳамда жисмоний шахслар пул маблағларини жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб қўяди. Бу хусусиятлар фуқаролар омонатларини ҳимоялашнинг махсус, қўшимча чоралари белгиланганлиги билан ажралиб туради.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда ўзбек сўмида ҳам, чет эл валютасида ҳам омонатлар қўйилиши ёки қабул қилиниши мумкинлиги назарда тутилади. Банк омонати шартномаси фуқаролик ҳуқуқий белгиларига кўра бир томонлама, реал ҳамда ҳақ баробарига тузиладиган шартномалардан саналади. Омонатчи жисмоний шахслар ўз пул маблағларини сақлашлик учун чекланмаган миқдорда омонат ҳисобларига эга бўлишлари мумкин.

Юридик шахслар томонидан депозит ҳисоб варақлари очиш ва маблағларни сақлаш тартиблари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 22 августда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 18 ноябрда 539-рақами билан қайд этилган

---

[1] Қаранг: «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1999 йил, 3-сон.

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб рақамлари тўғрисидаги йўриқнома»да белгилаб қўйилган[1].

Фуқаролик кодексининг 759-моддасида фуқаро омонатчи бўлган банк омонати шартномаси оммавий шартнома бўлиб ҳисобланиб, оммавий шартномага хос хусусиятлар фуқаролик кодексининг 358-моддасида санаб кўрсатилган ва унга мувофиқ жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган банк унга мурожаат қилувчи ҳар қандай фуқаролардан пулларни омонатга қабул қилиши лозим бўлади. Бунда банк қонунда бевосита кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари кимгадир афзаллик беришга, кимнингдир ҳуқуқларини чеклашга ҳақли бўлмайди, барча шахслар билан бир хил шартларда шартнома тузиши керак бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан банк омонати шартномаси тузиш пайтида ҳар иккала томон учун мажбурий бўлган қоидалар ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши мумкин. Қонун талабларига ва мазкур мажбурий қоидаларга зид келувчи шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битимлар бўлиб ҳисобланади. Банк омонатининг турлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 762-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда омонат талаб қилиниши биланоқ берилиши (талаб қилингунча сақланадиган омонат бўлса) лозим бўлган ҳамда омонатни шартномада белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш (муддатли омонат бўлса) лозим бўладиган омонатларга бўлинади.

Банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатчилар қўйиш ҳам (масалан, ютуқли, болалар учун ва ҳоказо) назарда тутилиши мумкин.

Муддатли ёки муддатсиз қўйилган омонатлар омонатчи томонидан ёки бошқа учинчи шахслар томонидан умумий қоидага кўра шартномада кўзда тугилган ҳолларда нақд пул топшириш ёки пул ўтказиш йўли билан тўлдирилиши мумкин. Шунингдек, омонатга қўйилган маблағлар омонатчининг талаби билан истаган пайтда қайтарилмоғи шарт. Бунда муддатли омонатлар белгиланган муддатидан аввал қайтариб олинганида уларга талаб қилиб олинадиган омонатлар учун белгиланган ставкаларда пасайтирилган фоизлар тўланиши кўзда тутилган.

Муддатли ёки муайян шарт назарда тутувчи омонат муддати тамом бўлгач ёки белгиланган шарт юз берганидан кейин ҳам қайтариб олинмаганлиги бундай омонатни талаб қилиб олинадиган (оддий) омонатга айланишига сабаб бўлади. Омонат

---

[1] Қаранг: «Банковские ведомости» ҳафталиги, 1998 йил, 50-сон.

шартномасида бошқача ҳол назарда тутилиши мумкин. Омонатчи вафот этган ҳолларда омонатни қайтариб олиш ёки қайта расмийлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади. Қўйилган барча омонатларга банк томонидан банк омонати шартномасида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўлайди.

Банк омонати шартномада махсус кўрсатиб қўйилган бўлса, талаб қилиб олингунича қўйилган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдори банк томонидан ўзгартирилиши мумкин. Банк фоизлари камайтирилган тақдирда, бу банк фоизларини камайтириши тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланилади. Ундан аввал қўйилган омонатларга нисбатан эса шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса омонатчи бу ҳақда ёзма хабардор қилинганидан кейин бир ой ўтгач қўлланилиши мумкин. Муддатли омонатлар учун тўланадиган фоиз ҳақлар шартномада бу ҳақда махсус кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари банк томонидан бир томонлама пасайтирилишига йўл қўйилмайди.

Банк қабул қилиб олган омонатини қайтарилишини таъминлаши шарт. Ушбу кафолатни амалга оширилиш воситалари ва усуллари қонунлар билан ҳамда банк омонати шартномасида назарда тутилади.

Банк томонидан омонатни қайтарилиши таъминланмаган, таъминотни йўқотган ёки ёмонлаштирилган банк омонатига тегишли фоизлар тўлашдан ташқари омонатчи кўрган барча зарарларни қоплаб бериши шарт. Қонунда учинчи шахс фойдасига омонат қўйилиш мумкинлиги назарда тутилган бўлиб, тегишли пул банкка келиб тушган пайтдан бошлаб у омонатчи ҳуқуқларига эга бўлади.

Омонат қўйилганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар омонат дафтарчаси ва омонат (депозит) сертификати бўлиб, уларнинг асосий белгилари ва хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 769-770-моддаларида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган.

2-§. Банк кредити шартномаси тушунчаси ва унинг мазмуни

Юқорида таъкидланганидек, кредит муносабатлари воситасида турли манбалар ҳисобига жамғарилган маблағлар иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни ҳал этишга жалб этилади, муайян халқ хўжалиги вазифалари ҳал этилади.

Кредит муносабатларини амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий шакли кредит шартномаси тузишдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасида мувофиқ:

«Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тараф — (қарз олувчи)га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномаси банк амалиётида банк ссудаси (қарзи) шартномаси деб ҳам юритилади.

Банк кредити шартномаси оддий қарз шартномасидан ўз субъектлари ва объектлари доираси билан фарқ қилади. Энг аввало, кредит шартномасида қарз берувчи бўлиб тегишли ваколатга (лицензияга) эга бўлган банклар ва бошқа кредит ташкилотлари (масалан, жамғармалар, суғурта ташкилотлари)гина қатнаша олиши мумкинлиги, иккинчидан, бу шартноманинг кредити фақат пул (ўзбек сўмларидаги ёки чет эл валютасидаги) маблағларигина бўлиши мумкинлиги қайд этилмоғи лозим.

Кредит шартномаси ҳақ баробарига, қайтарилиши шарти билан, олдиндан кафолатланиш йўли билан, мақсадли шаклда тузилади. У бир томонлама, реал тузилади. Томонлар келишувига кўра ёки қонунда бевосита кўрсатилган ҳолларда бу шартнома текин (фоиз олинмасдан) тузилиши ҳам мумкинлиги қонунда кўзда тутилган.

Фуқаролик кодексининг 745-моддасига кўра кредит шартномаси ёзма тузилиши шарт. Ёзма шартномага риоя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Кўпчилик ҳолларда ҳар иккала томон имзолайдиган ягона ҳужжат шаклидаги шартнома тузилади. Аммо айрим ҳолларда қарз олувчи бу ҳақда ёзма ариза ва ўз илтимосини асословчи ҳужжатлар (техник-иқтисодий асослар, бизнес режа) билан мурожаат қилиши мумкин. Банк ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни, кредит олиш шартларини, қарз олувчининг тўлов қобилияти, кредит олинаётган лойиҳа таваккалчилиги, олинадиган фойда ҳажми, кредит кафолатлари ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда кредит бериш ёки илтимосни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Айрим тармоқлар бўйича ёки айрим объектлар бўйича кредит билан таъминлашнинг ўзига хос қоидалари алоҳида меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 9 октябрда тасдиқланган 330-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан узоқ ва

ўрта муддатли кредит билан таъминлашни ташкил этиш қоидалари[1] «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» 2000 йил 7 мартда 907 тартиб рақами билан рўйхатга олинган. «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаш ва кредит билан таъминлаш тартиби»[2], «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-кувватлаш жамғармаси томонидан кредит линияси очилганида тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини кредит билан таъминлаш тартиби»[3] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа бир қатор манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар томонидан 1998 йил 20 июлда тасдиқланган «Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш тартиби» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 22 августда «Банкларга ломбард кредит бериш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланган.

Кредит берилиш усуллари, улар учун олинадиган фоиз ҳақ миқдори ва унинг тўланиши, кредитдан фойдаланиш тартиби, муддати келган кредитни қайтариш тартиблари, ўз вақтида қайтарилмаган кредит учун жавобгарлик чораларини қўлланилиши масалалари Фуқаролик кодексида, банк қонунчилигида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳамда кредит шартномасида белгилаб қўйилган.

Банк кредити берилиши пайтида унинг қайтарилишини таъминлаш чоралари (гаров, ипотека), уни қўллаш тартиб ва шакллари ҳамда оқибатлари ҳам амалдаги қонунчиликда назарда тутилган.

Ашёларни кредитга бериш ва тижорат кредити (муайян маҳсулот ёки иш учун пул тўлашни кечиктириб беришга оид масалалар) тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган.

---

[1] Қаранг: «Солиқ ва божхона хабарномаси» ҳафтаномаси, 2000 йил, 9-сон. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 882 рақам билан 8.02.2000 й.да рўйхатга олинган.

[2] Қаранг: Ўша манбаа, 1998 йил, 25-сон.

[3] Қаранг: «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1998 йил, 19-сон.

IX БОБ. БАНКЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Ўзбекистон Республикасида валюта ва валюта қонунчилиги тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан аввал Марказий Иттифоқ давлати монополияси саналиб келган ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта соҳасидаги муносабатларнинг мамлакатимизда тўла ҳажмда юзага келишига олиб келди.

Икки поғонали банк тизимининг ривожлана бориши, бозор муносабатларининг қарор топа бориши, чет эл жисмоний ва юридик шахслари билан алоқаларни кенг миқёсли тус олиши оқибатида валюта бозори ҳамда валюта сиёсатини шакллантириш энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Мамлакатимиз учун тамомила янгилик бўлган валюта муносабатларида давлат-жамият манфаатларини, фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, бу муносабатларни мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти мақсадларига хизмат қилдириш, чет эл валютаси муомаласининг пул-кредит тизимларимиз барқарорлигига салбий таъсир этишига йўл қўймаслик ва у билан боғлиқ салбий ҳолатлар юз беришининг олдини олиш ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди.

Валюта муносабатларини тартибга солиш ўз ичига валюта чеклашлари ва валюта назоратини олади. Валютани тартибга солиш чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширишга оид тартибларни белгилаш ва мамлакатнинг жаҳон бозорига қўшилишини таъминлашга қаратилган валюта сиёсатининг таркибий қисми, тадбирлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича мутахассисларнинг таъкидлашларича, валютани тартибга солиш бўйича жаҳон амалиётида турли йўналишлар таркиб топган бўлиб, улар ҳар бир мамлакатнинг тараққиётига ҳамда жаҳон иқтисодий жараёнларига интеграциялаша

олиш даражасига боғлиқ бўлади. Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларининг кўпчилиги ана шундай босқичларни босиб ўтишга тўғри келган[1].

Мамлакат миқёсида валютани тартибга солиш, энг аввало, мижозлар учун валюта ва бошқа валюта бойликлари билан боғлиқ банк операцияларини амалга оширилиши қоидалари бўлишини тақозо этади. Валютани тартибга солишнинг ҳуқуқий моҳияти ва мазмунини аниқлаш валюта ва валюта бойликлари тушунчасини билиб олиш билан боғлиқ.

Валюта ва валюта бойликлари тушунчаси меъёрий жиҳатдан белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида баён этилган «валюта бойликлари» тушунчаси қуйидаги тўрт турдаги валюта бойликларини назарда тутади:

1. Хорижий валюта «чет давлатларнинг муомалада бўлган ёки муомаладан чиқарилган аммо алмаштириб берилиши лозим бўлган, қонуний тўлов воситаси ҳисобланувчи банкнот кўринишидаги, хазина билетлари, танга-чақа шаклидаги пул белгилари, шунингдек, бир неча давлатлар гуруҳида қўлланиладиган тўлов воситалари чет эл валютасидир. Бундай пул белгиларининг муомалага киритилиши ёки муомаладан чиқарилиши тегишли давлат ёки давлатлар гуруҳи миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистонга валютанинг олиб келиниши республика Марказий банки томонидан 1993 йил 12 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасига резидентлар ва норезидентлар томонидан валюта бойликларини кўчириш, олиб кириш, жўнатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан чет элга кўчириш, олиб чиқиб кетиш, жўнатиш тартиби ҳақидаги йўриқнома» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги «Жисмоний шахслар томонидан чет эл нақд валютасини олиб кириш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солиш чоралари ҳақида»ги[3] Фармони асосида амалга оширилади.

Ушбу Фармонга мувофиқ хорижий валюта резидентлар томонидан 1500 АҚШ долларига тенг миқдорда ҳеч қандай тўсиқларсиз, ундан ортиқчаси эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки бош лицензияга эга ваколатли банк рухсатига кўра чет элга олиб чиқиб кетилиши мумкин. Норезидент-

---

[1] Қаранг: «Валютный рынок ... алютное регулирование», ўқув қўлланмаси, Москва, 1996 йил.

лар эса республика ҳудудига ўзлари қанча миқдорда хорижий валюта олиб кирган бўлсалар, шунча чет эл валютасини четга олиб чиқишлари мумкин. Резидентларга 10000 АҚШ долларига тенг ҳажмдаги чет эл валютасини олиб кириш ҳуқуқи берилган. Бундан ортиқ миқдордаги валюта учун белгиланган тартибда божхона декларацияси тўлдирилади ҳамда ортиқча сумманинг 1 фоизи миқдорида божхона божи олинади.

Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилаётган чет эл валютаси сохталигининг олдини олиш мақсадида Марказий банк белгиланган тартибда банк муассасалари томонидан экспертизадан ўтказилиши мумкин. Қалбаки чет эл валютаси аниқланган ҳолларда ваколатли органлар томонидан ҳам белгиланган тартибда текшириш ва тергов ишлари амалга оширилади.

2. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқалар), фонд қимматли қоғозлари (акциялар, облигациялар ва ҳоказолар), ҳам қонунларда белгиланган тартибда Ўзбекистондан олиб чиқилиши ёки олиб кирилиши мумкин;

3. Қимматбаҳо металлар ҳар қандай кўринишдаги олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи металлар. Шундай метал, улардан ишланган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари ҳамда уларнинг парчалари валюта бойлиги саналмайди, олиш-сотиш, гаров ва бошқа битимларнинг предмети бўлиши мумкин.

Банк амалиётида қимматбаҳо металлар фақат белгиланган шаклда ишлатилади. Улар махсус аффинаж заводлари томонидангина ишлаб чиқарилиши (қуйилиши) ва давлат пробир тамғаси билан тамғаланиб, банклар томонидан қуйма, прокат ёки порошок ҳолида фойдаланилади. Банклар кундалик фаолиятларида фойдаланиш учун тегишли Давлат стандартларида белгиланган оғирликлардаги қуймаларни қўллайдилар.

Қимматбаҳо металлар муайян қийматга эгалиги туфайли бу қиймат банк операцияларида қайд этилмоғи лозим. Уларнинг қийматини аниқлаш ва халқаро бозордаги баҳосини белгилашда муайян қийинчиликлар юзага келади. Бунинг учун қимматбаҳо металл массаси троян унцияларда ифодаланиши, трояи унцияси миқдори эса 1 унция учун белгиланган нархга кўпайтирилмоғи лозим. Лондоннинг «спот» бозорида олтин, платина ва паладийнинг нархи бир кунда икки марта (эргалаб ва кечқурун), ку-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солувчи асосий органдир. Марказий банк валютани тартибга солиш жараёнида миллий валюта – сўмнинг барқарорлигини таъминлаш, мамлакат валюта заҳираларини вужудга келтириш орқали республиканинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради. Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги функцияларни бажаради:

– миллий валюта барқарорлигини таъминлашга қаратилган валюта сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

– республикага валюта ресурслари оқиб келишини кучайтириш;

– валюта тушумларини республика бюджетига ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

– валюта муносабатларининг қонуний ва меъёрий асосини мустаҳкамлаш;

– Республика валюта заҳираларини юзага келтириш;

– ички валюта бозорини яратиш ва миллий валюта – сўмнинг конвертацияланишига эришиш;

– эксперт имкониятларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– самарали валюта назорати тизимларини жорий этиш ва бошқалар.

Валюта назоратини амалга оширувчи валюта операцияси иштирокчиларининг биринчи гурухга резидентлар бўлиб, уларга:

– Ўзбекистон худудида доимий яшовчи, шу жумладан, вақтинча яшамаётган жисмоний шахслар;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ташкил этилган ва шу ерда жойлашган юридик шахслар;

– Ўзбекистон қонунчилигига кўра ташкил этилган бўлмасада, Ўзбекистон худудида фаолият юритувчи юридик шахслар;

– Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ва бошқа расмий ваколатхоналари;

– Ўзбекистонда ташкил этилган ёки фаолият юритаётган юридик шахсларнинг республика худудидан ташқаридаги филиаллари ва ваколатхоналари.

Иккинчи гуруҳни «норезидентлар» ташкил этади ва улар жумласига:

– хорижда муқим яшаш жойи бўлган ва, шу жумладан, Ўзбекистонда вақтинча яшаб турган жисмоний шахслар;

– Ўзбекистон республикаси ташкарисида жойлашган бўлиб, хорижий давлатларнинг қонунларига мувофиқ ташкил этилган ва шу қонунлар асосида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг корхоналари ва ташкилотлари иштирокидаги юридик шахслар;

– Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлиб, иммунитетга ва дипломатик имтиёзларга эга бўлган чет эл дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ташкилотлар ва фирмаларнинг ваколатхоналари киради.

Резидентлар ҳам, норезидентлар ҳам валюта операцияларини амалга оширишга нисбатан муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўладилар, уларнинг қонунчиликка амал қилишлари, тегишли ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар юритишлари талаб этилади.

3-§. Валюта ҳисобварағи ва валюта билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш

Ўзбекистон Республикасида резидентлар учун чет эл валютасидаги ҳисобварақлар юридик шахснинг асосий сўм ҳисобварағи юритилган жойда ҳеч қандай тўсиқларсиз очилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра 1000 кишидан кўп ходимга эга бўлган корхоналарга 1999 йил 1 июндан бошлаб, 200 тагача ходимларга эга бўлган корхоналарга 1999 йил 1 декабрдан бошлаб, қолган корхоналарга эса 2000 йил 1 июлдан бошлаб ўзлари ҳисобда турган солиқ органларига маълум қилган ҳолда бир неча жойда банк ҳисобварақларига эга бўлиш ҳуқуқи берилмоқда[1].

Жисмоний шахслар чет эл валютасидаги омонатларга ҳеч бир чекловларсиз эга бўлишлари мумкин.

Юридик шахс саналувчи резидентлар ва норезидентларнинг чет эл валютасидаги ҳисоб варақлари чет эл валютасини ўз ҳудудидаги ҳаракатини назорат қилиши заруратидан келиб чиқадиган алоҳида хусусиятларга эга. Бундай хусусиятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– чет эл валютасидаги маблағлар ҳисобварағига келиб тушганда, унинг муайян қисми давлатга сотилиши лозим;

---

[1] Қаранг: «Халқ сўзи», 1999 йил 15 январь

– валюта ҳисобварағига келиб тушаётган маблағ қонуний манбага эга бўлиши керак;

– ҳисобварағидан чет эл валютасини ўчириш бўйича операциялар уларнинг мазмунига кўра белгиланган тартибда амалга оширилади.

Норезидент юридик шахсларга Ўзбекистонда валюта ва миллий валюта — сўмдаги ҳисобварақларининг очилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади[1]. Шунингдек, Ўзбекистон резидентлари бўлган юридик шахсларга чет эл банкларида ҳисобварағи очиш тартиблари ҳам Марказий банк томонидан белгиланади[2].

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки томонидан хорижий валютада ҳисоб ва бошқа операцияларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари белгилаб берилган[3].

Ўзбекистон Республикасида конвертациялаш, яъни миллий валюта — сўмни чет эл валютасига алмаштириш ишлари давлат иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш зарурияти, валюта заҳираларини сақлаб туриш эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда ҳамда сўмнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида белгиланган ҳукумат чора-тадбирлари доирасида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик талаблари ҳисобга олинган ҳолда иш юритилмоқда.

Ҳозирги пайтда чет эл валютасини конверсиялаш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республи-

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда тасдиқланган «Ваколатли банклар томонидан хорижий валютадаги ҳисобварағларини юритиш тартиби», Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 5 сентябрдаги баёни билан тасдиқланган «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасидаги ҳисобварақларини юргизиш тартиби».

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 июндаги 318-сонли «МДҲ давлатларида тижорат банклари томонидан корреспондентлик ҳисобварақларини, корхоналар томонидан субҳисобварақларини очиш тўғрисида»ги қарори.

[3] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 28 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби», 1998 йил 4 апрелдаги «Алмаштириш пунктлари тўғрисидаги Низом; 1998 йил 28 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан касса ишларини амалга ошириш тартиби».

каси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 октябрдаги 376 сонли «Республикада нақд чет эл валютаси муомаласини тартибга солишга оид чораларни амалга ошириш ҳақида»ги[1] ва 1996 йил 13 мартдаги 95-сонли «Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш пайтида чет эл валютасидан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чоралари ҳақида»ги ва бошқа қарорларида[2] кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари томонидан валютани тартибга солишга оид қонунчилик талаблари сўзсиз ва тўлиқ бажарилиши шарт.

Бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган тижорат банкларига нисбатан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган иқтисодий ва маъмурий жазо чоралари, шу жумладан, валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни қайтариб олишгача бўлган чоралар кўрилиши мумкин. Ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилган ёки уларга совуққонлик билан муносабатда бўлган ҳолда валюта қонунчилиги талабларининг бузилишига йўл қўйган банк раҳбарлари ва ходимлари қонунларда кўзда тутилган ҳуқуқий жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилган.

---

[1] Қаранг: «Томоженное законодательство Республики Узбекистан», Ташкент, 1998 г., с. 319.

[2] Қаранг: Ўша манба, 306-бет.

X БОБ. БАНКЛАР ТОМОНИДАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Банклар иштирокидаги қимматли қоғозлар операцияси тушунчаси, уларнинг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

Капиталнинг, биринчи навбатда пул маблағларининг мунтазам муомала жараёнида бўлиб, ўз эгасига фойда келтириб тури-ши, давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлиги бозор иқтисодининг энг асосий талабларидан биридир. Шу сабабли мамлакатимиз бозор муносабатларига қадам қўяр экан, аҳолининг пул жамғармаларини, юридик шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш, пул бозорида қимматли қоғозлар бозорини вужудга келтириш ҳамда унинг фаол ишлашини таъминлаш механизмларини яратиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Қимматли қоғозлар бозори бозор муносабатлари таркибий тузилишининг энг муҳим элементларидан бўлиб, ушбу бозор иқтисодий тараққиётни таъминлаш, жамият олдидаги улкан молиявий муаммоларни ҳал этиш жуда ҳам қийин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасига кўра: «Мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қимматли қоғозларнинг бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

Қимматли қоғозлар жумласига облигациялар, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификати, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради.

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш, бу бозор иштирокчилари ҳуқуқлар ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда кафолатлаш, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг масъулияти ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»[1]ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»[2]ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»[3]ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»[4]ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»[5]ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади[6].

Қимматли қоғозлар чиқаришнинг ҳуқуқий механизмлари юқоридаги қонунлар асосида функционал давлат бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 10 июлда 453-сонли қайднома билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон ҳудудида қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом»[7], Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 ноябрда 552-рақам билан рўйхатга олинган «Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилиши, улар муомаласи ва уларга хизмат қилиш тўғрисидаги Низом»[8] ва бошқалар шулар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банки муассасаларига «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширишга рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 26 апрелдаги 211-сонли «Қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар юзасидан тижорат банкларига тавсиялар» ишлаб чиқилган бўлиб,[9] унда ушбу соҳадаги

---

[1] Қаранг: «Ўзбекистоннинг янги қонунлари». Тўплам, Тошкент, «Адолат», 1995 йил, 9-қисм.

[2] Ўша манба, 13-қисм.

[3] Ўша манба, 73 бет.

[4] Ўша манба, 3-бет.

[5] «Халқ сўзи», 1999 йил, 12 январь, 7-сон.

[6] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонуни «Халқ сўзи», 1998 йил 22 сентябрь, 189 сон (1998 йил 29 августда қабул қилинган).

[7] «Хусусий мулк» ҳафталиги, 1998 йил, 50-сон.

[8] «Банк ахборотномаси», 1999 йил, 2-сон.

[9] Қаранг: «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил, 34-сон.

операциялар ва уларни амалга ошириш тартиблари баён этилган.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар билан боғлиқ қуйидаги операцияларни амалга оширишлари мумкин:

– қимматли қоғозлар (векселлар, акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқалар) чиқариш (эмиссия қилиш);

– қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, сақлаш ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа операцияларни амалга ошириш;

– маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ равишда юзага келувчи талаб қилиш ҳуқуқларини олиши, бундай талабларни бажариш таваккалчилигини ўз зиммасига олиши ва уларни инкассациялаши;

– ишончли бошқариш (траст) операцияси хизматларини кўрсатиши: қимматли қоғозларни жалб этиши ва жойлаштирилиши,, мижоз топшириғига кўра бошқа операцияларни адо этиши;

– қимматли қоғозларга оид банк операциялари юзасидан маслаҳат хизмати кўрсатиш.

Банклар қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчилар – инвестиция институтлари сифатида иштирок этиб, у ерда тадбиркорликнинг қуйидаги турлари билан шуғулланишлари мумкин:

– эмиссия фаолияти;

– брокерлик фаолияти;

– дилерлик фаолияти;

– қимматли қоғозлар ва улар билан боғлиқ пул маблағларини ўгказиш бўйича ҳисоб-клиринг, депозитар фаолияти;

– акционерлар ва бошқа қимматли қоғоз эгалари реестрларини юритиш ва сақлаш фаолияти;

– қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш фаолияти;

– траст операциялари;

– инкассо фаолияти;

– маслаҳат фаолияти ва бошқалар.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида юритилаётган сиёсатга мувофиқ равишда амалга ошириладиган операцияларини танлаб олади. Бунда тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида иштирок этишдан бир қатор мақсадларни кўзлаши мумкин. Улар жумласига:

– қимматли қоғозлар чиқариш орқали кредит фаолияти учун қўшимча маблағлар жалб этиш;

– мижозларга қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар орқали хизмат кўрсатишда фойда олиш;

– қимматли қоғозлар орқали камёб молиявий ресурсларни кўлга киритиш ва бошқалар киритилиши мумкин.

Тижорат банклари белгиланган тартибда олинган умумий банк лицензияси асосида қимматли қоғозлар бозорида қатнашишлари мумкин ва бунинг учун қўшимча, махсус лицензия олиш талаб этилмайди. Фақат қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бевосита амалга оширувчи банк мутахассислари Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ва «Тошкент» фонд биржаси томонидан ташкил этилган «Қимматли қоғозлар операцияси» бўйича курсларни ўгашлари ва фонд бозори мутахассиси малака аттестатини олишлари лозим.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида иштирок этишининг айрим шаклларини батафсилроқ кўриб ўгайлик.

I. Инвестиция компанияси сифатидаги фаолият. Инвестиция компанияси ҳисобланувчи тижорат банки:

– қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни кафолатлаш юзасидан;

– қимматли қоғозларга маблағ сарфлаш;

– қимматли қоғозларни дилер сифатида савдо-сотиқ қилиш бўйича ихтисослашган корхона ҳисобланади.

Банк мижоз учун қимматли қоғозлар эмиссияси билан шуғулланганда воситачи сифатида қуйидагича ҳаракат қилади:

1-босқич – эмиссияга тайёргарлик кўриш;

2-босқич – қимматли қоғозни эмитентдан қабул қилиб ёки сотиб олиш;

3-босқич – қимматли қоғозларни инвесторлар орасида жойлаштириш.

II. Траст операциялари. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 849-моддасига кўра «мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади. Иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончи бошқарувчига ўтишига олиб келмайди».

Траст ўз ичига мижознинг қимматли қоғозлар портфели ёки унинг бир қисмини бошқариш, акциялар, векселлар, давлат қимматли қоғозлари ва бошқаларни олиши мумкин. Ишончли бошқарувчи (трассант)нинг мустақиллиги даражасига кўра тўла вакиллик ва агент сифатидаги вакиллик ўзаро фарқланади.

Тўла вакилликда банк ўз мижози номидан ва ундан олдиндан розилик олмасдан ҳар қандай операцияларни амалга ошириши мумкин бўлади.

Агент вазифасини бажарганида эса ҳар бир ҳаракат олдиндан трассант билан келишиб олиниши талаб этилади. Ишончли бошқариш билан боғлиқ ҳолдаги банк ва унинг мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 849-861-моддаларида белгилаб қўйилган.

III. Депозитарлик фаолияти. Тижорат банклари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 4-модцаси, фуқаролик кодексининг 896-моддаси ва бошқа қонун ҳужжатларига кўра бойликларни, шу жумладан, қимматли қоғозларни омонат сақлаши мумкин.

Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларнинг ҳисоб-китобини олиб бориш ва сақлаш мижоз билан ўзаро тузилган шартномага мувофиқ тарзда амалга оширилади. Улар умумий банк лицензияси асосида депозитар фаолият билан шуғулланадилар ва бу фаолият давомида қимматли қоғозларни ҳисобга олиб бориш ва сақлашдан ташқари уларни ўтказиш, сотиш ва сотиб олиши, бухгалтерия ҳисоб-китобини тўғри юритилишини кузатиб бориш ва бошқа операцияларни ҳам рўёбга чиқариш мумкин.

Банк депозитарий сифатида асосан уч турдаги операциялар:

– маъмурий операциялар;

– бухгалтерлик операциялари;

– ахборотлар билан боғлиқ операцияларни бажаради.

IV. Брокерлик фаолияти. Тижорат банклари ўз мижозлари топшириғига кўра қимматли қоғозларни сотиш, сотиб олиши, яъни комиссионер сифатида иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Фуқаролик кодексининг 832–848-моддалари, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги,

«Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатлари бу соҳадаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосларидир.

Тижорат банки брокер сифатида ўз мижози билан воситачилик шартномаси ҳамда ушбу асосга таянгани ҳолда учинчи шахслар билан қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш шартномасини тузиши мумкин. Қимматли қоғозлар савдосида брокерлик вазифасини бажариш, мижозлар билан бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солиш, топшириқ, унинг мазмуни ва ижро этилиш тартиблари қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган бўлиб, банк мижоз талабини биржага ўтказишдан аввал уни текшириб кўриши шарт.

V. Маслаҳат хизматига оид фаолият. Тижорат банклари мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ қимматли қоғозларни муомалага чиқариш юзасидан маслаҳат беради ва мижозга қуйидаги хизматлар кўрсатиши мумкин:

– қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш ва унинг истиқболи ҳақида ахборот бериш;

– ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

– касбий тайёрлашга ёрдамлашиш;

– қимматли қоғозлар баҳосини аниқлаб бериш;

– ахборот хизмати кўрсатиш.

Банк маслаҳат хизмати кўпроқ фойда олишга, таваккалчиликнинг асосли бўлишига, зарар юз беришининг олдини олишга хизмат қилади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида ишгирок этиши мамлакат иқтисодий тараққиётига, бозор муносабатларининг мамлакатимизда самарали жорий этилишига хизмат қилади.

XI БОБ. БАНК ТОМОНИДАН ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА КЎРСАТИЛАДИГАН БОШҚА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР

Тижорат банклари молия ва пул бозорида ўз мижозлари бўлган юридик ҳамда жисмоний шахсларга турли-туман қўшимча хизматлар кўрсатадилар. Бундай хизматлар кўрсатилиши банк муассасаларига муайян фойда олишни, унинг мижозлари бўлмиш юридик шахсларга эса молиявий барқарорликни ва ўз лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди.

Бозор муносабатларининг ривожлана ва чуқурлаша бориши билан банкларнинг молиявий мақомлари ҳам мустаҳкамлана боради ҳамда улар томонидан ўз мижозларига кўрсатиладиган хизмат турлари ҳам хилма-хил бўла боради. Ушбу бобда халқаро банк-молия амалиётида кенг қўлланиладиган, бизнинг мамлакатимиздаги молиявий муносабатларда ҳам тобора русум бўлиб бораётган банк хизматларининг кафолат, суғурта, лизинг, гаров каби айрим қўшимча турлари ҳақида маълумот берилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситалари сифатида гаров, кафолат назарда тутилган бўлиб, банк хизмати кўрсатишга оид муносабатларда банк муассасалари бошқа юридик ва жисмоний шахсларга кредит берганларида кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида ҳам, шунингдек, учинчи шахслар ўртасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда воситачи шахс сифатида ҳам ушбу фуқаролик-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланилади.

Кафиллик (поручительство). Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ: «кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредиторлари олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади».

Кафилликнинг таъминловчи кучи мажбуриятнинг бажарилишига қарздорнинг бевосита ўзидан ташқари бошқа шахсларни, жумладан, банкларни ҳам жалб этилиши мумкинлигида намоён бўлади. Кафиллик шартномаси одатда ҳақ эвазига тузилади ва банк юридик шахсларнинг бошқа шахслар олдидаги мажбуриятлари юзасидан кафилликни ўз зиммасига олганида ўзаро белгиланган миқдорда фоиз ҳақ олади.

Кафил кафилликка олинган шахс мажбуриятлари юзасидан у билан тенг жавоб беради ҳамда қарздор билдириши мумкин бўлган ҳар қандай эътирозларни баён этиши, асоссиз талаблардан ҳимояланиши мумкин.

Мажбурият кафилликка олган шахс (банк) томонидан адо этилганида кредиторнинг барча ҳуқуқларини қўлга киритади ва қарздордан (кафилликка олинган шахсдан) мажбуриятни ижро этилишини талаб қилиши мумкин бўлади. Кафиллик билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан адо этилгани тақдирда қарздор бу ҳақда кафилни хабардор қилиши шарт ҳисобланади. Кафиллик мажбуриятнинг бажарилиши билан, шунингдек, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, мажбурият ҳажмининг ортиб кетиши туфайли ҳам бекор бўлиши мумкин. Одатда кафил шартномадан бир томонлама воз кечишга ҳақли эмас, аммо белгиланган кафиллик муддатининг тамом бўлиши билан бу шартнома бекор бўлиши мумкин.

Кафолат (гарантия) ҳам мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора бўлиб, Фуқаролик кодексининг 299-моддасига кўра, «кафолатга биноан банк бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (гарант) бошқа шахс (принципиал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципиалнинг кредитори (бенифециар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаши ҳақида принципиалга ёзма мажбурият беради».

Кафолат берилганлиги учун принципиал кафилга ҳақ тўлайди. Кафолат берилган кунидан кучга киради ва унинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас.

Мажбурият принципиал томонидан белгиланган муддатда тўла ёки қисман ижро этилмагани тақдирда бенифициар ўз талабларини зарур ҳужжатларни илова қилгани ҳолда кафилга билдириши ва, мажбуриятини бажаришни талаб қилиши мумкин. Кафил бундай талаб ва тақдим этилган ҳужжатлар ҳақида

принципиални дарҳол хабардор қилиши, талабни ўзаро белгиланган муддатларда кўриб чиқиши лозим. Банифициар олдида мажбуриятни ижро этган кафил принципиалга нисбатан регресс даъво қўзғатиши ва ижренинг ўзига қайтарилишини талаб қилиши мумкин.

Кафолат қонунда ёки шартномада кўзда тутилган асосларга кўра бекор бўлади. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 309-моддасига кўра, «кафилнинг кафолат бўйича бенифициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

– кафолат берилган сумма бенифициарга тўланганида;

– кафолатда белгиланган муддат тамом бўлиши билан;

– бенифициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;

– бенифициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

Ўзбекистон Республикаси тергов ва суд амалиётида тижорат банкларининг раҳбарлари, айрим мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, турли фирма ва компанияларга ғайриқонуний кафолат бериш ҳоллари учраб турибди. Бундай ҳолларда мансабдор шахси содир этган жиноят туфайли қонунга хилоф тарзда берилган кафиллик учун банк мажбуриятни ўташ бурчидан озод этилмоғи лозим.

Суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги қонуни 2-моддасига кўра, «суғурта – инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодисалар ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир»[1].

Маълумки, ҳар бир мулкдор ёки мулкни сақловчи унинг тўла сақланишидан манфаатдор бўлиб, бу манфаатдорлик даражаси мулк қийматига мутаносиб ҳисобланади. Омонатчилар маблағларини жамловчи ва сақловчи банк муассасалари ҳам бу

---

[1] Қаранг: «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», тўплам, Тошкент, «Адолат», 1994 йил, 8-сон, 38-бет.

маблағларни турли тасодифий ҳодисалар: табиий офат, ёнғин, босқинчилик, ходимлар хатоси ёки суиистеъмолларидан ҳимоя қилинишидан бевосита манфаатдордир. Банкнинг барқарор фаолият юритиши, турли тасодифий ҳодисалардан ҳимоя қилинишидан бевосита манфаатдордир. Банкнинг барқарор фаолият юритиши, турли тасодифий ҳодисалардан ҳимояланиши усулларидан бири ишончли ҳамда малакали суғурта компаниялари томонидан суғурталанишидир. Суғурталаш механизми банк фаолияти давомида юз бериши мумкин бўлган тасодифий ҳодисалар учун бутун масъулиятни суғурталовчи зиммасига юклаш имконини беради.

Бугунги кунда банклар томонидан ўз мол-мулклари (бинолар, хоналар, автотранспорт воситалари, электрон-ҳисоблаш техникалари (компьютерлар) ва бошқа мулклар), кассадаги нақд пуллар, банкда сақланаётган қимматбаҳо буюмлар, банк гаровга олган ашёлар, инкассация хизматини ва бошқа объектларни суғурталаш тобора кенг тарқалиб бормоқда.

Фуқаролик кодексининг 915-моддасида мулкий суғурта шартномаси тарифи берилган. Унга кўра, мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Суғурталаш қоидалари одатда суғурта компаниялари томонидан ўз мижозларига тақдим этилади ҳамда бу қоидаларда суғурта шартномаси мазмунига оид барча талаблар назарда тутилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланиб, Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 29 апрелда 35-тартиб рақами билан қайд этилган «Гаровга қўйилган мулкларни мажбурий суғурталаш юзасидан йўриқнома»[1]да суғурталанувчи ва суғурталовчининг ўзаро ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, суғурталовчи жавобгарлигининг юз бериши шартла-

---

[1] Қаранг: «Банк ахборотномаси, 1997 йил, 34-сон.

ри, ҳажми, зарар ўрнини қоплаб бериш тартиблари ва бошқа ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган.

Банк фаолиятида, айниқса, олинган кредитнинг қайтарилишини суғурталаш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш пайтида мижозлар томонидан бундай кредитларни қайтарилишини таъминлаш мақсадида суғурталанишни амалга оширилишига эришиш банкларнинг муҳим вазифаларидан бири саналади. Бундай суғуртага оид назарий ва амалий масалалар матбуотда ёритиб борилмоқда[1].

Лизинг хизмати (молия ижараси) бозор инфратузилмаларининг таркибий элементларидан бири бўлиб, капитал оборотини тезлаштириш, фойда олиш, ишлаб чиқишни ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришларича, Ғарб мамлакатлари томонидан инвестиция мақсадларида сарфланадиган маблағларнинг 36 фоизи лизинг (молиявий ижара) ҳисобланар экан[2].

Мамлакатимизда молия бозорининг ривожланиши билан лизинг хизмати ҳам кенг йўлга қўйила бошланди ва натижада корхоналар унинг ёрдамида йирик иқтисодий лойиҳаларни рўёбга чиқариш имкониятини, банклар эса вақтинча бўш маблағларини муомалага киритиб фойда олиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни ва «Лизинг тўғрисида»ги қонун бошқа қонунлар лизингнинг ҳуқуқий асоси саналади.

Фуқаролик кодексининг 587-моддасига кўра, «лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан ишлаб чиқарувчи (юлувчи) учинчи тараф билан ундан ўз маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 29 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби»[3]га мувофиқ лизинг шартномаси молиявий барқарор (ишончли) юри-

---

[1] М. Мирсодиқов. «Кредитнинг қайтарилиши юзасидан қарздор жавобгарлигини суғурталаниши»: «Частное собственность», 1998, №4.

[2] Қаранг: Х. Нурмуродов. «Лизинг: выгодно банку и предпринимателью»: «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил 25-26-сон.

[3] Қаранг: «Банк ахборотномаси» ҳафтаномаси, 1997 йил, 26-сон.

дик шахслар билан қўйилаётган маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш, муддатлилик, ҳақ олиниши тамойилларига амал қилинган ҳолда тузилиши, лизинг олувчи лизинг объекти бўлган мулкни шартнома муддати тугагач ёки муддатидан олдин сотиб олиши мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Шунингдек, ушбу «Тартиб»да лизинг объектлари, унинг субъектлари доираси ҳам белгилаб қўйилган.

Лизинг шартномаси тузиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

I. Банк томонидан лизинг берилиши ҳақида аризанинг қабул қилиниши ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб бориш;

II. Лизинг олувчининг молиявий барқарорлиги, тўловга қобилиятлилиги ҳақида хулоса ва у илгари сураётган лойиҳа самарадорлигини аниқлаш;

III. Лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш;

IV. Сотувчига мулкни тайёрлаш ва жўнатиш ҳақида буюртма юбориш;

V. Лизинг предметини олиш-сотиш шартномасини тузиш;

VI. Лизингга олинган ускуналарни ўрнатиш ва ундан фойдаланишни бошлаш;

VII. Лизинг олувчи билан суғурта компанияси ўртасида лизинг объекти бўлган ускунани суғурталаш тўғрисида шартнома тузиш.

Ушбу ҳаракатларнинг амалга оширилиш тартиблари томонлар ўртасида тузилган шартномада меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаб қўйилган.

Лизинг шартномаси қатнашчиси бўлган лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчиларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Фуқаролик кодексининг 590-599-моддаларида, «Лизинг тўғрисида»ги қонун, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби» ва томонлар ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган.

Тижорат банклари амалиётида лизинг операцияларининг амалга оширилиш тажрибалари, бу операцияларни амалга ошириш механизмлари ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари тўғрисида матбуотда бир қатор илмий мақолалар эълон қилинган[1].

Лизинг операцияларидан кенг фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини тезлаштиришнинг муҳим шартидир.

---

[1] Қаранг: Е. Мезенцев. «Лизинговая операция и этапы ее проведения», «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил, 34-сон; Е. Мезенцев, Д. Жолдасова. «Анализ кредитоспособности лизингополучателя»: «Банковские ведомости», 1997 йил, 35-сон. Х. Нурмуратов. «Лизинг: выгодно и банку, и предпринимателю»: «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил, 25-26-сон ва бошқалар.

XII БОБ. БАНК АХБОРОТИ ВА БАНК СИРИНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Банк операцияларини амалга ошириш, банк фаолияти билан шуғулланиш, банк битимлари тузиш одатда жуда катта иқтисодий ва молиявий қимматга эга бўлган ахборотларни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишдан иборат.

Зарур ахборотларга эҳтиёж мижозда банкни танлаш, банкда эса мижоз билан алоқа ўрнатиш пайтида пайдо бўлади. Банклар фаолиятини назорат қилувчи органларда банкни рўйхатга олиш пайтида ҳам, улар фаолият юритиб турган даврда ахборотлар олиш зарурати юзага келади. Бу ҳолатлар ахборотларни олиш, уларни текшириш ва баҳолаш соҳасида иқтисодий ёки техникавий масалаларнигина эмас, балки ҳуқуқий муаммоларни ҳам илгари суради.

Банк ахборотлари муайян талабларга жавоб берадиган маълумотлар йиғиндиси бўлиб, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– банк таъсис ҳужжатлари ва ҳисоботлари;

– банкка раҳбарлик қилиш ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳақидаги маълумотлар;

– банк ходимлари ҳақидаги маълумотлар;

– банк хизмати кўрсатиш турлари ва шакллари ҳақидаги маълумотлар;

– банк хизматлари кўрсатиш ва унга ҳақ олишга оид ахборотлар;

– мижозлари сони ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

– Мижозлар ҳисобварағи орқали амалга оширилган операциялар ҳақидаги ахборотлар;

– банкнинг корреспондентлик алоқалари ҳақидаги маълумотлар;

– банк техник жиҳозланиши, ички тузилиши, архитектурасига оид маълумотлар ва бошқа банк фаолиятига алоқадор ҳар қандай маълумотлар.

Банк ахбороти ҳисобланувчи ахборотларнинг гўла рўйхатини амалда санаб чиқиш мумкин эмас. Банк ахборотларининг айримлари ошкора эълон қилинади (баланс ва ҳисоботлари), бошқалари эса банк обрў-эътиборига дахлдор бўлиб, банкнинг номулкий ҳуқуқлари сифатида ҳар томонлама муҳофаза этилади. Банкнинг мавқеини белгилаш пайтида у ҳақдаги ахборотлар умумлаштирилади ва таҳлил этилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари рейтинг тизими ва унда ҳар бир банк эгаллаган мавқеи ана шу асосда белгиланмоқда.

Тижорат банки муассасалари томонидан банк ахборотларини тўплаш, жамғариш, қайта ишлаш, узатиш, қўллаш, рухсат этилмаган танишувдан сақланишга оид, ахборотлар билан боғлиқ равишда бошқа юридик ва жисмоний шахслар, давлат, жамоат органлари билан бўладиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги,[1] 1997 йил 24 апрелдаги «Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида»ги[2], «Банклар ва банк фаолияти ҳақида»ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий ва тижорат банкларининг тижорат сирлари ҳақида»ги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, банк ахборотларини ҳимоялаш қоидалари унда белгиланган[3].

Банк ахборотларини тўплаш, сақлаш ва муҳофаза қилиниши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, бундан асосий мақсад бундай ахборотларни рухсат этилмаган ҳолда тўплаш ва тарқатиш орқали банклар молиявий фаолиятига зарар етказилишининг олдини олишдан иборат. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 29 апрелда 216-сонли қарор билан «Ахборотларни муҳофаза қилиш, ахборотлаштириш ҳудудий марказларида, Бош ахборот марказларида ахборотларнинг сақланиши учун мансабдор шахслар жавобгарлиги қоидалари» тасдиқланган бўлиб, унда ахборотларни сақлаш ва муҳофаза қилишнинг аниқ техник ҳамда ҳуқуқий механизмлари белгилаб қўйилган[4].

---

[1] Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Тошкент, «Адолат», 1994 йил, 8-сон.
[2] Қаранг: «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Тошкент, «Адолат», 1997 йил, 16-сон.
[3] Қаранг: «Налоговые и таможенные вести». 1999 й., №41.
[4] Қаранг: «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил, 37-сон.

Банк сири банк ахборотларини муҳофазалашнинг махсус режими бўлиб, бу режимнинг белгиланиши банк учун ва банк мижози бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун ўта муҳим аҳамият касб этувчи маълумотларни ҳимоялаш бўйича қўшимча, кучайтирилган чоралар кўрилишини тақозо этади.

Банк сири моҳияти жиҳатидан корхона ва ташкилотлар тижорат сирларининг бир кўриниши бўлса-да, бошқа тижорат сирларидан фарқли ўлароқ унинг эгаси томонидан эмас, балки қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилган. Жумладан, «Банклар ва банк фалияти тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасида айтилишига кўра: «Банклар ва ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг мижозлари ва вакилларнинг банк операциялари, ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судлар, жиноий иш қўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига, мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсаларни хатлаш, уларга нисбатан ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда уларга доир маълумотномалар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса – чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. «Банклар ўз мижозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солиқ тўловларини тўлиқ

ва тўғри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига биноан тақдим этадилар».

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, банк сири саналувчи ахборотлар доираси, уларнинг сақланиш тартиби ва банк сири саналувчи маълумотлар билан таниш бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси бевосита қонун билан белгилаб қўйилган бўлиб, бу нарса банк сирини бошқа сирлардан, хусусан тижорат сири тергов ва суриштирув сири, бошқа молиявий сирлардан фарқ қилувчи хусусиятларини белгилаб беради. Банк сири саналувчи маълумотларни давлат органларига, хусусан суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларига, солиқ ҳамда божхона органларига, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа органларга тақдим этиш асослари ва тартиблари қонун ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилган ҳамда амалдаги тартибларга хилоф равишда маълумот олишга уриниш қонун билан қатъиян тақиқланган.

Банк фаолиятига тааллуқли ахборотлар, банк сири саналувчи маълумотлар эса алоҳида аҳамиятга эга бўлган интеллектуал мулк-бойлик бўлиб, бундай мулкий ҳуқуққа ҳар қандай тажовуз қилиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ қаттиқ таъқиб этилади. Рухсат этилмаган тарзда банк ахборотларини, айниқса, банк сири саналувчи ахборотларни олишга, тўплашга, уларни узатишга, улардан фойдаланишга уриниш, бу ахборотлар билан мулоқотда бўладиган банк хизматчилари, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан қасддан ёки эҳтиётсизлик билан бундай ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилиши айбдор шахсларнинг тегишли ҳуқуқий жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46-моддасида тижорат сирларини ошкор қилганлик учун жарима солиш йўли билан маъмурий жазо қўлланилиши айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 143-моддасида (хат-ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузганлик), 174-моддасида (ахборотлаштириш қоидаларини бузиш), 181-модда (банкротликни яшириш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), ахборотлар билан боғлиқ равишда содир этилган жиноятлар учун

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилган.

Банк фаолиятига оид ёпиқ ахборотларни ва банк сири саналувчи маълумотларни қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли ошкор этганлик, бу маълумотларни қонунга хилоф равишда тўплаганлик, узатганлик, фойдаланганлик туфайли банк муассасасига етказилган мулкий ва маънавий зарар ўрнини айбдор шахслардан ундириб берилиши кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 64-бобида (1095-1097-моддалар) ошкор этилмайдиган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий чоралари ва механизмлари белгиланган бўлиб, бундай ахборотларнинг ошкор бўлишида айбдор бўлган шахслар ахборот эгасига шундай ҳаракатлари туфайли етказилган мулкий зарарни ҳамда маънавий зиён ўрнини қоплаб беришлари зарурлиги белгилаб қўйилган. Агар бундай ахборотлар банк муассасаси хизматчисининг айби билан ошкор этилган ва шу туфайли зарар етказилган бўлса, бундай ходим Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202-моддаси, 6-банди) мувофиқ иш берувчи олдида тўлиқ ҳажмда моддий жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Мамлакатимизда бозор иқтисодининг қарор топиши бозор муносабатларига асосланган жамиятларда амал қилувчи қоидаларнинг тўла ҳажмда жорий этилишини тақозо этади. Ривожланган мамлакатларда ахборотлар ҳам тўлақонли товар сифатида баҳоланади, ахборот бозори мавжуд ва шунга мос равишда ҳар қандай мулк сингари ахборотларни ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий ҳамда бошқа чоралари кўрилмоғи шарт.

XIII БОБ. БАНК ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Банк фаолияти иштирокчилари бўлган банклар ҳамда уларнинг мижозлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунлар билан кафолатланган. Бундай ҳимоя қилиш усуллари ва механизмлари Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги[1], «Нотариат тўғрисида»ги[2] ва бошқа қонунларда белгиланган.

1-§. Банк фаолиятига оид ҳуқуқларни суд тартибида ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасида ҳамда «Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси»нинг 1-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Тижорат банки муассасалари томонидан ҳам хўжалик ёки бошқача муносабатдаги юридик шахсларга нисбатан мулкий ёки бошқа турдаги даъво ишлари қўзғатилиши мумкин.

Бундай даъволар «Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси»нинг[3] 112-моддасида кўрсатилган шаклда ва тартибда, низонинг судланиш даражасига амал қилинган ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган давлат божини олдиндан тўлаган ҳолда қўзғатилади. Қўзғатилган даъво асосидаги хўжалик низосини кўриб ҳал қилиш муддатлари, тартиблари, улар юзасидан ҳал қилув қарори ёки ажрим чиқариш, уларни ижро қилиш тартиблари мазкур кодексда кўрсатиб қўйилган.

---

[1] «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Тошкент, «Адолат», 1995 йил, 9-сон.
[2] «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», Тошкент, «Адолат», 1997 йил, 15-сон.
[3] «Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси. Тошкент, «Адолат», 1998 йил.

Хўжалик суллари амалиётини таҳлил қилиш натижаларининг кўрсатишича хўжалик судларида тижорат банклари кўпчилик ҳолларда даъвогар сифатида, айрим пайтларда эса жавобгар сифатида ҳам иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 1996 йил 11 июлдаги «Банклар иштирокида хўжалик низоларини кўриш амалиёти ва банк муассасалари томонидан хўжалик судлари ҳал қилув қарорлари ва қарорларининг ижро этилишини умумлаштириш материаллари тўғрисида»ги қарори»да[1] кўрсатилганидек: «Суд амалиётини ўргаиш шуни кўрсатдики, банклар билан корхона ва ташкилотлар ўртасидаги низоларнинг аксарияти кредит суммасининг ўз вақтида қайтарилмаганлигидан келиб чиқадиган низолар ташкил этган. Банклар ўз навбатида шартнома мажбуриятларини тегишлича бажармаганликлари учун жавобгарликка тортилган. Бундан ташқари, банклар суд қарорларини ўз вақтида бажармаганлиги учун ҳам жавобгар тариқасида ишга жалб қилинган.

Банкларнинг даъволари асосида кўрилган ишлар таҳлили уларнинг қонун ҳужжатларини яхши билмасликларини кўрсатмоқда».

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши муносабати билан[2] тижорат банклари кредит олиб ўз вақтида қайтаришни уддалай олмаётган хўжалик юритувчи субъектларни банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги даъво аризалари билан тез-тез хўжалик судларига мурожаат қилмоқдалар. 1998 йилнинг ўн бир ойи давомидагина 280 дан ортиқ корхоналар банкрот деб эълон қилинди. Банкротликка оид ишларни қўзғаш тартибига оид маслаҳатлар матбуотда эълон қилиб борилмоқда[3].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Республика Олий хўжалик суди ҳамда Республика давлат солиқ комитети билан биргаликда 1997 йил 11 февралда «Хўжалиқ судлари ҳал қилув қарорларини солиқ органлари ва банклар томонидан ижро қилиниш Тартиби» тасдиқланган бўлиб[4], суд қарорларини ижро қилишга оид қоидалар хўжалик процессуал кодексининг бевосита ўзида ҳам батафсил баён этилгандир.

---

[1] Қаранг: «Хўжалик ва ҳуқуқ». 1996 йил, 8-9 сон, 11-бет.

[2] Қаранг: «Халқ сўзи», 1998 йил 29-сентябр, 193-б.

[3] Ф. Отахонов. «Возбуждение производства по делу о банкротстве». «Банковские ведомости», 1999 г., №4. Шунингдек, «Банковские ведомости» ҳафтаномасининг 1998 йил 1, 2, 6 ҳамда 11-сонларига қаралсин.

[4] Қаранг: «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил, 37- сон.

2-§. Банк фаолияти субъектлари ҳуқуқларини нотариал тартибда ҳимоя қилиш

Нотариат деганда жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида аниқ ҳуқуқлар ва фактлар мавжудлигини тасдиқлаш, ҳужжатлар, улардан кўчирмаларни гувоҳлантириш, ҳужжатларга ижро ҳужжати кучини бериш ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар тизимлари тушунилади. Нотариал ҳаракатларни давлат номидан амалга ошириш ваколати давлат нотариал идораларида, хусусий тартибда нотариус бўлиб ишловчи нотариуслар, шунингдек ижроия ҳокимиятнинг тегишли мансабдор шахслари, консуллик муассасаларига берилган[1].

Банк муассасалари амалиётида нотариал ҳаракатларнинг айрим турлари учраб туради. Банк ҳисобварағи шартномаси тузиш пайтида кредитларни тасарруф эта оладиган мансабдор шахслар имзолари намуналари нотариал гувоҳлантирилиши лозим. Банк ходими нотариал ҳаракатларни амалга оширилишига оид бўлган асосий қоидалар билан таниш бўлишлари лозим.

Нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига оид асосий қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Бошқа ҳуқуқ-тартибот органларидан фарқли равишда нотариуслар ваколати қаттиқ чегараланмаган бўлиб, улар яшаш жойи ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай бичимларини тасдиқлашлари мумкин бўлиб, айрим чеклашлар «Нотариал тўғрисида»ги қонуннинг бевосита ўзида кўрсатиб қўйилган бўлиши мумкин.

2. Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар ва хусусий тартибда нотариуслик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ваколатлари айрим истиснолар эътиборга олинмаганда ўзаро тенгдир.

3. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар доираси анча тор бўлса-да, улар томонидан ҳам банк муассасаларига оид айрим нотариал ҳаракатлар қилиниши мумкин.

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1997 й., 2-сон, 42-модда. «Ўзбекистон Республикасининг консуллик устави»: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1996 йил, 9-сон, 124-модда.

4. Васиятнома ва ваколатнома нотариуслардан ташқари бир қатор мансабдор шахслар (шифохона бош врачи, жазони ижро этиш муассасалари бошлиғи, экспедиция бошлиғи, консуллик муассасалари ва бошқалар) томонидан ҳам қонунда белгилаб қўйилган тартибда тасдиқланиши мумкин ва улар ҳам нотариал гувоҳлантирилган васиятнома ҳамда ваколатномага тенглаштирилади.

5. Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишдан олдин аризачи жисмоний шахс муомала лаёқатини, юридик шахс ҳуқуқ лаёқатини текшириб кўриш, ҳужжатларни текшириш амалга оширилган нотариал ҳаракат ҳақидаги ёзувни овоз чиқариб ўқиб бериши лозим.

6. Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ҳақида нотариал ҳаракатлар реестрига ёзиб қўйилади.

7. Нотариал ҳаракат нотариус имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

Нотариал гувоҳлантирилган ҳужжатнинг идентификация хусусиятларини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга.

Корхона ва ташкилотларга кредитлар бериш банк фаолиятининг асосий турларидан биридир. Кредит бозоридаги беқарорлик, қонунчиликдаги камчиликлар, инфляция жараёнлари туфайли ушбу фаолият тури ўта таваккалчилик билан боғликдир. Қарздор олган кредитини ўз вақтида қайтармаган ҳолларда банк судга мурожаат қилишга мажбур бўлади, бу ҳол муайян молиявий харажатлар ҳамда вақт билан боғлиқ бўлади.

Ижро хатлари ёзиш институти ана шундай кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олишга қаратилган. Бундай ижро хатларини ёзиш шартлари, тартиблари, унинг асосида ижрони амалга ошириш тартиблари «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 13-бобида (76-80-моддалар) кўзда тутилган.

Векселга протест қилиш банклар иштирокидаги нотариал ҳаракатлардан бўлиб, ўз вақтида бажарилмаган пул мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган.

Векселни протест қилиш, чекни тўловга тақдим этиш ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлашга оид нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиблари ва оқибатлари «Нотариус тўғрисида»ги қонуннинг 14-бобида (81-84-моддалар) белгилаб қўйилган.

БАНК ВА МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ЮРИДИК ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

А

Аваль (французча aval) — векселдаги топшириқ ёзуви. Вексель бўйича қарздор векселни ишончли фойдаланиш учун учинчи шахсларга топшириш мумкин. Бунда векселдан фойдаланувчи учинчи шахс вексель берувчи ва кредитор олдида қарздор(вексель берувчи) мажбуриятларини бажарилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Аваль, энг аввало вексель юзасидан тўловларни кафолатлашга, кейинчалик қарз тўлаб бўлингач эса, векселни ўзига топширган шахснинг барча ҳуқуқларини ўзига олишга қаратилган. Векселни топширувчининг қарздорлари ўз қарзларини авалистга топширишлари лозим бўлади.

Аваль векселнинг барча суммасига ёки унинг бир қисмига берилади. Аваль векселга тиркаб қўйиладиган кафолатли ёзув шаклида бўлиб, авалист томонидан имзоланади. Аваль кимнинг ҳисобидан берилганлиги кўрсатиб қўйилиши лозим, акс ҳолда вексель эгаси томонидан берилган деб ҳисобланади. Аваль векселънинг ишончлилигини оширишга хизмат қилади. Авалнинг ҳуқуқий ҳолати векселлар ҳақидаги халқаро конвенция билан тартибга солинади.

Авалист — вексель топшириғини берган, авални амалга оширган шахс.

Авизо (итальянча avisso) — битим тузган томонлардан бирининг иккинчи томонга уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари аҳволи, ҳисоб-китоб рақамлари, шартнома суммаси, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳоказоларнинг ўзгарганлиги ҳақида берган хабарномаси.

Ависта (немисча avista) — вексель устидаги ёзув бўлиб, бу ёзув ушбу вексель тақдим этилганида тўлов амалга оширилиши лозимлигини билдиради.

Авуарлар (французча avoir мулк, бойлик) — банкнинг чет эл банкида сақланаётган хорижий валютадаги, қимматли қоғозлар ва олтин шаклидаги маблағлари.

Ажио (итальянча aggio) — 1. Валютанинг белгиланган курси устига қўшиб тўланадиган сумма, акциянинг ёзилган қийматидан кўпроқ пул тўлаши. Бу атама валюта курси ошган пайтда қўлланилади ва миллий пул бирлигининг бошқа валюталарга нисбатан ўсишини акс эттиришга хизмат қилади. Айрим шароитларда, валюта сотиш пайтида (тезлик билан, катта миқдорларда, бозор орқали қайта сотиш пайтида) қўйиладиган устамалар ҳам **«Ажио»** деб юритилади. Шунингдек, акциянинг номинал қиймати билан сотилиш қиймати, фонд биржаларида сотиб олиш қиймати билан қайта сотиш қиймати ўртасидаги фарқ ҳам шундай аталади.

2. Инфляцияни характерлаш пайтида қўлланиладиган атама. Металл (тилла, кумуш) пул ва уларнинг қоғоз эквивалентининг ўзаро нисбатини белгилаш учун қўлланилади. Инфляция шароитида қоғоз пулларнинг металл пулларга нисбатан қадрсизланиши кузатилади ва шу тариқа олтин (кумуш) пул қоғоз пулга нисбатан устамага эга бўлади. Шундай қилиб, металл пул қиймати билан инфляция натижасида қадрсизланиб қолган купюралар қиймати ўртасидаги фарқ ажио атамаси моҳиятини ифодалайди, яъни ажио товар баҳосининг ортиши билан қоғоз пулнинг қадрсизланиши туфайли харид қувватининг пасайишини акс эттиради.

Аккредитациялаш — рухсат бериш. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки чет эл банкларининг ваколатларини Ўзбекистонда аккредитациялаш ваколатига эга.

Аккредитив — 1. Корхоналар ўртасида шаҳарлараро нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг тури. Бунда махсус банд қилиб қўйилган банк ҳисобида маблағ жамланади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли қонунда ва томонлараро шартномада махсус кўрсатилган ҳолларда қўлланилади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шаклида тўловчи ўзига хизмат қилаётган банк муассасига банкда сақлаб туриш учун ўтказилган ўз маблағлари ёки қарзга олинган маблағлар ҳисобидан юборилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб қилишни топширади. Ҳар бир аккредитив фақат битта мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган бўлиб, бошқа мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиниши ёки у

ҳисобидан нақд пул тўланиши мумкин эмас. Аккредитивнинг амал қилиш муддати очилгвн кунидан бошлаб 15 кун бўлиб, айрим ҳолларда банкнинг рухсати билан бошқа муддатларга ҳам очилиши мумкин. Тўловчига ўз банки орқали тўлов шартларини, амал қилиш муддатларини ўзгартириш, фойдаланилмаган суммани муддатидан аввал қайтариб олиш ҳуқуқи берилган.

Берилган шахснинг банк муассасаларидан кўрсатилган суммани олиш мумкинлигини тасдиқловчи пул ҳужжати.

Акцептлаш (инглизча acceptance) — қимматли қоғозларнинг жойлаштирилишини кафолатлаш, акция олди-сотдисида воситачи фирмалар томонидан амалга ошириладиган функциялардан бири. Компаниялар акциялари муайян фирмага сақлаш учун топширилади ва фирма ушбу акцияларни харидорлар ўртасида тарқатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мабодо акциялар сони жуда кўп бўлса, у ҳолда воситачи фирма тавакқал қилишга мажбур бўлади, чунки акцияларнинг сотилмай қолиш хавфи мавжуд. Лекин улар тўлиқ сотилгудек бўлса, у ҳолда воситачи фирма катта миқдорда даромад олиши мумкин бўлади.

Акцепт — 1. Етказилиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун хўжалик субектларининг ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шаклларидан бири. Унга кўра маҳсулот (иш, хизмат) ҳақини тўлаш учун тўловга розилиги олиниши талаб этилади. Олдиндан ва кейинчалик акцептлаш турлари мавжуд.

Олдиндан акцептлаш пайтида банк олдиндан тўловчининг розилигини олгандан кейингина унинг ҳисобидаги маблағ тўлови амалга оширилади. Кейинчалик акцептлаш эса етказиб берилган маҳсулот (бажарилган иш, хизмат) учун тўловчининг олдиндан розилигисиз амалга оширилади. Бунда харидор муайян муддат давомида амалга оширилган тўловдан норозилигини, бу тўлов тузилган шартномага мувофиқ эмаслигини маълум қилиши мумкин. Ушбу ҳолда тўловчига хизмат кўрсатаётган банк тўланган суммани қайтариб олиши мумкин бўлади.

2. Тўловчи (трассат) томонидан кўчириладиган вексель (тратта) учун кўрсатилган муддатда пул тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши.

3. Таклиф этувчи (оффернт) шартларига кўра шартнома (битим) тузишга розилик билдирилиши.

Акцептант (лотинча acceptants қабул қилувчи) — вексель ҳисоб бўйича тўловларни амалга оширишни ўз зиммасига олган шахс.

Антимонополия (яккаҳокимликка қарши кураш) қонунчилиги — рақобатчилик муҳитини тадбиркорликнинг турли соҳаларда қўллаб-қувватлаш, яккаҳокимлик ва инсофсиз рақобатга қарши қаратилган ҳуқуқий актлар мажмуи.

Антимонополия қонунчилиги одатда хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида чеклашлар жорий этиш ҳақидаги, рақобат кураши тамойиллари, бу соҳадаги қонунларнинг бошқарилиши устидан назорат қилувчи давлат органлари ваколатлари тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида антимонополия қонунчилиги жумласига «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Табиий монополиялар ҳақида»ги қонунлар ва бошқа қонуний актлар киради.

Кўпчилик мамлакатларда муайян маҳсулот ва хизмат бозорида йўл қўйиладиган монополиялашиш даражасининг йўл қўйиладиган кўрсаткичлари қонуний йўл билан белгилаб қўйилади. Аммо муайян ҳолларда бу кўрсаткичлардан четга чиқилишига йўл қўйилиши мумкин.

Қонун билан тақиқланган монополистик ҳаракатлар жумласига одатда айрим товарларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш технологик занжири бўйича вертикал бирлашмалар тузиш. Корпорациялар томонидан маҳсулот ёки хомашё бозорини тақсимлаб олиш юзасидан битимлар тузиш, маҳсулот (хизмат) баҳолари даражасини ўзаро келишиб белгилаб олиш кабилар киради.

Инсофсиз рақобат тушунчаси махсус белгилаб қўйилган ва у бегона маҳсулот белгиларидан, дизайндан, маҳсулотнинг оригинал хусусиятидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, нохолис реклама қилиш, рақобатчилар ёки улар ишлаб чиқарадиган товарлар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш кабиларни ўз ичига олади.

Бир қатор мамлакатларда шартнома тузиш пайтида томонларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган умумий талаблар қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилган. Антимонополия қонунчилиги нафақат товар ва хизмат бозорига, балки шу билан бир қаторда қимматли қоғозлар муомаласи ва бозорида адолатли таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Антимонополия

қонунчилигини бузганлиги учун айбдор шахслар маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Аннуитет (лотинча annuitas — йиллик тўлов) — даврий тарзда тўланадиган пул суммаси (бадал, рента, даромад). Суғурта ишида Аннуитет рента ёки нафақани суғурталаш юзасидан ҳар йили тўлаб бориладиган тўловларни ифодалайди. Аннтуитет шунингдек, кредиторга олинган қарз юзасидан ҳар йили тўлаб бориладиган пул (фоизлар ҳам) суммасини ҳам англатади. Аннуитетнинг бир неча турлари мавжуд.

Арбитраж — 1. Хўжалик соҳасида ҳакамлик суди;

Турли бозорлардаги қандайдир активлар (маҳсулот, қимматли қоғоз, депозит, валюта ва ҳ.к.) қиймати, курси ўртасидаги фарқлардан фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган операция, битим.

Ассоциация — иттифоқ, бирлашма. Иқтисодиётда одамлар, корхоналар, ташкилотларнинг ягона манфаат йўлида ихтиёрий иттифоқи. Ассоциация юридик шахс ҳисобланиб, фойда олишни мўлжалламайдиган жамоат ташкилотидир. Ассоциациянинг асосий вазифаси ўз аъзолари манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг манфаатларини давлат ва қонунчилик органларида тақдим этиш, аъзолари учун маслаҳат хизматларини ташкил этишдан иборат. Ассоциациялар ташкил этилиши монополиянинг шаклланишига, антимонополия соҳасидаги қонунчилик талабларининг бузилишига олиб келмаслиги лозим. Ассоциациялар фаолиятнинг молиявий манбаи бўлиб, аъзолари томонидан бериладиган бадаллар, ҳомийлик ёрдамлари, реклама, ноширлик ва бошқа фаолиятлар натижасида олинадиган маблағлар ҳисобланади.

Ассоциациянинг бошқарув органи бўлиб, унинг умумий мажлиси, бошқарувчи, ижроия дирекцияси ҳисобланади. Ассоциация молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун тафтиш қўмитаси сайланади, шунингдек, мустақил аудиторлик фирмаси жалб этилади.

Аудитор — тафтишчи фирмасининг ходими, корхоналарнинг молиявий фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш билан шуғулланади, йиллик бухгалтерия ҳисоблари ва балансларини юзасидан хулосалар беради.

Аъзолик — 1. Корхона, ташкилот мулкига кириш, унинг фаолиятида иштирок этиш;

2. Муайян иттифоқ, ассоциация, корпорация иштирокчиси бўлиш;

3. Биржага аъзолик — биржа капиталида ўз муддатига ҳиссасига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс. Биржа аъзоси биржада битимлар тузиш, унинг раҳбар органларини сайлаш, сайланиш, биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш каби ҳуқуқларга эга. Биржа аъзоси йиллик аъзолик бадалини, биржа йиғимларини тўлаб туриши, биржа савдоси қоидаларини ва биржа раҳбар органларининг қарорларини бажариши лозим бўлади. Биржа аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ЎзР «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Б

Банк — қонунларда назарда тутилган банк фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ташкилоти. Банк юридик шахс ҳисобланиб, ўз мулкига, ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулкка мустақил жавобгарликка, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эга ва бу ҳуқуқларни бевосита ўзи амалга ошира олади, шунингдек, суд жараёнларида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

Банк қуйидаги фаолият турлари билан шуғуллана олади:

— юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда бу маблағлардан кредит бериш ёки инвестициялар учун фойдаланиш;

— тўловларни амалга ошириш;

— юридик ва жисмоний шахсларга бошқа турдаги банк ва кредит хизматларини кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаисда банк ташкил этиш ва банклар фаолиятини йўлга қўйиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ғонуни билан тартибга солинади.

Давлат банки — давлат томонидан таъсис этиладиган, одатда, давлат бюджетига, давлат органларига, давлатнинг молиявий ва бошқа дастурларига хизмат кўрсатадиган муассаса. Ўзбекистон Республикасида бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлат банки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вазифалари, ваколатлари ва банк фаолиятини амалга ошириш шартлари ва

тартиблари «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ғонунда белгилаб қўйилган.

Инновация банки — заҳиралари юқори самарали, юксак технологияга асосланган, рақобатбардош, фан ютуқларини ўзлаштиришга қаратилган мақсадларда фойдаланиладиган тижорат банкларининг бир тури.

Ипотека банки — тижорий банк турларидан бири. Қоида тариқасида ипотека ссудаларини беришга ихтисосланган бўлади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг таркибида тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган мижознинг кредит юзасидан гаровга олинган кўчмас мулкларини баҳолаш ва сотишга қаратилган ишларини бжарувчи хизмат бўлими мавжуд бўлади. Ўзбекистон Республикасида Замин ипотека банки ташкил этилган ва фаолият юритмоқда.

Банк-молия академияси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил, 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ халқаро андозаларга мос келувчи юксак малакали молия-кредит тизими кадрларини тайёрлаш, молия бозорларини ривож топтиришга қаратилган фундаментал илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган олий ўқув даргоҳи.

«Банк ахборотномаси» — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий нашри бўлиб, унда банк-кредит, пул муомаласи, валютани тартибга солиш ва бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳамда бошқа ахборотлар чоп этилади. Банк ходимларини банк-кредит соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар билан таништириб бориш мақсадида таъсис этилган.

Банк ассоциацияси — банклар фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни рўёбга чиқариш учун қонунга зид келмайдиган тарзда ташкил этилган иттифоқ, уюшма. Банк ассоциациялари тижорий бўлмаган ташкилот ҳисобланиб, тижорат фаолияти, шу жумладан, банк фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Банк ассоциациясининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мавқеи унинг таъсис ҳужжатларида, низомида белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикасида Банк ассоциацияси ташкил этилган ва ҳозирги кунда фаолият юритмоқда.

Банк жавобгарлиги — маблағларнинг сақланиши, омонатчилар ва бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятларининг бажари-

лиши учун, банк сири бўлган маълумотларнинг ошкор этилиши орқали мижозларга етказилган зараплар учун банк муассасасининг мулкий ва бошқа шакллардаги масъулияти.

Банк жавобгарлиги ҳажми ва доираси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунлари ва бошқа қонуний актлари ҳамда томонлар ўртасидаги шартномага кўра белгилаб қўйилади.

Банк кредити — банк томонидан муддатли, қайтариш шарти билан, муайян ҳақ эвазига бериладиган қарз. Банк кредити белгиланган муддат тамом бўлиши билан қайтарилиши ва мижоз кредитдан фойдаланганлиги учун тегишли ҳақ тўлаши шарт. Банк кредити берилиш шартлари банк билан унинг мижози ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ белгиланади.

Банк кредитини олишдан аввал мижоз ўзининг тўловга қодирлигини исботлаши, кредитнинг қайтарилишини таъминлай оладиган мол-мулкларини гаровга қўйиши ва бошқа баъзи шартларни бажариши лозим. Лизинг шартномаси, суғурта ташкилотлари берадиган кафолатлар асосида ҳам банк кредити берилиши мумкин.

Банк назорати — давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий қонунларга, молия интизомига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назоратнинг бир тури. Бозор муносабатлари қарор топиши билан банк органлари томонидан амалга ошириладиган назорат доираси бирмунча қисқарди. Тижорат банклари томонидан фақат ўз мижозлари бўлган корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг касса операциялари ҳақидаги қоидаларга, валюта соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши назорат қилинади. Бошқа масалаларда улар ўртасидаги муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий меъёрлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки давлат бошқарув органи сифатида тижорат банклари томонидан банк ва молия қонунчилигига амал қилиниши устидан, пул муомаласи ва валютани тартибга солишга оид қонун меъёрларига риоя этилиши бўйича назоратни амалга оширади. Марказий банк қонунларнинг бузилишида айбдор бўлган тижорат банклари ва бошқа кредит муассасаларига мулкий санкциялар қўллаши мумкин. Марказий банкнинг назорат соҳасидаги функциялари ва ваколатлари, «Ўзбексигон Республикасининг Марказий банки ҳақида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Банк сири — банкнинг молиявий-хўжалик ва бошқа ҳар қандай фаолиятига тааллуқли бўлган, ошкор этилиши банкнинг мулкий ва бошқа манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган ахборотлар. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида «банк сири саналувчи ахборотларнинг тахминий доираси белгиланган (38-модда). Банк сирининг ошкор этилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ мулкий, маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликларга тортилиши мумкин. Банк ўз фаолиятига оид сир саналувчи ахборотларнинг ошкор этилишида айбдор бўлган шахслардан келиб чиққан мулкий ва маънавий зарарни ундириб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳаммага маълум бўлган ва сир сақланиши учун тегишли чоралар кўрилмаган ахборотлар тижорат сири ҳисобланиши мумкин эмас.

Банк тизими — амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистонда таркиб топган банк муассасалари йиғиндиси. Ўзбекистон Республикаси Марказий банклари ва бошқа турли-туман, кўп сонли тижорат банкларидир.

Банк хизмати — банклар томонидан мижозларга кўрсатиладиган турли-туман хизматлар. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида банклар томонидан ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматларнинг турлари санаб ўтилган (4-модда). Бу хизматлар одатда томонлараро келишувига кўра ҳақ эвазига кўрсатилади ва ҳисобкитоб шартномасига биноан тартибга солинади.

Банкнот (инглизча banknote) — қоғоз пулларнинг бир тури бўлиб, давлат томонидан эмиссия ҳуқуқи берилган банклар томонидан чиқарилади. Банкнотлар хазина билетлари билан бир қаторда муомала ва тўлов воситаси сифатида фойдаланилади. Банкнотлар вексель муомаласи натижасида юзага келган бўлиб, муомалада металл (олтин ва кумуш) пуллар ўрнига чиқарилган. Улар моҳиятига кўра банк векселидан иборат бўлиб, банкнинг олтин заҳираси, қимматли қоғозлари, хазина билетлари ва ҳ.к. билан таъминланади.

XX асрнинг биринчи ярмида банкнотларни олтинга алмаштириш барҳам топди ва улар майдаланмайдиган мажбурий курсга эга бўлган давлат қоғоз пулларига айланиб қолди. Ҳозирги замон шароитида банкнотларнинг харид қуввати банк-

лар томонидан муомалада қатъий чекланган миқдордаги қоғоз пулларни сақлаб туриш йўли билан таъминланади.

Банкрот бўлиш — хўжалик юритиш субъектларининг қарздор сифатидаги қарзлари ва бошқа мажбуриятларининг мол-мулкидан ошиб кетиши, бунинг натижасида товарларга (иш-ларга, хизматларга хақ тўлаш юзасидан кредиторлар талабларини қондира олмай қолиши, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги.

Банкрот бўлиш бозор иқтисоди ва рақобат кураши шароитида кузатиладиган оддий ҳол бўлиб, бу жараён натижасида «иқтисодий заиф» корхоналар табиий равишда «ўйиндан чиқадилар».

Бозор муносабатлари шароитида харидорлар бўлмаган ёки жуда қиммат турадиган маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналар бундай маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечишлари, ўз маҳсулотлари нархини пасайтиришлари ёки ўзларини ноқобил деб эълон қилишлари ва ёпилишлари лозим. Бунинг натижасида бўшаб қолган меҳнат, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан янги, замонавий фирмалар, корхона ва ташкилотлар ташкил этишда фойдаланилади. Корхоналарни банкрот деб эълон қилиш асослари, шартлари, тартиблари ва оқибатлари ЎзРнинг 1994 йил, 5 майдаги «Банкротлар тўғрисида»ги қонунида белгилаб қўйилган.

Баҳолар соябони (зонти) — муайян тармоқда етакчилик қилувчи фирма томонидан баҳоларнинг маълум даражада сақлаб турилиши. «Баҳолар соябони» одатда тармоққа мансуб кўпчидик корхоналар томонида қўллаб-қувватланади. «Баҳолар соябони»ни ушлаб туришнинг усуллари турлича бўлиб, асосийси етакчи ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган нархларни ушлаб туришга имкон берадиган ҳажмдаги маҳсулотни бозорга чиқаришдан иборатдир. Ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналарининг бундай фаолиятлари монополияга қарши қонунлар талабига зид бўлмаслиги лозим.

Бизнес — 1) иш, машғулот, тадбиркорлик фаолияти, муайян натижалар (даромад, фойда олиш)га эришиш мақсадидаги иқтисодий фаолият. Бизнес умумиқтисодий атама бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият соҳалари ва иқтисодий манфаатлари (қишлоқ хўжалиги, савдо, банк ва бошқа соҳалар), (кичик, ўрта, хусусий, йирик бизнес) ва бошқалар тушунилади.

2) Битимлар, савдо операциялари; 3) Ишбилармонлик ҳаёти ва доиралари, бошқа соҳалар (маданият, маориф, сиёсат ва бошқалар)даги ҳаёт фаолияти; 4) Компания, корхона, иқтисодий субъект. Тадбиркорликнинг у ёки бу соҳадаги фаолиятини акс эттирувчи ибора.

Бозор — кенг маънода товарлар ишлаб чиқариш, уларнинг муомаласини ташкил этиш, тақсимлаш, турли хизматлар кўрсатиш ишларини бажариш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, унинг иштирокчилари сотувчи ва харидорни танлаш, баҳо белгилаш, ресурс манбааларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича эркиндирлар.

Тор маънода бозор деганда товарлар ва капиталнинг эркин муомалада бўлиш доираси, ишчи кучи ва бошқа ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати тушунилади. Бозор турли мулкчилик субъектлари иштирокини тақозо этади. Юридик маънода бозор товар, капитал, хизматлар ва бошқа объектларни сотиш, сотиб олиш, айирбошлаш, фойдаланиш ҳуқуқларидан фойдаланиш ва ҳоказо фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиладиган, айрим ҳолларда эса бу битимлар ижро этиладиган ҳудуд, макондир. Товарлар бозори, хизматлар бозори, капитал бозори, иш кучи бозори, ғоялар ва ахборотлар бозори кабилар мавжуд бўлади. Бозор ўзининг ҳудудий чегараларига эга бўлади.

Бозор конъюктураси — товарлар, хизматлар ва бошқа бойликларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, инвестиция ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги фаоллик даражаси, қимматли қоғозлар баҳоси динамикаси, депозитлар ва кредитлар юзасидан фоиз ставкалари, бошқа кўрсаткичлар бўйича бозорнинг аҳволи. Бозор конъюктураси, энг аввало, иқтисодий тараққиётнинг цикллилиги, давлат томонидан қабул қилинадиган сиёсий ва иқтисодий қарорлар, турли воқеа-ҳодисалар ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Бозор конъюктурасини яхши билган ва ўз фаолиятида имкони бўйича тўлароқ ҳисобга ола билиш тадбиркорларнинг бозордаги муваффақиятини таъмин этувчи, асосли ва самарали қарорлар қабул қилинишига кўмаклашувчи муҳим шартлардан ҳисобланади. Шу сабабли бозор конъюктурасини кузатиб бориш, ўрганиш, ана шу мақсадда ахборотлар тўплаш, уларни таҳлил этиш, кўрсаткичларни таққослаб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Бозор конъюктураси махсус илмий муассасалар томонидан доимий равишда ўрганилиб борилади ва улар томонидан амалий тавсиялар тайёрланади.

Валюта бозори — чет эл валютаси ва чет эл пул бирликларида ифодаланган тўлов хизматларини сотиб олиш, сотиш, айрибошлаш операциялари амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар соҳаси. Ташкилий-техник нуқтаи назардан валюта бозори халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта операцияларинг амалга оширувчи турли мамлакатлар банкларини боғловчи телеграф, телефон, телекс, электрон ва бошқа алоқа тизимидан иборат. Ўз режимига кўра эркин ва эркин бўлмаган (чеклашлар мавжуд бўлган) валюта бозорлари мавжуд бўлади. Миллий валютаси конвертацияланмайдиган мамлакатларда барча валюта операциялари бошқариб турувчи органлар томонидан белгиланган расмий курс бўйича ваколат берилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бундай ҳолда валюта курси шаклланишининг бозор механизмлари расмий даражада амал қилмайди. Шу туфайли бундай мамлакатларда қонун билан тақиқланган яширин валюта бозори (қора бозор) вужудга келади. Валютаси қисман конвертацияланадиган мамлакатларда валюта бозорининг параллель бўлишига йўл қўйилади. Бунда валютанинг расмий курси билан «қора бозор» курси ўртасидаги фарқ миллий валютанинг конвертацияланиш даражасини акс эттиради.

Икки томонлама тартибга эга валюта бозорлари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бунда валютанинг қатъий белгиланган қиймати билан эркин қиймати бирга амал қилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори — ссуда капитали бозорининг таркибий қисми, унда қимматли қоғозлар (акция, облигация) билан савдо-сотиқ операциялари амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бозорида махсус кредит муассасалари ва фонд биржалари ҳаракат қиладилар ва улар корхоналар, банклар, хусусий шахслар пул маблағларининг жамланиши ва одатда узоқ муддатли инвестиция мақсадларига сарфланишига кўмаклашадилар. Дастлабки ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозори мавжуд. Дастлабки қимматли қоғозлар бозорида эндигина эмиссиядан чиқарилган қимматли қоғозлар сотилади, иккиламчисида эса аввал чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар билан такрор савдо-сотиқ операциялари ўтказилиши тушунилади.

Қимматли қоғозлар бозорининг икки тури: фонд биржалари ҳамда биржадан ташқари бозор мавжуд. Қимматли қоғозлар бо-

зорини шакллантириш, фаолиятини таъминлаш ва бозор иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари билан тартибга солинади.

Битим — ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган онгли ҳаракат. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш одатда турли битимлар тузиш йўли билан амалга ошади. Битимлар ўз шаклига кўра оғзаки, ёзма, нотариал гувоҳлантирилган бўлиши мумкин. Юридик шахслар ўртасидаги битимлар фақат ёзма равишда тузилиши керак.

Тузилган битим ўз шакли ва мазмунига кўра қонун талабларига мос келмаса, битим тузишда иштирок этган томонлар ҳоҳиш-истагини тўғри акс эттирмаса, давлат, жамият ёки бошқа шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини бузишга қаратилган бўлса, шунингдек, қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда манфаатдор шахсларнинг, прокурорнинг даъво аризасига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Ҳақиқий эмас деб топилган битимлар тузилишидан келиб чиқувчи оқибатлар фуқаролик қонунларида назарда тутилган.

Бонд (инглизча bond) — товарнинг божхона тўловлари тўланмасдан олдинги ҳолати.

Бюджет — 1) қонунчилик йўли билан тасдиқланган ва муайян муддатга мўлжалланган давлат даромадлари ва харажатлари рўйхати; 2) давлат, корхона ёки фуқаронинг муайян даврда кутилаётган даромадлари ва харажатлари.

В

Вазирлик — иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларга оид давлат марказий бошқарув органи. Мамлакат халқ хўжалигини бошқаришнинг тармоқ тамойилига асосан иқтисодий ҳаёт ва тараққиётнинг муайян йўналишлари бўйича ташкил этилади. Тармоқ вазирликлари (м-н: қишлоқ ва сув хўжалиги) ва тармоқлараро вазирликлар (м-н: ички ишлар вазирлиги) мавжуд.

Молия ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, давлат бюджетининг ижро этилишини таъминлаш вазифалари ЎзР Молия Вазирлигига, Давлат Солиқ қўмитасига ва ЎзР Марказий банкига юклатилган. Ушбу органларнинг ваколатлари ҳамда юридик мақоми уларнинг низомлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Вакиллик — юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракат. Унга кўра бир шахс (вакил) ўзига берилган ваколатга мувофиқ бошқа(учинчи) шахслар билан вакил қилувчи номидан ҳамда унинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилади. Ишончномага, қонунга, суд қарори ёки тегишли давлат органи берган ҳужжатга асосан вакиллик қилиш ҳоллари учрайди.

Молиявий муносабатлар соҳасида, айниқса, қимматли қоғозлар бозорида юридик ва жисмоний шахслар номидан вакиллик қилиш кенг қўлланилади. Вакилнинг ваколатлари доираси, унинг масъулияти, ваколатноманинг бекор бўлиши асослари ва оқибатлари қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Ваколатхона — юридик шахснинг турган жойидан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодаловчи ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи айрим бўлинма.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона юридик шахс ҳисобланмайди. Ваколатхона уни ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланади ҳамда тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади. Ваколатхонанинг раҳбари берилган ишончнома бўйича иш олиб борадиган юридик шахс томонидан тайинланади. Амалдаги қонунчиликда банк муассасаларининг чет элларда ўз ваколатхоналарини ташкил этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Валюта — 1) у ёки бу давлатнинг пул бирлиги (АҚШ доллари, япон иени, ўзбек сўми ва ҳ.к.) ёки халқаро молия ташкилотлари ва давлатлар молия иттифоқлари ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўлланиладиган суньий жамоа пул бирлиги (м-н: СДР (инглизча — Special Drawing Rights — қарз олишнинг махсус ҳуқуқи, ЭКЮ);

2) Чет давлатнинг пул бирлиги, шунингдек, хорижий пул бирликларида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган кредит ҳамда гўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар, аккредитивлар ва ҳ.к.)

Ўз мавқеи ва қўлланилиш доираларига кўра барча мамлакатларнинг валюталари халқаро муносабатларда эркин муомаладаги (эркин конвертацияланадиган), чекланган муомаладаги (қисман конвертацияланадиган) ҳамда ёпиқ муомаладаги (конвертацияланмайдиган) турларга бўлинади.

Чет эл валютасидаги фонд бойликлари: акциялар, облигациялар ва бошқалар) дейилади.

Кенг маънода ҳар қандай бойликлар: қимматбаҳо металлар (ҳар қандай кўринишдаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи-палладий, иридий, родий, рутений ва осмий каби металлар (ушбу металлардан ишланган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари бундан мустасно); табиий қимматбаҳо тошлар (сайқал берилган ва сайқал берилмаган шакллаги олмос, лаъл, зумрад, ёқут, александрит ҳамда марварид (бу тошлардан ясалган заргарлик ва рўзғор буюмлари бундан мустасно) валютадир.

Валюта операциялари — 1) чет эл пул бирлиги, чет эл пул бирлигида ифодаланган кредит ва тўлов ҳужжатлари, фонд бойликлари, валюта бойлиги саналувчи қимматбаҳо металлар ва тошларни эгаллаш, тасарруф қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар;

2) Валюта бойликларига нисбатан эгалик ҳуқуқининг ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда чет эл валюталаридан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ операциялар;

3) Валюта бойликларини чет элдан Ўзбекистонга олиб кириш ва Ўзбекистондан хорижга жўнатиш; Халқаро кўламда пул ўтказиш ишларини амалга ошириш.

Валюта операциялари жорий ҳамда капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ турларга бўлинади.

Валюта операциялари юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибларда амалга оширилиши лозим ва ушбу тартибнинг бузилиши айбдор шахсларнинг тегишли ҳуқуқий жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади.

Валюта интервенцияси — миллий ёки чет эл валютаси ўзгаришига таъсир кўрсатиш мақсадида айрим мамлакатлар Марказий банки ёки хазинасининг валюта бозоридаги операцияларга таъсир ўтказиш. Давлат ўз миллий валютаси курсининг кўтарилишидан манфаатдор бўлса, чет эл валютасининг кўп миқдорда оммавий сотилишини, миллий валютанинг сотилишини ташкил этади. Агар миллий валюта қадрини туширмоқчи бўлса, у ҳолда чет эл валютасини оммавий тарзда сотиб ола бошлайди. Валюта интервенцияси қисқа муддатларда амалга ошириладиган улкан миқёсдаги валюта операциясидан иборатдир. Валюта интервенциясини амалга ошираётган мамлакат катта валюта заҳираларига эга бўлмоғи лозим. Мамлакатнинг жорий валюта операциялари бўйича тўлов баланси жиддий ишдан

чиқмаган бўлса, валюта интервенцияси валюта курсининг ўзгаришига таъсир ўтказа олади. Акс ҳолда самарасиз бўлиб, валюта заҳираларининг камайиб кетишига ёки заруратсиз кўпайиб кетишига олиб келади.

«Валюта корзинаси» — турли валюталарнинг муайян миқдорий тўплами. Корзинага ҳар хил қадри ошиб ёки пасайиб бораётган валюталар тўпланиши сабабли айрим валюталар курсига нисбатан корзинага тўпланган валюталарнинг курси секинроқ ўзгаради. Шу сабабли валюта «корзинаси»: а) айрим миллий валюталарнинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда; б) халқаро капитал бозоридаги контрактлар ва кредитлар беришда мультивалюта изоҳи сифатида фойдаланиш учун; в) халқаро (минтақавий) жамоа пул бирликларини вужудга келтириш учун қўлланилади.

Валюта изоҳи — халқаро тўлов ва кредит битимлари, ташқи савдо контрактларига киритиладиган шартлардан бири. Ундан мақсад экспортчи ёки кредиторни валюта курсининг пасайиши оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарардан муҳофаза қилишдир.

Валюта паритети — турли мамлакатлар пул бирликларининг қонунчилик йўли билан халқаро валюта фонди доирасида белгиланадиган нисбати. 70-йилларгача валюта олтинга нисбат билан белгиланган. Влюта девальвацияси ёки ревальвациясига кўра тузатиш киритиб борилади.

Валюта (вексель) курси — бир мамлакат пул бирлигининг иккинчи мамлакат пул бирлигидаги қиймати. Чет эл валютаси курсининг миллий валюта бирлигида белгиланиши валюта котировкаси деб юритилади. Турли мамлакатларнинг банк амалиётида котировканинг икки тури: тўғри ва тескари котировка қўлланилади. Тўғри котировкада қатъий суммадаги(фиксация қилинган) чет эл валютаси миқдори миллий пул бирлигида ифода этилади (м-н, 1 АҚШ доллари — 60,0 сўм).

Буюк Британияда, қисман АҚШда қўлланиладиган тескари котировкада миллий пул бирлиги хорижий валютада ифодаланади. Валюта операцияларини амалга оширувчи банклар валюталарни турли курслар бўйича сотадилар ва сотиб оладилар. Сотиб олиш курси билан сотиш курси ўртасидаги фарқ банкнинг валюта операцияларидан олган даромадини ташкил этади. Тўлов ҳужжатлари турлари бўйича телеграф жўнатмаси валюта курси, почта жўнатмаси валюта курси, вексель валюта курси,

чек валюта курси, банкнотнинг валюта курси каби турларга бўлинади. Айрим мамлакатларнинг валюта бозорларида валюталарнинг кросс-курси, яъни хорижий валюталарнинг бир-бирларига нисбатан курслари ҳам белгиланади.

Валюта операциялари турларига кўра: а) нақд валюта битимларида валюта курси «спот»; б) муддатли (шошилинч) битимларда «форвард» валюта курси мавжуд. Валютанинг «форвард» курси «спот» курсидан белгиланган мукофот ёки чегирма (дисконт) миқдори билан фарқ қилади.

Валютани тартибга солиш — валюта билан боғлиқ муносабатларни давлат ва жамият манфаатларига, давлат олдида турган иқтисодий вазифаларга мос равишда чет эл валютасида амалга ошириладиган операциялар тартибларини белгиловчи тадбирлар, қонунчилик ҳужжатлари йиғиндиси. Валютани тартибга солишда иқтисодий воситалар билан бир қаторда қонунчилик механизмларидан ҳам кенг фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасида валютага оид муносабатлар «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонун ҳамда ушбу қонун асосида чиқариладиган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банк ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Валютани ҳуқуқий тартибга солишдан мақсад Ўзбекистон миллий валютаси — сўмнинг барқарорлигини таъминлаш, республиканинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиётига аста-секинлик билан ўтишга эришишдан иборат.

Валюта қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик — чет эл валютасини Ўзбекистонга олиб кириш ёки республика божхона чегараларидан олиб чиқиб кетиш, чет эл валютасида битимлар тузиш, бошқа турли операцияларни амалга ошириш, чет эл валютасида тушган даромаддан солиқ тўлаш, бу даромадларнинг муайян қисмини давлатга мажбурий тарзда сотиш юзасидан қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилган қоидаларни бузиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва айбдор шахсларга нисбатан қонунда кўзда тутилган жавобгарлик чораларининг қўлланилишига сабаб бўлади. Амалдаги қонунларда валютага оид қоидаларни бузганлик учун мулкий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган. Масалан, чет эл валютасидаги тушумларнинг белгиланган қисмини давлатга сотишдан бўйин товлаган корхоналарга нисбатан мулкий санкция(жазо) қўлланилади.

ЎзР Жиноят кодексининг 177-178-моддаларида фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик, яшириб қолганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган.

Васиқа — муайян пул ёки моддий бойликнинг эгасини белгиловчи ҳужжат. Васиқа асосида мол-мулкларга эгалик ҳуқуқи белгиланади. Муайян мулкнинг сотиб олинганлиги, хайрия тариқасида, айирбошлаш ёки бошқача қонуний йўллар билан бирор шахснинг эгалигига ўтганлиги васиқа билан тасдиқланади.

Вақтинчалик қиймат — буюмнинг ҳақиқий қийматига нисбатан аукционда белгиланган баҳонинг ортиб кетиши.

Вақтинчалик қоидалар — давлат бошқарув идоралари томонидан чиқариладиган, муайян иқтисодий ёки бошқа муносабатларни бу ҳақида махсус қонунлар қабул қилингунига қадар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни кўзловчи муваққат меъёрий ҳужжатлар. Молия ва кредит муносабатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, шунингдек, ЎзР Давлат Солиқ қўмитасининг у ёки бу масалаларга оид вақтинчалик қоидалари қабул қилинади. Ушбу масалада асосий ҳуқуқий акт ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши билан вақтинчалик қоидаларнинг амал қилиши тўхтатилади.

Вексель — қимматли қоғозларнинг бир тури бўлиб, унга мувофиқ қарздор, вексель берувчи юридик ёки жисмоний шахснинг векселда кўрсатилган пул суммасини муддатида кредитор, вексель соҳибига сўзсиз равишда тўлаш юзасидан мажбурияти гувоҳлантирилади. Векселнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) оддий, яъни унда қарздорнинг муайян суммадаги пулни кўрсатилган муддат ва жойда, кимга ва ким томонидан тўланиши лозимлиги ҳақидаги оддий ҳеч қандай шартсиз ваъдаси акс эттирилган бўлиб, вексель тўлдирилган вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда вексель берувчининг имзоси билан тасдиқланади; 2) кўчириладиган (траттга), яъни трассант деб юритилувчи кредиторнинг иккинчи бир трассат деб юритилувчи қарздор берган оддий, ҳеч бир шартсиз кўрсатмаси бўлиб, унга мувофиқ трассат векселда кўрсатилган пул суммасини учинчи бир шахсга(вексель тақдим этувчи, ремитентга) тўлаб юбориши лозим бўлади; 3) тижорат (савдо) вексели — савдо битимларини тузиш пайтида товарларни гаровга олиш эвазига тўлов ҳужжати ёки қарз мажбурияти тарзида бериладиган қимматли қоғоз; 4) банк вексели — мамлакат банки томонидан чет эл банкига

тақдим этиладиган; 5) хазина вексели — давлат томонидан ўз харажатларини қоплаш мақсадида чиқариладиган вексель тури. Бозор муносабатлари қарор топа бориши билан бизнинг мамлакатимизда ҳам вексель тўлов ҳужжати ва қимматли қоғоз сифатида кенг қўлланила бошланди. Векселнинг қўлланилиши тижорат кредитининг ривожланишига, тўлов интизомига амал қилинишига, халқ хўжалигида нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларининг осонлашувига ёрдам беради. Ўзбекистонда векселнинг қимматли қоғоз ва тўлов воситаси сифатидаги ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари ҳақида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан белгилаб қўйилган. Векселнинг мамлакат иқтисодий муомаласидаги самараси ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 19 мартда «Мамлакатда вексель муомаласини тартибга солиш чоралари ҳақида»ги Фармони чиқарилган.

Верификация — ҳужжатлар, ҳисоб-китоб амалларини текшириш.

«ВИЗА» карточкалари — жисмоний шахслар иштирокида нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишнинг энг илғор, замонавий электрон ҳисоблаш технологиясига асосланган ва халқаро миқёсда қўлланилиши мумкин бўлган тури. «ВИЗА» карточкаларини ҳисоб-китоб воситаси сифатида қўлланилишига муомалага киритишга оид бўлган масалалар ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 майдаги 268-сонли, «ВИЗА», дебет ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинган.

Г

Гаров — бирон бир юридик ёки жисмоний шахснинг бошқа бир шахсга мол-мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқини мажбуриятларни таъминлаш учун унга бериб қўйиш. Бунга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларини бажармаган тақдирда кредитор (қарз берувчи, яъни гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талабларини гаров мулк қиймати ҳисобидан бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли суратда қаноатлантиришга ҳақли бўлади. Гаровга олувчи ўзига топширилган мулк учун жавобгар саналади.

Гаров шартнома ёки қонунга асосан юзага келади. Гаров залог, ипотека ёки ҳуқуқларни гаровга қўйиш тарзида амалга ошиши мумкин. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома ҳамда қонун актлари асосида тартибга солинади.

Гаров шартномаси — юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган фуқаровий битимларнинг бир тури. Ушбу шартномага кўра гаровга қўювчи ўз бошқарувидаги муайян мулкни ёки мулкий ҳуқуқни мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида гаровга олувчига топшириши лозим бўлади. Гаров шартномаси ўзаро битим тузилганлигини тасдиқлаш ва унинг бажарилишига кафолат бериш мақсадида тузилади.

Гаров шартномасига оид қонунлар Ўзбекистон Республикасининг «Гаров ҳақида»ги қонунида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқларни, муомалада ва қайта ишланишда бўлган маҳсулотларни гаровга қўйишга оид, шунингдек, чет эл юридик ва жисмоний шахслари иштирок этадиган гаров шартномалари нотариал тасдиқланадиган тарзда тузилиши ҳамда Ўзбекистон Адлия вазирлиги ва унинг маҳаллий ташкилотлари томонидан давлат рўйхатига олиниши лозим бўлади. Гаров шартномаларини давлат рўйхатига олиш тартиблари ва шартлари ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 50-сонли қарори билан тасдиқланган «Гаров шартномаларини давлат рўхатидан ўтказиш ҳақидаги вақтинчалик Низом»да белгиланган. Бундай тартибнинг белгиланиши давлат ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Гаров шартномалари банк кредитлари бериш пайтида кўп тузилади.

Гиперинфляция (инглизча hyperinflation) — муомалага чиқарилган пул массасининг беҳад эртиб кетиши натижасида юз берадиган салбий иқтисодий жараён бўлиб, у пулнинг ниҳоятда қадрсизланишига, товарлар ва хизматлар нархининг кескин кўтарилишига, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига олиб келади. Гиперинфляция бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга ўтишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Д

Далолатнома — муайян далил фактнинг юз берганлигини тасдиқлаш мақсадида тузиладиган юридик ҳужжат бўлиб, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

одатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари, молиявий ва бошқа назорат натижалари тўғрисида ҳамда бошқа ҳолларда далолатнома тузилади. Далолатнома тузиш тартиби, унинг мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар қонуний актларда белгилаб қўйилади.

Дато-вексель — тўлов муддати тўғридан-тўғри эмас, расмийлаштирилгандан сўнг маълум вақт (м-н, уч ой, икки ойу ўн кун ва ҳ.к.): ўтганидан кейин амалга оширилиши кўрсатиб қўйилган вексель.

Дебитор — корхона, муассаса, ташкилотдан қарздор бўлиб қолган юридик ёки жисмоний шахс. Хўжалик амалиётида олинган маҳсулот учун пул тўламаган, вексель юзасидан тўловни амалга оширмаган вексель берувчи шахс, тижорат кредитини олиб, тўловни амалга оширмаётган ташкилот ва бошқалар.

Дебиторлик қарзи — хўжалик юритувчи субъект саналувчи юридик шахснинг етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун бошқа ташкилотлар зиммасида бўлган ҳақи, бошқа ташкилотлардан ундириб олиниши лозим бўлган пул суммаси. Корхоналар томонидан дебиторлик қарзларини ўз вақтида ундириб олиш чораларининг кўрилмаслиги қонунда кўзда тутилмаган талаб қилиш ва даъво қўзғаш муддатларининг ўтиб кетишига, бошқа ташкилотлардан олиниши лозим бўлган маблағларнинг ундирилмасдан қолиб кетишига, оқибатда корхона хўжалик-молиявий фаолиятига жиддий зарар етишига, энг муҳими, халқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларининг издан чиқишига, мамлакатда молиявий барқарорликнинг бузилишига олиб келади. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ЎзР Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб шартларини бузган, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзининг мавжуд бўлишига йўл қўйган корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчиларнинг ҳуқуқий жавобгарликлари белгилаб қўйилган.

Девальвация — миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан қийматининг расмий равишда пасайтирилиши, шунингдек, бир мамлакат валютаси курсининг иккинчи мамлакат валютасига нисбатан пасайтирилиши ҳам девальвация дейилади.

Девиза — чет эл валютасидаги вексель ёки халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳар қандай тўлов воситаси (м-н: чек, аккредитив, чет эл банкнотлари).

Депозит — 1) фуқаролар ёки корхоналар томонидан пул ёки қимматли қоғозларни банкларда сақлаш учун шартнома асосида омонат қўйилиши. Депозит маблағлар банклар ссуда фонди вужудга келишининг манбаларидан бири саналиб, кредитлар бериш, факторинг операцияларини амалга ошириш, инвестиция мақсадларида қилиш учун фойдаланилади, шу сабабли депозит банклар томонидан тўланади. Депозит муддатли ва талаб қилиб олингунга қадар қўйиладиган турларга бўлинади.

2) Биржадаги кафолатли, дастлабки заклад, фьючерс контрактлари умумий қийматининг олдиндан келишилган, биржа ҳисоб палатаси аъзоси томонидан тўланадиган, мижоз томонидан эса брокерга тўланадиган пул суммаси. Депозит одатда фьючерс контракти умумий қийматининг 2-10 фоизини ташкил этади.

Депозитарий (инглизча depositary) — омонат ишониб топширилган юридик ёки жисмоний шахс. Депозитарий сифатида, энг аввало, хазина фойдасига ёки ўз эҳтиёжлари учун пул суммаларини қабул қилишга давлат томонидан вакил қилинган банклар фаолият юритадилар.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, «Марказий банк ҳукуматнинг, шунингдек, Молия вазирлигининг рухсатномаси бўлган тақдирдагина бошқа давлат органларининг пул маблағларини депозитга қабул қилиши мумкин».

Джентельменлик келишуви (эркакчасига келишув) — хўжалик алоқалари амалиётида корхоналар ўртасида тузиладиган оғзаки шаклдаги келишув. Шартнома қатнашчилари ўзаро, икки томонлама манфаатларга кўра бундай шартнома шартларини бажарадилар. Шартнома шартлари ёзма ҳужжатларда қайд этилмайди, чунки бу шартлар одатда амалдаги қонун талабларига мос келмайди ёки учинчи шахслар манфаатларига қарши қаратилган бўлади. Хусусан, йирик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги маҳсулот баҳолари, ҳажмини белгилаш, бозорни тақсимлаб олиш ва бошқа масалалар джентельменлик келишувлари йўли билан ҳал этилади. Джентельменлик келишувининг мавжудлиги бундай корхоналарга нисбатан монополияга қарши қонунларни бузганлик учун жазо қўлланилишини истисно

қилмайди, чунки ножўя хатти-ҳаракатлар билвосита далиллар билан ҳам исботланиши мумкин.

Дивиденд — акция чиқарган корхона (акциядорлик жамияти) фойдасининг бир қисми ҳисобидан акция эгасига ҳар бир акция учун тўланадиган даромад. Дивиденд миқдори корхона фойдасининг миқдори ва акцияларнинг умумий сонига боғлиқ бўлади.

Дизажио — миллий валюта курсининг бошқа валюталарга нисбатан пасайишининг аниқ миқдорини ифодалайди. Акцияларнинг номинал қийматидан ёки аввалги баҳоларидан паст нархларда сотиш пайтидаги қийматнинг пасайиш даражасини ҳам кўрсатади.

Дисконт — 1) вексель ёки бошқа қарз мажбуриятларини тўлов муддати келмасдан олдинроқ сотиб олинаётганлиги учун банк ёки ихтисослашган кредит муассасаси томонидан ушлаб қолинадиган сумма; 2) товарларни насияга сотиш туфайли сотувчи томонидан олинадиган қўшимча даромад.

Е

Евровалюта (инглизча eurocurrency) чиқарилган мамлакатлардан ташқарида муомалада бўлган ва ҳисоб-китоб ҳамда кредит операциялари учун фойдаланиладиган айрим тараққий этган капиталистик мамлакатлар валютаси. Евровалюта жумласига евродоллар, ГФР евромаркаси, евростерлинг, Швецария еврофранки, европени киради. Евродоллар махсус банкнот кўринишига эга бўлмасдан мутлақо нақд пулсиз шаклда муомалада бўлади.

Евродоллар — АҚШ долларида ифодаланган банк ҳисобларидаги маблағлар бўлиб, Евровалюта билан билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш АҚШ юрисдикциясидан ташқаридадир. Евродоллардан тўлов балансидаги камомадни қоплаш, миллий пул бозорини тўлдириш мақсадида кенг фойдаланилади.

Ж

Жавобгарлик — қонун ёки шартнома талабларини бузганлик учун юз берадиган муайян ҳолат бўлиб, айбдор юридик ёки жисмоний мулкий ёки бошқа жиҳатдан унинг учун ноқулай

бўлган солиб қўйишда ифодаланади, ҳуқуқий, иқтисодий, аҳлоқий ҳамда ижтимоий жавобгарликлар мавжуд.

Ҳуқуқий жавобгарлик қонун ёки шартнома мажбуриятларини бузганлик учун қўлланилади. Ҳуқуқий жавобгарликнинг:

– жиноий;
– маъмурий;
– фуқаровий (мулкий);
– интизомий (меҳнат-ҳуқуқий) каби турлари мавжуд.

Иқтисодий жавобгарлик юридик ва жисмоний шахсларга таъсир ўтказишнинг бир шакли бўлиб, фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга, асоссиз харажатларни камайтиришга, восигалардан унумлироқ фойдаланишга ундовчи таъсир чораларидандир. Масалан, ер ва бошқа табиий ресурслардан рационал фойдаланмаётган корхоналарга нисбатан улардан фойдаланиш нархларининг оширилиши ва бошқа ноқулай шароитларнинг яратилиши иқтисодий жавобгарликнинг кўринишларидандир.

Ҳуқуқий жавобгарлик энг кенг қўлланиладиган ва самарали жавобгарлик турларидан саналади. Ҳуқуқий жавобгарлик фақат ҳуқуқбузарлик юридик состави мавжуд бўлганидагина (ҳуқуқбузарлик объекти ва субъекти, объектив ва субъектив томонлари) қўлланилиши мумкин.

Молия ва ҳисоб-китоб, кредит муносабатларида ҳуқуқий жавобгарликлардан кенг фойдаланилади.

Жамиятлар — хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун юридик шахсларнинг, юридик шахслар билан жисмоний шахсларнинг ўртасида ўз ҳиссаларини ва мол-мулкларини бирлаштириш асосида ўзаро ихтиёрий келишувга кўра тузиладиган корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлар ҳисобланади. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тадбиркорликни амалга ошириш шаклларидан ҳисобланиб, улар:

– акциядор жамиятлар;
– масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар;
– тўлиқ ва коммандит хўжалик ширкатлари кўринишида бўлиши мумкин.

Жамиятларнинг ҳуқуқий мавқеи улар ҳақидаги қонунларда ва ўз таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Зарар — ҳуқуқи бузилган шахснинг ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулкининг йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, мазкур шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда). Мулкий зарардан ташқари маънавий зарар ҳам мавжуд. Маънавий зарар деганда айбдорнинг ғайри қонуний хатти-ҳаракати натижасида шахснинг номига доғ тушиши, корхонанинг ишбилармонлик обрўсининг тушиши, фуқароларнинг маънавий-руҳий азоб чекиши, шаъни ва қадр-қимматининг ерга урилиши кабилар тушунилади. Амалдаги қонунчилик актларига биноан мулкий зарар билан бир қаторда маънавий зарар ҳам айбдордан пул ёки бошқа бойлик ҳолида ундириб берилиши мумкин.

«Зарар» тушунчасининг фуқаролик-ҳуқуқий таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддасида берилган.

Шахс зарар етишида ўзининг айбсиз эканлигини исботлаб берса (зарарнинг олдини олиб бўлмайдиган ҳодисалар, жабрланувчининг ўз айби билан етказилганлиги), қонунда махсус кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқари жавобгарликдан озод қилинадилар.

Захира — муайян мақсадлар, айрим ҳолларда эса кутилмаган ҳолларнинг олдини олиш учун сақлаб қўйилган моддий, молиявий ва бошқа ресурслар. Амалдаги қонунларга кўра моддий ва молиявий захиралардан кўзланган мақсадларда фойдаланиш мумкин. Нодавлат мулкчилигига асосланган корхоналарда таъсисчилар ёки корхона мулкдори қарори билан захиралардан бошқа мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилиши мумкин.

Заём — давлат бюджетига юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағалрини жалб этиш йўли билан бюджет камомади ўрнини тўлдириш, улкан иқтисодий ва илмий-техникавий дастурларни молиявий маблағ билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан чиқариладиган қимматбаҳо қоғозлар.

Давлат ички ва ташқи заёмларини чиқариш шартлари, тартиби, қоплаш тартиблари махсус қонунчилик актлари билан белгиланади.

Зона — муайян ҳудуд, чегараланган майдон. Қонунчилик актларида эркин иқтисодий зона, эркин тадбиркорлик зонаси, божхона зонаси каби тушунчалар назарда тутилган.

Эркин иқтисодий зона — минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуд. Эркин иқтисодий зонанинг ҳуқуқий мавқеи Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрелдаги қонуни билан тартибга солинади.

Эркин савдо зонаси — эркин иқтисодий зона кўринишларидан бири, чегарага туташ пунктларда, аэропортларда, темир йўл узелларида ёки божхона ҳудудининг бошқа жойларида тузилади ва консигнация омборларини, эркин божхона зоналарини, шунингдек, товарларга ишлов бериш, уларни ўраш-жойлаш ва сақлаш зоналарини ўз ичига олади.

Эркин ишлаб чиқариш зонаси тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлардир. Бу зоналар экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналари, агрополислар, тадбиркорлик зоналари ва бошқа эркин зоналарни ўз ичига олади.

Эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлар, у ерларда илмий ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Эркин иқтисодий-илмий техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари сифатидаги технополислар шаклида ташкил этилади.

Зонтик — (инглизча price umbrella) баҳолар зонтиги — муайян тармоқдаги етакчи фирма томонидан белгиланган маҳсулот (хизмат) баҳоларининг маълум даражада ушлаб турилиши. У баҳолар зонтиги муайян тармоқдаги кўпчилик корхоналар томонидан қўллаб-қувватланади. Баҳоларни сақлаб туриш услубларидан бўлиб, таклифни белгиланган баҳолар даражасида ушлаб туриш йўли билан амалга оширилади. Баҳолар зонтиги монополистик фаолият бўлиб, монополияга қарши қонунларни бузиш деб баҳоланиши ва тегишли жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Индоссамент (немисча indossament) — векселнинг орқа томонига ёзиладиган унинг бошқа шахсга мулк сифатида топширилаётганлиги тўғрисидаги устхат. Ушбу устхатга кўра вексель бўйича тўлов вексель соҳибига тўланиши лозимлиги қайд этилади. Векселда устхат қанча кўп бўлса вексель соҳиби олдидаги қарздорлар, вексель учун масъул шахслар шунчалик кўп бўлади.

Индоссаментнинг қуйидаги турлари мавжуд:

— тўлиқ: вексель юзасидан пул тўлови амалга оширилиши лозим бўлган шахс тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзилган устхат;

— бланк асосидаги: вексель ўтказилаётган шахс ҳақида ҳеч қандай маълумот кўрсатилмаган ҳолда ёзилган устхат;

— муайян шартни кўзда тугувчи: мазкур шарт бажарилгани тақдирдагина тўловлар амалга оширилиши лозимлиги ҳақида ёзилган устхат;

— чекланган: индоссантни (устхат ёзиб берувчи) масъулиятдан озод этмайдиган, унга кафолат бермайдиган устхат;

— номланган: вексель бўйича ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс кўрсатилган устхат;

— муомаласиз: вексель юзасидан тўловларнинг келиб тушиш-тушмаслиги юзасидан векселъ берувчини масъулиятдан озод этувчи устхат; Бундай векселларга «менга қайтиб келмаслик шарти билан» деб ёзиб қўйилади.

Векселнинг орқа томонида устхат ёзиш учун жой қолмаган бўлса (бир неча устхатлар ёзилганлиги туфайли), аммо вексель соҳиби уни бошқа шахсга ўтказишни хоҳласа, у ҳолда векселга индоссамент ёзувлари ёзишга мўлжалланган қўшимча варақ (аллонж) бириктириб қўйилади.

Иқтисодий жазо — қонун талабларининг мунтазам равишда бузилишига, атроф-муҳитга зарар етказилишига, табиий ва бошқа моддий ресурслардан нотўғри фойдаланаётган, фаолият самараси паст бўлган юридик шахслар — хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чораларидан бири. Юридик жазо чораларидан фарқ қилиб, муайян шахснинг аниқ-равшан айбли ҳаракати учун эмас, балки корхонанинг салбий фаолият натижалари учун қўлланилади. Масалан, ЎзР Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонига кўра моно-

полиячи корхоналар ўзлари учун белгиланган рентабеллик даражаси оширилишининг ҳар бир фоизидан фойдадан олинадиган оралиқ миқдорга нисбатан 0,5 фоизли пункт миқдорида оширилувчи коэффициент жорий этилади. Ана шундай иқтисодий жазо чоралари табиий ресурслар (сув, минераллар ва ҳ.к.)дан фойдаланишда исрофгарчиликларга йўл қўйилган бошқа ҳолларда ҳам тадбиқ этилади.

Иқтисодий макон — муайян давлатлараро ҳудуд. Иқтисодий макон иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг бирлигини ёки лоақал ўзаро ўхшаш хусусиятлари билан яқинлигини тақозо этади. Ягона иқтисодий макон ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари тараққиётини бир хил даражада тутиш, ягона иқтисодий-ижтимоий жараёнлар билан қамраб олинганлиги, кўзланган тараққиёт усуллари ва мақсадларининг умумийлиги билан характерланади.

Табиий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий омиллар билан бирбирига боғланган давлатлар ўзаро келишган ҳолда куч ва имкониятларини бирлаштириш йўли билан ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга интиладилар. Ўзаро яқинликни, ягона иқтисодий макон мавжудлигини баҳона қилиб мустамлакачи давлатлар томонидан ўз собиқ мустамлакалари устидан иқтисодий, кейинчалик эса сиёсий ҳуқуқларини қайта тиклашга уриниш ҳоллари ҳам тарихда маълум.

К

Касса операциялари — нақд пул маблағларини қабул қилиб олиш, сақлаш ва тарқатишга оид моддий техникавий тартиб қоидалар. Ушбу қоидалар махсус молиявий ва банкка оид меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланади ва тартибга солинади. Давлат томонидан қандай субъектларга тааллуқли касса операциялари тартибга солинишига кўра: а) банклар ва бошқа кредит муассасаларида амалга ошириладиган касса операциялари; б) корхона, ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган касса операциялари ҳамда в) товарлар, хизматлар, ишлар учун аҳолидан бевосита пулларни қабул қилиш билан шуғулланувчи корхоналардаги касса операциялари. Касса операцияларини амалга ошириш тартибларини давлат йўли билан белгилаб қўйилиши давлат ва пул муомаласи иштирокчилари манфаатларини ўзаро уйғунлашган ҳолда муҳофаза қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига кўра корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар фақат нақд пулсиз шаклда амалга оширилади ҳамда нақд пул муомаласи қатъий чекланган доираларда амалга оширилиши мумкин.

Касса операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузиш молия интизомини қўпол тарзда бузилиши деб баҳоланади ва айбдор мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий жавобгарлигига сабаб бўлади.

Касса режаси — хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян давр (йил, квартал, ой) давомида нақд пул тушумларини ва иш ҳақи ҳамда бошқа мақсадлар учун харажатларини олдиндан таҳмин қилиш асосида белгиланиши. Касса режасининг вазиятни аниқ акс эттириши ва корхоналар томонидан бажарилиши мамлакатда нақд пул муомаласини самарали тарзда тартибга солиш, пул эмиссиясини жиловлаш, инфляция суръатларини пасайтириш имконини беради. Касса режаларининг бажарилиши аҳоли турмуш даражаси билан мустаҳкам боғликдир.

Ковернинг (инглизча Covering) — биржа олиб сотарлари ўртасида ўзаро белгиланган муддатга битимлар юзасидан мажбуриятларни барҳам топтириш учун аввал сотилган қимматли қоғозлар, шартномаларни қайта сотиб олиниши. (Хеделерлар ана шу йўл билан акциялар курсини пасайиши ҳисобига фойда оладилар).

Камбизм (инглизча Cambistry) — валюта операциялари соҳасидаги стратегик йўл. Камбизмнинг моҳияти маблағларни бошқа мамлакатларга кўчирилишини самаралироқ йўлини қидириб топишдан иборат.

Камбио — қарз хати, вексель.

Камбист (инглизча Cambist) — 1) Валюта операциялари билан шуғулланувчи мутахассис, камбизм билан шуғулланувчи шахс. Одатда камбист нодавлат федералбанкнинг юксак малакали, кредит-банк сиёсатини ишлаб чиқарувчи мутахассис саналади; 2) вексель операциялари билан шуғулланувчи чет эл тангалари билан савдо қилувчи шахс.

«Кампью» (инглизча Cumnew) — айрим корпорацияларнинг фонд биржаларида сотиб олиш пайтидаги муайян шартлар: бу шартларга кўра харидорга корпорация томонидан чиқарилган энг янги акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи берилади ва бу акция олиш ҳақидаги шартномада кўзда тутилади.

Картель (французча Cartel) — қоғоз, ҳужжат асосида ишлаб чиқариш ва сотиш, ишчи кучи ёллаш, илмий-техника та-

раққиёти ютуқларидан фойдаланиш масалаларида ўзаро битим ётадиган бирлашиш шакли. Картель таркибига кирувчи корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш ва тижорат мустақилликларини сақлаб оладилар. Картель синдикатдан фарқ қилади. Картель тритлардан ҳам фарқ қилади, чунки тритда ягона бошқарув аппарати бўлиб, унинг таркибидаги корхоналар хўжалик мустақиллигига эга бўлмайдилар. Картель таркибига хусусий корхоналар, у ёки бу товарни ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлар киради. Масалан: нефть экспортчилари бўлган мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) ана шундай халқаро картеллардан саналган.

Монополияга қарши қонунчилик нуқтаи назаридан картеллар тузиш тақиқланган, аммо истисно тариқасида айрим ҳолларда бунга йўл қўйилади.

Квота — миқдор жиҳатидан белгилаб қўйилган абсолют ёки нисбий кўрсаткич бўлиб, савдо сиёсати соҳасида миқдор жиҳатдан чеклашларни белгилаш усулларидан бири. Масалан, муайян вақт оралиғида экспорт ёки импорт қилиниши мумкин бўлган товарлар миқдори. Квоталар савдо-сотиқда айрим товарларга нисбатан ёки айрим экспорт фирмаларига нисбатан якка тартибда белгиланиши мумкин.

Экспорт квоталари ва импорт квоталари мавжуд. Экспорт квоталари таклиф қилинадиган товарлар миқдори ва ассортиментини чеклаш йўли билан халқаро бозорда уларнинг нархини тушиб кетишига йўл қўймаслик, мамлакат учун керакли маҳсулотларни мамлакат ички бозорига кўпроқ йўналтириш мақсадларини кўзлайди.

Импорт квоталари эса ички бозорни чет эл товарларидан ҳимоя қилиш, ўз ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, товарлар нархини тушиб кетишига йўл қўймаслик мақсадларини кўзлайди. Картель иштирокчиларининг сотиладиган товарлар умумий ҳажмидаги ҳиссаси ҳам квота деб аталади.

Клаузала (инглизча clase) — шартноманинг изоҳи, шарти, айрим қоидалари. Клаузаланинг бир неча турлари мавжуд: олинган ссуда бўйича тезлаштирилган тарзда тўланишини назарда тутувчи, муайян воқеа-ҳодисалар юз бериши билан боғлиқ ҳолда шартли равишда контрактда кўзда тутилган клаузала, шартномадан воз кечиш ҳуқуқини назарда тутувчи клаузала ва ҳ.к.

Клиент, мижоз — корхона билан савдо ёки бошқача алоқаларда бўлган жисмоний ёки юридик шахс: сотувчи, харидор, воситачи ва б.

«Клинка» (инглизча cligik) — биржада савдо қилувчи шахсларнинг олдиндан келишилган, ягона сиёсат ўтказиш мақсадидаги монаполистик бирлашмаси. Клинка одатда биржа савдоси қоидаларига кўра тақиқланади. Клинканинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) «буқа шохи» (инглизча buel cligul) — акциялар курси, товар ва контракт баҳоларининг ортиб кетишини уюштириб, ундан фойда олувчи брокерлар. 2) «айиқ тиши» (инглизча bear cligul) нархларни пасайишидан фойда кўрувчи брокерлар.

Клиринг — ҳисоб-китоб муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг ўзаро ҳисобга ўтказилишига асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими. Халқаро ҳисоб китобларда валюта клиринги, мамлакат ичкарисида банкларараро клиринг қўлланилади. Комиссионер комитент билан тузилган махсус битим асосида унинг топшириғига кўра воситачилик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс (комиссионер ёки воситачи), товар бозорида товарларни сотиш ёки олиш, айирбошлаш билан шуғулланади. Комиссионер ёки вакилнинг даромади воситачилик фоизидан иборат бўлади. Комиссион ёки воситачилик хизмати кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш, ижро қилиш, томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалалар Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Комитент — воситачилик шартномасида топшириқ берувчи шахс, вакил қилинувчи.

Коммерсия (тижорат) таваккалчилиги — моддий зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатнинг юз бериши. Ҳар қандай тижорат фаолияти, янгилик у ёки бу даражада коммерсия таваккалчилиги билан боғлиқ бўлади, шу сабабли таваккалчилик оқибатларини юмшатадиган, зарарсизлантирадиган ҳолат тижорат таваккалчилигидан суғурталанишидир.

Кўпчилик ҳолларда томонлар шартнома тузиш пайтида юз бериши мумкин бўлган коммерсия тижорат таваккалчилиги ҳолатларини, бу ҳолат юз берганида маъсулият кимнинг зиммасига тушиши лозимлигини аниқлаб оладилар.

Олдини олиб бўлмайдиган (форс мажор) ҳодисалари юз бериши оқибатлари ҳам шартномада белгилаб қўйилади.

Компенсация товон ҳақи (лотинча compensatio) — қоплаш сўзидан олинган бўлиб, бир мажбуриятни унга тенг бўлган

бошқа мажбурият ҳисобига ўтказиш ёки қоплаш йўли билан ижро этиш. Биржаларда компенсация деганда товарлар ёки контрактларни сотиб олишда ўзаро битимларнинг тартибга солиниши назарда тутилади.

Конверсия, валюта конверсияси — амалдаги валюта курси бўйича бир валютани бошқа валютага айирбошлаш. Валютани конвертациялаш атамаси ушбу сўздан келиб чиққан бўлиб, турли валюталарнинг айирбошланиши имкониятларини акс эттиради.

Заём конверсияси — Марказий банк томонидан аввал чиқарилган давлат заёмини бошқасига алмаштириш.

Консегнация — бир томон (консегнант) топшириғи билан иккинчи тараф (консегнатор) ўз номидан, аммо консигнант ҳисобидан чет элдаги омборда бўлган товарларни сотиш.

Консигнант — чет элдаги омборда бўлган товарларни консигнацион шартнома асосида сотишни ташкил этиш ҳақида топшириқ берувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Консигнатор — консигнация савдосини ташкил этиш ва чет элдаги омборда бўлган товарни консигнация асосида сотиш мажбуриятини ўз зиммасига олувчи юридик ёки жисмоний шахс. Консигнатор функциясига кирувчи масалалар, унинг моддий манфаатлари, жавобгарлиги ва бошқа масалалар консигнация шартномасида белгилаб олинади.

Консорциум (лотинча-consortium — иштирокчилик, уюшма) — банклар ёки саноат корхоналарининг биргаликда қарзлар, акциялар, облигациялар чиқариш, қимматли қоғозлар билан савдо-сотиқ қилиш, йирик молиявий ёки тижорат операцияларини амалга ошириш, саноат қурилишини ва йирик илмий-техникавий лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида вақтинча бирлашиши шаклларидан бири. Консорциум ташкил қилиш унинг иштирокчилари ўртасида шартнома тузилиши йўли билан расмийлаштирилади. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ўз юридик мустақиллигини тўла сақлаб колади.

Консьюмеризм — фуқаролар ёки давлат ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, харидорларни сотувчиларга нисбатан таъсирини кучайтириш мақсадида уюшган ҳаракати.

Контраген — тузилган шартномага мувофиқ ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олаётган жисмоний ёки юридик шахс.

Контракт — товар ёки хизматлар бўйича олди-сотди шартномаси.

Контракт, биржа контракти — товар биржаларида тузиладиган олди-сотди битимлари. Биржа контрактлари, одатда, стандартлаштирилиши даражасига кўра: а) вьючерс контрактлари б) реал товарлар бўйича биржа контрактлари каби турларга бўлинади.

Контрафикация — 1) товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларидан ноқонуний фойдаланиш, яъни ноқонуний даромад олиш мақсадида машҳур фирмаларникига ўхшаш товарларни бегона товар белгиси билан сотиш.

Контрафикация қонунларни қўпол равишда бузиш деб баҳоланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилади.

2) қалбаки буюм.

Концерн — турли соҳаларга оид корхона ва ташкилотларнинг манфаатлар муштараклиги асосида бирлашуви. Концернга аъзо бўлган корхоналар ўз ваколатларининг бир қисмини концерн ихтиёрига топширадилар.

Концессия — миллий иқтисодиётни ривожлантириш ёки қайта тиклаш мақсадида ер, ер ости бойликлари, бошқа объектларни ўзаро келишилган шартларда чет эл давлатига, юридик ёки жисмоний шахсларга эксплуатация қилиш учун вақтинча топширишга қаратилган шартнома.

Котировка — олувчилар ва сотувчиларга ошкора равишда нархларни эълон қилиш. Ушбу нарх кейинчалик рўйхатдан ўтказилади. Товар биргаликда савдо куни давомида тузилган битимлар юзасидан ўртача нархларни ҳисоблаб чиқувчи котировка комиссиялари иш олиб боради.

Сотувчилар таклиф қилаётган ва харидор сўраётган нархлар биржалардаги баҳолар котировкасига асос бўлади. Товар ва фонд биржаларида котировкалар мавжуд.

Қимматли қоғозлар котировкаси — 1) қимматли қоғозларнинг молиявий бозорда сотиладиган ва сотиб олинадиган нархларининг белгиланиши. Расмий ва бозор асосидаги қимматли қоғозлар котировкаси мавжуд. Қимматли қоғозларнинг расмий котировкаси ваколатли давлат муассасаси ёки махсус орган томонидан фонд биржаларида, бозор котировкаси йирик компаниялар ва банклар томонидан биржадан ташқарида амалга оширилади; 2) Биржа кенгаши томонидан у ёки бу қимматли қоғозга муайян нархда биржада расмий муомалада бўлиш ҳуқуқи.

Кредит — бошқа шахсга пул маблағлари, товарлар ва бошқа бойликларни маълум муддатга, қайтариш шарти билан, фоизлар

ҳисобида ҳақ олиш эвазига вақтинча топшириш. Хўжалик муомаласида банк кредити ҳамда тижорат кредити кенг қўлланилади.

а) банк кредити — банк томонидан ўз мижозига маълум муддатда, қайтарилиш шарти билан мижоз билан келишилган ҳақ эвазига бериладиган қарз.

Банк кредити манбаи банклар томонидан жалб этиладиган маблағлар ҳисобланади. Банк кредити ўз муддатларига кўра: қисқа (1 йилгача), ўрта (1-3 йилгача) ва узоқ (3 йилдан кўпга) муддатли бўлиши мумкин. Банк билан унинг мижози ўртасидаги кредит битими агар олинаётган маблағлар инвестиция мақсадларига сарфланадиган бўлса бир йил ёки ундан узоқроқ муддатга, бошқа мақсадларга (вақтинчалик эҳтиёжни қондириш, айланма маблағлар ўрнини тўлдириш ва ҳакозо) берилаётганида эса қисқа муддатларга тузилади. Товар моддий бойликлари юзасидан ушбу товар моддий бойликлар ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар гарови берилаётган кредитлар деб ҳисобланади ва шунинг эвазига берилади.

Кредит олаётган корхона банкка бухгалтерия балансларни ҳамда кредит эвазига олинган товар моддий бойликларнинг мавжудлиги ҳақидаги бухгалтерия маълумотларини тақдим этиши лозим. Банк кредити, шунингдек, кўчмас мулклар гарови эвазига ҳам берилади. Қарз олувчининг етарли даражада ишончли эмаслиги сабабли учинчи шахслар ёки давлат кафолати асосида ҳам банк кредити берилиши мумкин.

Кредит, тижорат кредити — корхонага вақтинча бўш маблағлари бўлган бошқа корхона томонидан вақтинча, қайтарилиши шарти билан ва ҳақ эвазига бериладиган қарз. Тижорат кредити, одатда, кундалик ҳисоб операциялари учун ва бошқа мақсадларда ҳам ишлатилиши мумкин.

Кредит битими — кредит бериш ҳақида тузилган шартнома. Унда бериладиган кредит суммаси, бериш тартиби ва муддати, олинадиган фоизлар, кредит бериш ва қайтарилиш шартлари, тарафларнинг жавобгарлиги, уларнинг реквизитлари белгилаб қўйилади.

Кредиторлик қарзи — хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа корхона, ташкилотлар, жисмоний шахслардан олган товарлари, кўрсатилган хизматлар, бажариб берилган ишлар учун улар олдидаги қарзи. Кредиторлик қарзининг мавжудлиги, уни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилганлиги айбдор шахсларга ҳуқуқий жазо қўлланилишига сабаб бўлади.

Кредит карточкаси — банк ёки бошқа ихтисослашган кредит муассасаси томонидан чиқарилиб, тегишли кредитлар муассасасидаги ҳисоб рақамида муайян суммадаги пул маблағи мавжудлигини тасдиқлайдиган пул ҳужжати. Кредит карточкаси нақд пул тўловисиз товарлар олиш ва хизматлардан бепул фойдаланиш ҳуқуқини беради. Ўзбекистонда «VISA» ва бошқа кредит карточкалари муомалага киритилган.

Криминал хатти-ҳаракат — жиноят қонунларига зид келувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Бозор муносабатларининг ривожлана бориши, иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорлик соҳасидаги қонунларнинг либераллашуви ҳамда демократлашуви оқибатида иқтисодий соҳадаги жиноятчиликни бирмунча кенгайиши, амалдаги қонунларни инкор этган ҳолда бойлик орттиришга интилишнинг кучайиши кузатилмоқда.

Банк ва молия соҳасида криминал хатти-ҳаракатлар доираси жуда кенг бўлиб, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини ғаразли мақсадларда суиистеъмол қилишларидан тортиб айрим тадбиркорлар томонидан даромадларни яшириши, қонунга хилоф битимлар тузиш ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини ўз ичига олади. Криминал хатти-ҳаракатлар айбдор шахсларнинг қонуний жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади.

Криминал тузилмалар — жиноий элементларнинг ўзаро бирлашуви ҳамда жиноят содир этишни осонлаштириш, жиноят изларини яшириш, жиноий йўл билан қўлга киритилган бойликларни ўзлаштириш мақсадида муайян ташкилий-бошқарув тизимини вужудга келтиришлари.

Банк-молия соҳасида криминал тузилмаларнинг вужудга келтирилиши давлат ва жамият учун хавф туғдирадиган ҳодиса бўлиб, молиявий маблағлардан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланишга жиддий зиён етказади, коррупциянинг авж олиб кетишига шароит туғдиради, мамлакатда пул муомаласини издан чиқаради ва иқтисодий ҳаётда нобарқарорлик вужудга келишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида уюшган жиноятчиликка қарши шафқатсиз ва қатъий кураш олиб борилмоқда, натижада иқтисодий соҳада, шу жумладан, банк ва молия соҳасида ҳам уюшган жиноятчиликнинг қисқариб бораётганлиги кузатилмоқда.

Лаж (французча lagio) — ажио дегани.

Либор (инглизча LIBOR-London Interbank offered Rate) — Лондон банклари томонидан евровалюта бозорида биринчи класс банкларига ссуда берилаётганида оладиган фоизнинг ўртача ставкаси. Либор валюта турига ва ссуда берилиши муддатига кўра (1, 3, 6, 12 ой) табакалаштирилган бўлади. Либорнинг расмий кўрсаткичи қайд этилмайди, уни евровалюта бозорида операцияларни амалга оширувчи ҳар бир йирик банк бозорида шаклланган талаб ва таклиф асосида белгилайди ёки ўзгартиради.

Евровалюта бозорининг ривожлана бориши билан либорга ўхшаш ставкалар Парижда (Пибор), Сингапурда (СИБОР), Қувайтда (ҚИБОР), Люксембургда (ЛЮКСИБОР) ва бошқа жойларда ҳам пайдо бўлди.

«Лидз ЭНД ЛЭГЗ» (инлизча — leds anl leads) – молиявий ёки бошқа шаклда фойда олиш мақсадида ҳисоб китоб қилиш муддатларини бошқариш, пул тўлашни тезлаштириш ёки чўзиш. «Лидз ЭЕД ЛЭГЗ» мамлакат ичкарисида ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларда ҳам қўлланилади.

Лизинг — турли техника воситалари, бинолар, иншоотларни ўртача муддатга ёки узоқ муддатга ижарага бериш. Бу уч томонлама битимга кўра амалга оширилади: лизинг фирмаси (арендага берувчи) ўз мижози (ижарага олувчи) танлови бўйича муайян мулкни тайёрловчи (мулк эгаси) ҳам сотиб олади ва ижарага олувчи ихтиёрига топширади. Томонлар ўртасидаги муносабатлар лизинг битими билан тартибга солинади. Бундай битимда унинг муддати, суммаси, ижара ҳақи миқдори, тўловларнинг амалга ошириш муддатлари, шартнома муддати тамом бўлган мулкнинг қолдиқ қиймати, мулкни ижарага олувчи томонидан тайёрланадиган мулк эгасидан қабул қилиб олиш баённомаси, мулкни суғурталаш масалалари кўзда тутилади.

Лизингдан фойдаланиш айниқса кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига катта маблағ сарфламаган ҳолда қимматбаҳо техника воситалари, бинолар, иншоотларни қўлга киритгишларига имкон беради.

Лизингга оид битим тузиш, ижро қилиш ва бундай контракт шартларини бузилиши туфайли юз берадиган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Ижара

тўғрисидаги» қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Лизингнинг халқаро, оператив ва молиявий лизинг каби кўринишлари учрайди.

Ликвид бойликлар — корхона, ташкилот, банклар активларини тезлик билан пул маблағларига айлантириб, мажбуриятлар ҳамда қарзлар бўйича тўловларни амалга ошириш имконияти бўлиб, корхоналар, банклар фаолияти барқарорлиги ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ликвидлилик корхонанинг тўлов қобилиятини, унинг активлари ва пассивларининг тенглигини кўрсатади. Банк фаолиятида ликвидлилик унинг бир маромда ишлашини кўрсатадиган, олинган мажбуриятларни ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда бажарилишидан далолат берадиган ҳолатдир.

Ликвид бойликлар харидоргир бўлиб, сотилиш ва пулга айлантирилиш имконияти катта бўлади.

Лицензия — рухсат бериш: 1) патент эгаси томонидан фойдаланиш учун муайян ҳақ эвазига маълум муддатга рухсат беришлик;

2) маҳсулотларни экспорт ёки импорт қилиш учун давлат органларидан олинадиган ёзма рухсатнома;

3) юридик ва жисмоний шахслар томонидан фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланиш учун (масалан, тиббий хизмат, юридик хизмат ва ҳакозо) давлатнинг ваколатли органларига белгиланган тартибда мурожаат қилиш йўли билан олинадиган махсус рухсатнома.

М

Маржа (инглизча margin, французча marge) — 1) икки муайян кўрсаткич (сотувчи ва харидор нархи) ўртасидаги фарқни кўрсатувчи қиймат; 2) банкларда бериладиган кредит фоиз ставкалари билан қўйиладиган омонатларга тўланадиган фоизлар ўртасидаги фарқ; 3) қимматли қоғознинг бозор баҳоси билан унинг устидан олинган ссуда ўртасидаги фарқ; 4) саноат корхоналари томонидан қўйиладиган савдо устамаси; 5) биржада — ҳисоб палатасида брокер томонидан ёки брокерга мижоз томонидан нархларнинг нокулай ўзгаришн туфайли тўланадиган пул суммаси; 6) баъзан депозит маъносида ҳам ишлатилади.

Манко (немисча das ManRo) — ҳисобчи томонидан йўл қўйилган хато туфайли товар вазнининг ёки пул суммасининг камайиши.

Маркетинг (инглизча сотиш) — ишлаб чиқариш-сотиш муаммоларига дастурий ҳамда мақсадли тарзда ёндашиш. Маркетингнинг асосий усуллари: а) бозорни чуқур ўрганиш; б) ишлаб чиқарувчиларга нисбатан бозор талабларини аниқлаш; в) харидорлар таъби ва талабини яхши ўрганиш ва бошқалар. Молия ва қимматли қоғозлар бозорида маркетинг талабларининг муҳим шартларидан саналади.

Марказий банк — Ўзбекистон Республикасининг давлат банки. Унинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш. Асосий вазифалари монетар сиёсат ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш, самарали ҳисоб-китоб тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш; республика олтин валюта резервларини, шу жумладан, ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш; давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш кабилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки фаолияти 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги» қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонун Марказий банкнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини, мол-мулки, ташкилий-таркибий тузилишини, унга юклатилган асосий функцияларни назарда тутади.

Ушбу қонунга кўра Марказий банк мамлакатда пул муомаласи, ҳисоб-китоблар, банк фаолияти устидан назорат олиб борувчи, мамлакатда пул-кредит сиёсати учун жавобгар бўлган давлат бошқарув органи сифатида тан олинган. Марказий банк давлат бошқарув органи сифатида назорат фаолиятини юритади, банклар фаолиятида қонун бузилиши ҳолларини аниқлаганида айбдорларга нисбатан тегишли чоралар ва санкцияларни қўллайди, барча учун мажбурий кучга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради, банклар учун иқтисодий нормативлар белгилаб беради ва уларга амал қилинишни кузатиб боради.

Марказий банк мамлакатда ислоҳотларни рўёбга чиқариш соҳасида энг самарали дастаклардандир.

Маҳаллий солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар — юридик ва жисмоний шахслар даромадларидан маҳаллий давлат органлари эҳтиёжи учун қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда мунтазам равишда тўлаб бориладиган тўлов тури.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган ҳамда 1998 йил 1 январдан кучга киритилган Солиқ кодексига биноан юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган маҳаллий солиқлар ҳамда тўловларнинг қуйидаги турлари кўзда тутилган:

– мулк солиғи;
– ер солиғи;
– реклама солиғи;
– автотранспортни олиб сотганлик солиғи;
– савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;
– юридик шахслар ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун олинадиган йиғим;
– автотранспорт тўхташ жойи учун йиғим;
– ободонлаштириш ишлари учун йиғим.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан тушган маблағлар туман, шаҳарни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, белгиланган дастурларни амалга ошириш, туман, шаҳар, вилоят олдида турган иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий муаммоларни ҳал этиш йўлида сарфланади.

Махфий маълумотлар (давлат сири ёки тижорат сири) — белгиланган доирадаги шахслар рўйхатига кирмайдиганлар учун ҳамда тегишли рухсатсиз ошкор этилиши тақиқланган ахборотлар. Бундай маълумотлар давлат сири ва тижорат сири саналади.

Давлат сири саналувчи маълумотлар ваколатли органлар томонидан белгиланади ва ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ёки бошқа соҳаларга тегишли бўлиши мумкин. Давлат сири саналувчи махфий маълумотларни эҳтиётсизликдан ёки қасддан ошкор этганлик учун алоқадор шахслар ҳуқуқий, жиноий ёки моддий жавобгарликка тортилади.

Тижорат сири корхоналар, ташкилотлар, айрим тадбиркорларнинг молиявий, хўжалик, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятига таллуқли бўлган, ошкор этилиши унинг мулкий ёки бошқа манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган, муайян шахслардан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳар қандай ахборотдир.

Тижорат сирини ўғирлаган ёки уни ошкор этган шахслар тегишли ҳуқуқий жавобгарликларга тортилишлари, корхонага

етказилган мулкий зарарни қоплаб берилишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (98-модда) хизмат ва тижорат сири корхонанинг мулки эканлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилиниши айтилган.

Махсус муҳофаза этиладиган ҳудуд — бу ерлар ва сув кенгликлари (акваторитлар)нинг устивор: экологик, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш аҳамиятга молик қисмлари. Бундай ҳудудларда тадбиркорлик, ишлаб чиқаришнинг хўжалик фаолияти билан шуғулланишнинг алоҳида тартиблари белгиланади.

Моддий жавобгарлик — меҳнат шартномасига кўра ёлланиб ишлаётган ходимни ўз айби билан корхонага етказган мулкий зарари учун меҳнат қонунларида белгиланган тартибда, шартларда ва ҳажмларда моддий жавобгар бўлиши. Амалдаги меҳнат қонунларида ходимларнинг чекланган (Меҳнат кодексининг 201-моддаси) ва тўла (МКнинг 202-моддаси) моддий жавобгарликлари назарда тутилган.

Ходимга етказилган зарар иш берувчининг жавобгарлиги ҳам моддий жавобгарлик ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси МКнинг 187—197-моддалари).

Мулкий кафолат — мажбуриятни бажарилишини таъминлашга қаратилган чоралардан бири. Фуқоровий-ҳуқуқий мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаш мақсадида турли шаклдаги кафолатлардан (учинчи шахсларнинг кафил бўлиши, гаров ва хоказолар) фойдаланилади. Мулкий кафолат бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи энг самарали чоралардан саналади. Унинг асосий шакли бу гаровга мулк топширилиши бўлиб, унинг оқибатлари қонунда кўрсатиб қўйилган (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 264-290-моддалари). Закалат ҳам кафолатларнинг бир кўринишидир (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 311-312-моддалари).

Н

Настро (инглизча nostro ſccount) — банкнинг чет элдаги барча харажат ва даромадларнинг ҳисоб китобини олиб борадиган ўз хорижий корреспонденти — банкдаги ҳисоб рақами.

Ноу-Хау — маҳсулот ишлаб чиқаришни осонлаштирадиган ва тезлаштирилишига ёрдам берадиган техникавий билимлар, техник тажриба, ишлаб чиқариш сири. Ноу-Хау ихтиро сифати-

да патентланиши мумкин эмас ва шу сабабли патент ҳимояси предмети ҳисобланиши мумкин эмас.

Нау-Хау фирма мулки саналади ва шу туфайли олди-сотди предмети бўлиши мумкин. Ноу Хау патент ҳимоясидан фойдаланмаслиги туфайли уни бир шахсдан бошқасига ўтказилишида унинг махфийлиги ва бу талабни бузганлик учун қўлланиладиган санкция келишувининг асосий шартини ташкил қилади.

Неустойка (айбона) — ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф иккинчи тарафга шартнома асосида ёки қонунга кўра тўлаши лозим бўлган пул суммаси. Шартнома ва қонун асосидаги неустойкалар мавжуд.

Ноқонуний рақобат — товар (иш, хизмат) бозорида қатнашувчининг ўз рақобатларига нисбатан қонун билан тақиқланган кураш усулларини (уларни обрўсизлантириш бозордан сиқиб чиқаришда руҳий ёки жисмоний куч ишлатиш ва ҳакозоларни қўллаши. Шундай усул қўллаган шахсга нисбатан ҳуқуқий чора кўрилишига сабаб бўлади.

О

Овердрафт (инглизча overdraft) — банк муассалари томонидан қўлланиладиган қисқа муддатли кредит бериш. Дастлаб Англияда қўлланилган Овердрафтнинг моҳияти шундаки, банк ўз мижозига унинг жорий ҳисоб рақамидаги қолдиқ пул суммасидан кўпроқ маблағ юзасидан чеклар билан тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Овердрафт банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан қўлланилади ва унда банк олдида ҳосил бўлган қарзни қоплаш муддати олинадиган фоизлар кўрсатиб қўйилади.

Оферта — сотувчи томонидан бўлғуси номаълум доирадаги харидорларга муайян турдаги, миқдордаги ва хусусиятга эга бўлган маҳсулотнинг сочилаши тўғрисидаги таклифи. Ушбу таклифни қабул қилган харидор акцептант дейилади. Офертонинг юридик таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддасида берилган. Офертонинг кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиблари эса ФСС нинг 368-375-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ортиқча хавф манбаи — фаолияти геварак-атрофдагилар учун ортиқча хавф туғдирадиган, юридик ва жисмоний шахслар эгалигида бўлган ана шундай объектлар (масалан: транспорт во-

ситалари, саноат ва қурилиш объектлари, электр узатиш линиялари ва хакозолар) туфайли бошқа шахслар мулки, соғлиғи ёки ҳаётга зарар етказилган тақдирда ушбу зарар хавф эгаси манбаи томонидан қоплаб берилиши лозим.

Ортиқча хавф манбаидан зарар етказиш ва уни қоплаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасида назарда тутилган.

П

Пайчи — 1) биргаликдаги у ёки бу лойиҳага ўз маблағлари, мулки ёки бошқа бойликларини қўшиш орқали ушбу лойиҳа иштирокчиси бўлаётган жисмоний ёки юридик шахс; 2) жамият (акцияли жамият) иштирокчиси.

Пеня — турли молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган шахсларга қўлланиладиган жазо (санкция). Кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган қарз суммасига нисбатан муайян фоизларга қўлланилади.

Прайм рэйт (инглизча prim rate) — кафолатланмаган қисқа муддатли қарзлар бўйича белгиланадиган энг кам фоиз ставкаси. Бу ставка америка тижорат банклари томонидан энг ишончли қарз олувчиларга нисбатан қўлланилади.

Пул (инглизча pool) — картелларнинг алоҳида тури, унга кўра барча иштирокчилар олган фойда умумий жамғармага тўланади ва кейинчалик олдиндан белгиланган пропорциялар бўйича қайта тақсимланади.

Р

Реквирент — векселни у ёки бу қонуний асосга кўра протестлаш ҳақида судга мурожат қилаётган вексель соҳиби.

Ремиплент (инглизча remitter) — трассат томонидан кўчирма вексель (тратта) бўйича белгиланган муддатда пул тўлови амалга оширилиши мумкин бўлган учинчи шахс.

Ремитировка қилиш — қарздор томонидан ўз мамлакати валютасида чет эл валютасини сотиб олиш ва қарз эвазига кредиторга қоплаш учун юбориш.

Рента — мулк эгаси томонидан қарзга пул бериш ёки тадбиркорлик билан шуғулланмаган ҳолда ўз ер участкаларини ижарага бериш туфайли олинадиган даромад.

Рестрикция (лотинча restrikri) — давлат ва банклар томонидан кредитлар миқдорининг чеклаб қўйилиши. Олтин заҳираларининг чет элга чиқиб кетиши, банк ҳалокатига йўл қўймаслик мақсадида қўлланилиши; монополиялар томонидан товарлар ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва экспорт қилинишининг чекланиши. Махсулотлар нархини ошириш, жуда катта фойда мақсадида қўлланилади.

Ремисса (итальянча remessa) — тўлов чет эл валютасида амалга ошириладиган тўлов ҳужжати (гратта, чек, пул ва ҳ.к.) Ремисса қарздор томонидан миллий валютада сотиб олинади ва чет элдаги ўз кредиторларига қарзни қоплаш учун юборилади.

Роялти — 1) лицензия келишувига мувофиқ лицензиар фойдасига тўланадиган мукофот пули. Бу пул лицензия асосида ишлаб чиқарилган товарлардан олинган фойданинг маълум ҳиссаси сифатида мунтазам равишда тўлаб борилади.

2) Табиий ресурсларни қайта ишлаш, уларни қазиб олиш ҳуқуқи учун тўланадиган ҳақ.

С

Санкциялаш — йирик корхоналар ва молиявий ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган давлат соғломлаштириш тадбирларининг мажмуи. Бундай молиявий соғломлаштириш тадбирлари қаторига: давлат қарзларини кечиб юбориш, бюджет ҳисобидан дотация бериш, бюджетга тўловлар муддатини узайтириш (пролонгациялаш), солиқлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар бериш, фойдаланилмаётган мол-мулкларни сотиш каби чоралар киради.

Сивинг (Swing) — томонлар ўртасидаги автоматик тарзда ўзаро кредитлашнинг энг кўп миқдори. Ўзаро товар айланиши ҳажмининг муайян фоизлар миқдорида белгиланиши. Сивинг ҳажмидан ортиқча товар муомаласи қўшимча маҳсулотлар етказиб бериш йўли билан қопланади ёки эркин муомаладаги валюта тўлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

Сертификат — у ёки бу нарса (буюм, ҳужжат)дан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ҳуқуқига эгаликни тасдиқловчи гувоҳнома. Қўлланилиш соҳаларига кўра: а) Махсус давлат қимматли қоғозларига эгаликни, суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сертификат; б) маҳсулот сифатини тасдиқловчи сертификат; в) аудиторлик сертификати, яъни эълон қилинган аудиторлик балансининг ғўғрилигини тас-

ситалари, саноат ва қурилиш объектлари, электр узатиш линиялари ва хакозолар) туфайли бошқа шахслар мулки, соғлиғи ёки ҳаётга зарар етказилган тақдирда ушбу зарар хавф эгаси манбаи томонидан қоплаб берилиши лозим.

Ортиқча хавф манбаидан зарар етказиш ва уни қоплаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасида назарда тутилган.

П

Пайчи — 1) биргаликдаги у ёки бу лойиҳага ўз маблағлари, мулки ёки бошқа бойликларини қўшиш орқали ушбу лойиҳа иштирокчиси бўлаётган жисмоний ёки юридик шахс; 2) жамият (акцияли жамият) иштирокчиси.

Пеня — турли молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган шахсларга қўлланиладиган жазо (санкция). Кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган қарз суммасига нисбатан муайян фоизларга қўлланилади.

Прайм рэйт (инглизча prim rate) — кафолатланмаган қисқа муддатли қарзлар бўйича белгиланадиган энг кам фоиз ставкаси. Бу ставка америка тижорат банклари томонидан энг ишончли қарз олувчиларга нисбатан қўлланилади.

Пул (инглизча pool) — картелларнинг алоҳида тури, унга кўра барча иштирокчилар олган фойда умумий жамғармага тўланади ва кейинчалик олдиндан белгиланган пропорциялар бўйича қайта тақсимланади.

Р

Реквирент — векселни у ёки бу қонуний асосга кўра протестлаш ҳақида судга мурожат қилаётган вексель соҳиби.

Ремитент (инглизча remitter) — трассат томонидан кўчирма вексель (тратта) бўйича белгиланган муддатда пул тўлови амалга оширилиши мумкин бўлган учинчи шахс.

Ремитировка қилиш — қарздор томонидан ўз мамлакати валютасида чет эл валютасини сотиб олиш ва қарз эвазига кредиторга қоплаш учун юбориш.

Рента — мулк эгаси томонидан қарзга пул бериш ёки тадбиркорлик билан шуғулланмаган ҳолда ўз ер участкаларини ижарага бериш туфайли олинадиган даромад.

Рестрикция (лотинча restrikri) — давлат ва банклар томонидан кредитлар миқдорининг чеклаб қўйилиши. Олтин заҳираларининг чет элга чиқиб кетиши, банк ҳалокатига йўл қўймаслик мақсадида қўлланилиши; монополиялар томонидан товарлар ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва экспорт қилинишининг чекланиши. Махсулотлар нархини ошириш, жуда катта фойда мақсадида қўлланилади.

Ремисса (итальянча remessa) — тўлов чет эл валютасида амалга ошириладиган тўлов ҳужжати (гратта, чек, пул ва ҳ.к.) Ремисса қарздор томонидан миллий валютада сотиб олинади ва чет элдаги ўз кредиторларига қарзни қоплаш учун юборилади.

Роялти — 1) лицензия келишувига мувофиқ лицензиар фойдасига тўланадиган мукофот пули. Бу пул лицензия асосида ишлаб чиқарилган товарлардан олинган фойданинг маълум ҳиссаси сифатида мунтазам равишда тўлаб борилади.

2) Табиий ресурсларни қайта ишлаш, уларни қазиб олиш ҳуқуқи учун тўланадиган ҳақ.

С

Санкциялаш — йирик корхоналар ва молиявий ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган давлат соғломлаштириш тадбирларининг мажмуи. Бундай молиявий соғломлаштириш тадбирлари қаторига: давлат қарзларини кечиб юбориш, бюджет ҳисобидан дотация бериш, бюджетга тўловлар муддатини узайтириш (пролонгация лаш), солиқлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар бериш фойдаланилмаётган мол-мулкларни сотиш каби чоралар киради.

Сивинг (Swing) — томонлар ўртасидаги автоматик тарзда ўзаро кредитлашнинг энг кўп миқдори. Ўзаро товар айланиш ҳажмининг муайян фоизлар миқдорида белгиланиши. Сивинг ҳажмидан ортиқча товар муомаласи қўшимча маҳсулотлар етказиб бериш йўли билан қопланади ёки эркин муомаладаги валюта тўлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

Сертификат — у ёки бу нарса (буюм, ҳужжат)дан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ҳуқуқига эгаликни тасдиқловчи гувоҳнома. Қўлланилиш соҳаларига кўра: а) Махсус давлат қимматли қоғозларига эгаликни, суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сертификат; б) маҳсулот сифатини тасдиқловчи сертификат; в) аудиторлик сертификати, яъни эълон қилинган аудиторлик балансининг ғўғрилигини та

дикловчи ҳужжат; г) ҳисоб-китоб сертификати; д) гаров сертификати; е) мулкларни муайян қисмига эгалик ҳуқуқи ҳақидаги сертификат; ж) акциядорлик сертификати. Бошқа кўплаб турдаги сертификатлар ҳам мавжуд.

Суғурта — молиявий тадбиркорлик фаолиятининг бир тури, турли сабабларга кўра иқтисодий оғир аҳволга тушиб қолиш хавфининг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш, табиий ёки бошқа бахтсиз ҳодисалар, кутилмаган фалокатлар туфайли етган мулкий зарар ўрнини қоплашга қаратилган шартномавий муносабат. Суғурта муносабатлари, унинг объектлари, субъектлари, суғурта шартномасининг турлари, тузилиш тартиби, оқибатларига оид масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунида ва унинг асосидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган. Ўзбекистонда суғурта муносабатлари давлат монополияси бўлмай қолгани туфайли ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахслар белгиланган шартларда суғурта фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Мулкий ва шахсий, ихтиёрий ва мажбурий суғурталар мавжуд.

Т

Тантьема — акциядорлар жамиятининг умумий мажлиси томонидан жамият раҳбарлари учун фойданинг муайян фоизи кўринишида белгиланадиган қўшимча мукофот.

Тезаврация (олтинга нисбатан) — хусусий шахслар томонидан ўз маблағларини олтинга айлантириб қадрсизланишидан, шунингдек ижтимоий силкинишлар даврида омон сақлаб қолиш учун қуйма шаклдар, заргарлик буюмларига айлантирилиши йўли билан жамғарилиши. Табиий ва мажбурий тезаврациялар мавжуд.

Тендер (инглизча tender) — 1) савдолар ўтказилиши пайтидаги таклифлар. Тендер қоида тариқасида белгиланган муддатда, яширин равишда тақдим этилади; 2) фьючерс биржасида маҳсулот етказиб беришдаги носис.

Трансферт (французча transfert) — 1) ёзма равишдаги кўрсатма билан маблағни кўчириш, банкнинг ўз корреспондентига муайян суммадаги маблағни трансфертда кўрсатилган шахсга бериб юбориш тўғрисидаги буйруғи; 2) муайян пул суммасини ҳисоб рақамидан иккинчисига кўчирилиши, ўтказилиши; 3) эгаси кўрсатилган акцияни бир шахсдан бошқа шахсга

ўтказилиши ва уни акцияли жамиятнинг махсус журналида қайд этилиши; 4) Пул маблағларини бир молиявий муассасадан бошқасига кўчирилиши; 5) чет эл валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан бошқасига кўчирилиши.

Трассант (немисча Trassant) — вексель муомаласидаги кредитор. Трассант кўчириладиган вексель чиқаради ва уни имзолайди. Ушбу вексель бўйича трассат унда кўрсатилган сумма пулни учинчи шахсларга — ремитентларга белгиланган муддат ичида тўлаши лозим бўлади.

Трассат (немисча Trassat) — вексель муомаласидаги қарз олувчи. Трассат трассант томонидан ва имзоланадиган кўчириладиган вексель (тратта)да кўрсатилган суммани белгиланган муддатда учинчи шахс (ремитент)га тўлаши лозим бўлади.

Траст (инглизча trust) — 1) хўжалик ва бошқа соҳаларда ишларни юритиш учун берилган ваколатнома. Банк муомаласи соҳасида траст операциялари одатда банклар томонидан амалга оширилади; 2) бирлашма, фондлар ишбилармонлик трасти, оммавий траст ва бошқалар мавжуд.

Тратта — кўчириладиган вексель.

Трест — корхоналар бирлашуви шаклларидан бири. Бунда трестга бирлашган корхоналар ўз хўжалик ва юридик мустақиллигини йўқотадилар ҳамда умумий режа асосида ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Тижорат-акциядорлик банки — мустақил молия-кредит муассаси бўлиб, қоида тариқасида таъсисчиларнинг пай-бадалларини бирлаштириш йўли билан ташкил этилади. Тижорат-акциядорлик банкларининг бош мақсади корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар, бошқа банкларнинг вақтинча бўш турган маблағларини ўзаро манфаатли асосда жалб этиш йўли билан ҳақ эвазига, қайтарилиш шарти билан, муддатли тарзда кредитлар беришдан иборат. ТАБ шартномали асосда ўз мижозларининг касса-ҳисоб операцияларини юритиш, қимматли қоғозларни сотиб олиши ва сотиши, векселларни ҳисобга олиши, маслаҳат хизматлари кўрсатиши, кафолатлар бериши бошқа молиявий-кредит операцияларини амалга ошириши мумкин. ТАБ даромадларининг асосий манбаи жалб этилган маблағларга тўланадиган фоиз ставкалари билан кредит учун олинган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборат.

Тижорат банкларининг таъсисчилари (акциядорлар)га банк соф даромади дивиденд шаклида берилади. Т.А.Б. фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти

ҳақида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги қонунларга биноан ҳуқуқий тартибга солинади.

Тижорат ахборотлари банки — маҳсулотлар, хизматлар, қимматли қоғозлар бозорларининг таркиби ва аҳволини акс эттирувчи, тартибга солинган, мунтазам янгиланиб турадиган кўрсаткичлар, маълумотлар рўйхати. Тижорат ахборотлари банки фонд ва товар биржалари, тижорат хабарларини бериш хизматини кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар (маркетинг тадқиқотлари марказлари, реклама-ахборот бюролари) томонидан шакллантирилади ва янгиланиб борилади. Айрим мамлакатларда ана шу мақсадда умумий фойдаланиш давлат ахборот тизимлари вужудга келтирилган (Франция, АҚШ ва ҳ.к.)

Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай ахборотларни, шу жумладан, молиявий-тижорий ахборотларни тўплаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш тартиблари қонуний ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Ф

Факторинг — молиявий-кредит хизмати турларидан бири. Унга кўра корхоналарнинг уларга етказиб берилган маҳсулот (бажарилган иш, хизмат) учун тўлашлари лозим бўлган пул мажбуриятларини ўташ банклар зиммасига олинади ва маҳсулот етказиб берилгач ва тегишли тўлов ҳужжатлари тақдим этилиши билан уларнинг ҳақи банклар томонидан тўлаб юборилади. Келгусида қарзлар мижоз томонидан банкка қайтарилади.

Банк муассасаси ўз мижозларига факторинг хизмати кўрсатганлиги учун келишилган миқдорда фоиз ҳақи олади.

Филиал (лотинча filialis ўғиллик) — муайян ташкилотнинг (юридик шахснинг) таркибий қисми ҳисобланувчи ташкилот бўлиб, уни ташкил этган юридик шахснинг айрим ёки барча ваколатларини бошқа ҳудудда амалга ошириш билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик актларида филиал очиш ва унинг фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий тартиблари белгилаб қўйилган.

Форс-мажор — енгиб бўлмас кучлар юз бериши билан боғлиқ ҳолат, шартноманинг шу ҳақдаги қоидаларни кўзда тутувчи холатлари. Бунда мажбуриятнинг ижро этилиши кечикти-

рилади ёки бу мажбурият томонлар жавобгар бўлмаганлари ҳолда бутунлай барҳам топади.

Форс-мажор ҳолатлари узоқ давом этадиган (уруш, экспорт-импорт тақиқлари, давомли табиий офатлар ва бошқалар) ёки қисқа муддатли (ёнғин, сув тошқини, навичацияни ёпилиши ва ҳакозолар бўлиши мумкин. Форс-мажор туфайли етказилган зарарни ҳеч қайси тараф қоплашга мажбур эмас ва қопланишини талаб қила олмайди. Форс-мажор ҳодисалар рўйхати шартномада назарда тутилиши юз берганда эса бетараф ташкилот томонидан тасдиқланиши лозим.

Форвейтинг (французча a forfait яхлит, умумий сумма) — савдо операцияларини кредит билан таъминлашнинг ўзига хос шакли. Унга кўра товар учун берилган ва харидор томонидан акцентланган векселларни товар сотувчидан сотиб олинади, сотувчи сотган товари учун пул олиш бўйича ўз талабларини векселни сотиб олган кредит муассасасига ўтказади. Сотувчига маҳсулот баҳоси муайян фоиз ушлаб қолингани ҳолда дархол ва тўла ҳажмда тўланади. Харидор эса одатда олти ой давомида кредит муассасаси билан ҳисоб-китоб қилади. Форвейтинг сотувчи дебиторлик қарзларининг камайтирилишига, молиявий аҳволнинг яхшиланишига ёрдам беради.

Франшиза (французча franchise) — суғурталовчини муайян миқдордан ошмайдиган зиённи қоплаш мажбуриятидан озод қилиниши. Франшиза суғурта шартномаси тузиш пайтидаги шартлардан ҳисобланади.

Фуқаролик жавобгарлиги — ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури, унга кўра ўзга шахслар мулки айбдор шахслардан етказилган зарар ундириб олинади. Шартномали ва шартномасиз (деликт) фуқаровий жавобгарликлар кўзда тутилган. Айбдор шахснинг фуқаровий жавобгарликка тортилиши унинг бошқа турдаги (маъмурий, жиноий ҳуқуқий жавобгарликларга тортилишини истисно қилмайди.

Фалокат — оғир иқтисодий ёки бошқа жиҳатларни келтириб чиқарувчи табиий ёҳуд ижтимоий ҳодиса. Тегишли ҳолларда фалокат мажбуриятларини ижро этилишига таъсир этувчи форс-мажор ҳолат деб тан олиниши мумкин.

Хайринг — мол-мулкларни ўртача муддатларга ижарага олиш, лизингнинг бир тури.

Хавф-хатар «форс-мажор», «гаваккалчилик» атамаларига қаралсин.

Хавфсизлик хизмати — банклар, бошқа молия-кредит муассасалари, йирик корхоналарда қўлланиладиган турли хавф-хатарнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, хизмат сирларини муҳофазалаш ва корхона фаолиятига доир бошқа ҳаётий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган таркибий тузилма. Уларнинг фаолият юритиш тартиблари тегишли муассаса ёки корхоналарнинг бевосита ўзлари томонидан ишлаб чиқилади.

Хизмат совуққонлиги — хизматчининг ўз вазифаларига лоқайдлик, совуққонлик билан муносабатда бўлиши, уларни бажармаслиги. Хизмат совуққонлигига йўл қўйган ходим интизомий ҳамда тегишли ҳолларда моддий жавобгарликларга тортилиши мумкин.

Хизмат совуққонлигига йўл қўйган мансабдор шахс башарти унинг натижасида фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг манфаатларига кўп миқдорда ёки жиддий зарар етган бўлса, жиноий жавобгарликка (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси) тортилиши мумкин.

Хизмат ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш — хизматчининг ўз хизмат вазифасидан қасддан фойдаланиши хизматчининг интизомий ва моддий жавобгарлигига сабаб бўлади.

Мансабдор шахс саналувчи ходим томонидан йўл қўйилган суиистеъмол, башарти оғир оқибатларга олиб келган, фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг манфаатларига жиддий зиён етишига сабаб бўлганда жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (Ўзбекистон Жиноят кодексининг 205-моддаси).

Хизмат сохтакорлиги — хизматчи томонидан ҳужжатларни сохталаштириш, расмий ҳужжатларга ёлғон маълумотлар киритиш. Хизмат сохтакорлигига йўл қўйилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 209-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Халқаро қоидалар — халқаро шартномалар, халқаро одат ва ишчанлик меъёрлари билан белгиланган қоидалар. Молия, банк, кредит ва бошқа масалаларда ҳам халқаро қоидалар мавжуд. Халқаро молиявий ва бошқа муносабатлар қатнашчилари ушбу қоидаларга риоя қилишлари лозим бўлади.

Ч

Чек (инглизча chegue) — 1) Чек қимматли қоғозларнинг бир тури бўлиб, уни имзолаган шахс ҳисоб суммасини бериб юбориши ҳақида банк муассасига берилган топшириқни акс эттирувчи махсус ҳужжатдир. Чеклар чек дафтари шаклида қўлланилиб, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан бири саналади.

Чек қонуний тўлов воситаси саналмайди, мажбурий давлат курсига эга эмас ва ўзаро шартнома муносабатларида тўлов воситаси сифатида мажбурий тарзда қабул қилиниши шарт эмас; 2) сотиб олинган товар учун касса томонидан тўланган пул суммаси кўрсатилган ҳужжат; 3) бозорларда сотувчилар томонидан бозор хизматидан (жой ҳақи) фойдаланганлик учун пул тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат, патта.

Чегирма (скидка) — тузилган шартномаларга мувофиқ товар (иш, хизмат) дастлабки баҳосининг камайтирилиши. Томонлар келишувига кўра, муайян фойда олиш имконини вужудга келтириш мақсадида қўлланилади. Чегирмаларнинг қуйидаги турлари учрайди: оддий, мураккаб, улгуржи нархлар бўйича, дилерлик, бонусли, махсус, нақд пул тўланганлиги учун, битим шартларидан четга чиқилганлиги учун белгиланадиган ва бошқа кўринишлари мавжуд.

Чегирмалар муайян объектив шароитлар туфайли юз бериши мумкин бўлган ортиқча ҳаражатларни қоплаш, ҳамкорликни давом эттиришга рағбатлантириш, фойда олиш имконини бериш мақсадларида қўлланилади.

Ш

Шартнома (контракт, битим) — муайян юридик оқибатлар, уни тузувчи шахслар учун маълум ҳуқуқлар, мажбуриятлар ҳамда жавобгарликлар келтириб чиқаришга қаратилган ўзаро келишув. Шартномалар ўз шаклига кўра оғзаки ёки ёзма бўлади. Оғзаки шартномалар қонунда кўзда тутилган ҳолларда фуқаролар ўртасида, айрим ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида тузилади.

Юридик шахслар ўртасида хўжалик муомаласига таллуқли масалаларда тузиладиган шартномалар албатта ёзма бўлиши, муайян шартларни, зарур реквизитларни назарда тутиши лозим. Шартномада унинг томонлари, тузилаётган вақти-жойи, шарт-

нома предмети, баҳоси, умумий қиймати, маҳсулот (иш, хизмат) сифати, ижро этиш усули, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари ва бошқа масалалар кўрсатилиши лозим. Шартнома тегишли ваколатга эга бўлган шахслар томонидангина имзоланиши мумкин.

Шаън ва қадр қиммат — жисмоний ва юридик шахсларга тегишли алоҳида номулкий ҳуқуқлар мажмуи. Жисмоний шахснинг обрў-эътибори, жамиятдаги мавқеи, номига, оилавий ва бошқа муносабатларга доир ҳуқуқлари, алоҳида ҳолати. Юридик шахснинг ишчанлик, бизнес оламида тутган ўрни, номи, товар ва ишлаб чиқариш белгиси билан боғлиқ обрў-эътибори. Шаън ва қадр қимматни ерга уришга, обрўсизлантиришга қаратилган ҳатти-харакат ҳуқуқбузарликнинг бир кўриниши.

Э

Экспорт — муайян мамлакатда ишлаб чиқарилган, тайёрланган, етиштирилган маҳсулотнинг шу жумладан, бошқа мамлакатлардан аввал келтирилган товарларнинг бошқа мамлакатларга чиқарилиши. Ҳозирги пайтда иш хизмат турларини экспорт қилиш амалиёти ҳам мавжуд.

Умумий, экспортни ҳисобга олиш пайтида мамлакатдан чиқарилаётган барча маҳсулотлар, махсус ҳисобга олишда эса божхона ҳудуди орқали ўтадиган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади.

Экспортни амалга ошириш шартлари ва тартиблари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси экспортни рағбатлантиришга ва қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий сиёсат юритмоқда.

ЭКЮ — Европа валюта бирлиги, минтақавий пул воситаси бўлиб хизмат қиладиган 1997 йилда Европа иқтисодий иттифоқи доирасида давлатлараро келишувга кўра ташкил этилган. ЭКЮ ҳисоб-китоб, кредит муносабатларида ҳисоб бирлиги сифатида хизмат қилади.

Эмиссия — пул белгилари ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш. Пул белгилари фақат давлат (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) томонидан муомалага чиқарилиши мумкин. Қимматли қоғозлар эса акцияли жамиятлар, банклар ва бошқа шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда муомалага чиқарилиши мумкин.

Пул эмиссияси мавжуд талабга мос бўлиши лозим. Талабдан ортиқча пул чиқарилиши пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Қимматли қоғозлар эмиссиясининг мақсади аҳолининг бўш турган пул маблағларини сармояга айлантириш йўли билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, давлат қарзларини қоплашдан иборат.

Эмитент — пул белгиси ёки қимматли қоғоз эмиссиясини амалга оширувчи субъект.

Экспорт назорат — Экспорт операциялари устидан амалга ошириладиган давлат назорати. Экспорт дастурларини ишлаб чиқиш, четга чиқариладиган товарлар ҳажми, турларини белгилаш, рухсатномалар бериш, айрим мамлакатдар билан савдо-сотиқларни кузатиб бориш, ташқи иқтисодий фаолиятда валюта назоратини амалга ошириш орқали амалга оширилади. Экспорт фаолияти устидан назорат қилиш тартиблари, воситалари ва шакллари амалдаги қонунлар билан белгиланади.

Эскириш — асосий фондлар қийматининг пасайиб бориши. Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши туфайли уларнинг қиймати аста-секин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қийматига ўтиб боради. Асосий фондларни эскириш даражаси суръатлари ва меъёрлари меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади. Айрим ҳолларда тезлаштирилган эскиришга йўл қўйилади.

Ю

Юридик шахс — фуқаровий ҳуқуқий муносабат иштирокчиларидан бири, фуқаролик муомаласида иштирок этувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган, ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулклари билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки намунавий эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга оширадиган, мажбуриятларни ўгай оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар юридик шахс саналадилар. Юридик шахслар тижорат ташкилотларига ва нотижорат ташкилотларига бўлинади. Юридик шахслар низомларига асосан иш олиб борадилар.

Юридик жавобгарлик — содир этилган ҳуқуққа хилоф бўлган хатти-ҳаракат ёки харакатсизлик учун айбдор шахсларга нисба-

тан қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий таъсир чораси. Амалдаги қонунларга кўра тўрт хил ҳуқуқий жавобгарлик: интизомий, фуқаролик, ҳуқуқий (мулкий), маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликлар назарда тутилган. Юридик шахслар ўзлари содир этган ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари учун фақат фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка тортилишлари, шунингдек, иқтисодий жавобгарлик чоралари (масалан, солиқлар ёки бошқа тўловнинг қўлланилиши, имтиёзларнинг бутунлай ёки вақтинча бекор қилиниши ва ҳ.к.) қўлланиши мумкин.

Жисмоний шахсларнинг юридик жавобгарлиги умумий ва махсус (мансабдор шахслар) жавобгарликларига бўлинади.

Юридик фактлар — содир бўлиши туфайли муайян юридик оқибатлар юз берадиган ҳаракатлар ва ҳодисалар (ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки барҳам топиши). Юридик аҳамият касб этувчи факт юз бериши натижасида муайян ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Ҳуқуқлар, мажбуриятлар, жавобгарликлар пайдо бўлади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Юридик факт шахснинг маълум хатти-ҳаракатни содир этганлиги, муайян ҳодисаларни (масалан, табиий офат, инсоннинг туғилиши ёки вафот этиши ва ҳ.к.) юз берганлиги билан белгиланади. Юридик фактнинг содир бўлиши қонунда белгиланган тартибда гувоҳлантирилади.

Я

Ягона пул-кредит сиёсати — давлат томонидан амалга ошириладиган ички иқтисодий сиёсатнинг йўналишларидан бири. Мамлакат миқёсида пул муомаласини самарали тартибга солиш, миллий пул бирлиги қадрини ошириш, ички бозорни ҳимоя қилиш, кредитлардан юксак самарали фойдаланишликни таъминлаш, пул ва кредит воситаларини иқтисодий тараққиёт йўлида энг кўп фойда берадиган тарзда ишга солишга қаратилган тадбирлар мажмуи.

Ўзбекистон Республикасида ягона пул кредит сиёсати Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ишлаб чиқилади ҳамда барча давлат бошқарув ҳамда ҳокимият органлари, банк, кредит, муассасалари томонидан амалга оширилади.

Яширин иқтисодиёт — ноқонуний йўл билан тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланиши, иқтисодий

фаолият криминал тус олиши, жиноий элементлар билан қўшилиб кетиши. Жамият ва давлат тараққиёти учун жиддий хавф туғдирадиган ижтимоий воқелик. Яширин иқтисодиёт туфайли моддий, хом ашё, меҳнат ва бошқа ресурсларни назоратсиз сарфланишига, олинадиган даромадларни солиқдан яшириб қолишнинг жиноий йўл билан топилган пул ва бошқа бойликларни «ювилишига», яъни ҳаромни «ҳалол» кўринишига киритишга имкон беради. Яширин иқтисодиёт натижасида олинган даромадларни жиноий мақсадларда ишлатилишига ва бошқа, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, шу сабабли ҳар қандай давлат яширин иқтисодиётга қарши қатъий курош олиб боради.

Қ

Қарз — жисмоний ёки юридик шахснинг шартномада кўзда тутилган ёки бошқа асосларга кўра вужудга келувчи мажбурияти бўлиб, унга мувофиқ қарздор пул ёки табиий ҳолдаги муайян мулкни шартномада ёки қонунда назарда тутилган муддатда иккинчи томон (жисмоний ёки юридик шахсга ёхуд давлатга топшириши лозим бўлади. Қарзга оид муносабатлар фуқаровий — ҳуқуқий шартномаларнинг кенг тарқалган тури бўлиб, шахслар ўртасидаги иқтисодий, мулкий муносабатлар сифатида фуқаролик қонунларига биноан тартибга солинади.

Қаттиқ валюта — эркин алмаштириладиган, қадри баланд чет эл мамлакатининг пул бирлиги. Қаттиқ валюта жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида эркин алмаштирилиши, муомала — тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳозирги пайтда АҚШ доллари қаттиқ валютанинг типик намунасидир.

Қонун — давлат ҳокимияти олий органи томонидан қабул қилинадиган, олий юридик кучга эга бўлган юридик акт. Қонун ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга молик бўлган муносабатлар гуруҳини ҳуқуқий тартибга солиш тамойиллари ва қоидаларини белгилаб беради.

Қарзни тўлашга қобилиятсизлик — қарздорнинг тўлов қобилиятининг йўқолиши. Қарздор юридик шахсларга нисбатан кредиторларнинг талаби билан ёки суднинг ташаббусига кўра уни синган (банкрот бўлган) деб топиш ҳақида иш қўзғатилиши, тугатиш комиссияси тузилиши ҳамда унинг мол-мулки ҳисобига қарз ундирилиши мумкин. Корхоналарни банкрот деб эълон қилиш тартиби, шартлари ва оқибатлари амалдаги қонунчиликда

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг шаклланиш босқичлари..... 37
2-§. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг тузилиши ва унинг ҳуқуқий асослари..... 40

VI БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§. Тижорат банклари ва уларнинг белгилари..... 42
2-§. Тижорат банкининг ваколатлари..... 45
3-§. Тижорат банкларининг мулки, устав капитали ва уларнинг шаклланиши..... 46
4-§. Тижорат банкларининг таркибий тузилиши, филиаллари ва ваколатхоналари..... 49
5-§. Тижорат банкларини очиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш..... 53

II БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

VII БОБ. БАНК ТИЗИМИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ҳисоб-китоблар тушунчаси, шакллари ва уларнинг банклар фаолиятидаги ўрни..... 62
2-§. Ҳисоб-китобларни амалга оширилиш шакллари..... 70
3-§. Мижознинг банк ҳисобварағидан пул маблағларини низосиз тартибда ўчириш (тўлаш)..... 74

VIII БОБ. БАНК КРЕДИТИ ВА ОМОНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Банк омонати ва банк кредити тушунчаси, вазифалари ҳамда ҳуқуқий асослари..... 78
2-§. Банк кредити шартномаси тушунчаси ва унинг мазмуни... 82

IX БОБ. БАНКЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Ўзбекистон Республикасида валюта ва валюта қонунчилиги тушунчаси..... 85
2-§. Тижорат банклари амалга оширадиган валюта операциялари тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқий режими..... 89
3-§. Валюта ҳисобварағи ва валюта билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш..... 91

X БОБ. БАНКЛАР ТОМОНИДАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Банклар иштирокидаги қимматли қоғозлар операцияси тушунчаси, уларнинг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар..... 94

XI БОБ. БАНК ТОМОНИДАН ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА КЎРСАТИЛАДИГАН БОШҚА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР 100

XII БОБ. БАНК АХБОРОТИ ВА БАНК СИРИНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ 106

XIII БОБ. БАНК ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1-§. Банк фаолиятига оид ҳуқуқларни суд тартибида ҳимоя қилиш..... 111
2-§ Банк фаолияти субъектлари ҳуқуқларини нотариал тартибда ҳимоя қилиш..... 113
Банк ва молия соҳасидаги юридик ҳамда иқтисодий атамалар қисқача луғати..... 115

1-§.

2-§.

МУТАЛИБ ЙЎЛДОШЕВ, ЙЎЛДОШБОЙ ТУРСУНОВ

БАНК ҲУҚУҚИ

1-§.
2-§.
3-§.

4-§.

5-§.

Тошкент – «Молия» нашриёти – 2000

Муҳаррир *Х. Муҳиддинова*
Техник муҳаррир *А. Мойдинов*
Компьютерда саҳифаловчи *З. Мухамеджанова*
Рассом *М. Одилов*

1-§.

Босишга рухсат этилди 02.11.2000й. Бичими 60×84 1/16. №1 қоғозга
«ТаймсUZ» ҳарфида терилиб, офсет усулида босилди. Босма табоғи 10,75.
2-§. Нашр ҳисоб табоғи 10,2. Адади 2000. Буюртма № 311.
3-§. Баҳоси шартнома асосида

«Молия» нашриёти, Тошкент, Я. Колас кўчаси, 16-уй.
Шартнома №12-00

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг
«Молия» нашриётида тайёрланди. Тошкент, Я. Колас кўчаси, 16-уй.

1-§.

«ДИЛАФ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор кўчаси, 171-уй.

2-§.